

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

“ДИЗАЙН” ЙЎНАЛИШИ

“АРХИТЕКТУРА – ЛАНДШАФТ ДЕЗАЙНИ
ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНСИЯЛАРИ”
модули бўйича

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Мазкур ўкув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўкув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: Е.А. Добранровова, т.ф.н., доцент

Тақризчи: Bo Yang, Ph.D., Professor of Civil Engineering, Director of international Exchange Office, Deputy Director of Structural Engineering Research Institute, Chongqing University, China.

Ўкув -услубий мажмуа ТАҚИ Кенгашининг 2017 йил 30 августдаги 1 - сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	10
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	20
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	101
V. КЕЙСЛАР БАНКИ	113
VI. МУСТАҶИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	116
VII. ГЛОССАРИЙ.....	117
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	122

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди. Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илфор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳдил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Модулининг мақсади ва вазифалари

“Ландшафт дизайнни” модулининг мақсади: «Дизайн» – «интерьер, ландшафт» йўналишдаги тингловчиларни касбий тайёларнишида асосий ўқув услубларига қаратилган.

Маърузали курснинг тузилиши: ахборот, муаммоли ва аралаш турлари. Курснинг ўқув функциялари – сабатга асосланган ташкилий – йўналтирилган, методологик ва ривожлантирувчи. Маърузалий дарслар интерактив шаклларда ўтказилиш мумкин.

Амалий мағулотлар – назарий билимларни лойиҳаларни тузиш амалиётига қаратилган. Замонавий шакл ва услубий ландшафт дизайнни амалиётда қўллаш.

Мустақил иши – мустақил равишда адабиёт, эскиз, материал тўллаш, режалатириш ва дарсларга тайёрланишдан иборат.

“Ландшафт дизайнни” модулининг вазифалари:

Ишни асосий мақсади – талабаларда ландшафт дизайнни лойиҳалаштириш бўйича бошлангич кўникмаларини шакллантириш, тизимли тушунчалардан фойдаланиш, архитектура-ландшафт обьект ва фазовий мухитини лойиҳалаштириш, ўзгарувчан табиат ва керак бўлган материалларни инобатга олган ҳолда ландшафт дизайнни тузилмаларида жойлаштириш.

Инсонни предмет-фазовий мұхитини шакллантиришнинг метод ва воситаларини талабаларга ўргатиши – бу мазкур курснинг асосий вазифасидир.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Ландшафт дизайнни” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- ландшафт лойиҳалаштиришнинг асосий стилларини билиш;
- ландшафт дизайнда шакл ҳосил қилиш асослари;
- ландшафт дизайн объектларининг ривожланиши ва шакл ҳосил қилиш қоруниятлари;
- ландшафт дизайнини лойиҳалаштириш услубиёти;
- инсонни предмет-фазовий мұхитига қўйиладиган замонавий техник ва эстетик талаблари
билиши керак;

Тингловчи:

- лойиҳалаштиришда тўпланган ахборотни йиғиш, таҳлил қилиш ва қўллаш муслубиётини амалда тадбиқ этиши;
- ландшафт дизайн объектларини назарий таҳлили ва лойиҳалаштириш услубиётини қўллаш
кўникмаларига эга бўлиши лозим;

Тингловчи:

- ландшафт дизайнининг асосий принцип, услуб ва воситаларни амалга ошириши;
- ландшафт лойиҳалаштиришнинг объектлари дизайнни бўйича тушган лойиҳавий таклифларини услубий ишланмаларни амалда қўллаш
малакаларига эга бўлиши зарур;

Тингловчи:

- лойиҳалаштиришда тўпланган ахборотни йиғиш, таҳлил қилиш ва қўллаш услубиётини амалда тадбиқ этиши;
- ландшафт дизайн объектларини назарий таҳлили ва лойиҳалаштириш услубиётини қўллаш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиши ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Ландшафт дизайнни” модулини ўқитиши жараёнида қўйидаги инновацион таълим шакллари ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- замонавий ахборот технологиялари ёрдамида интерфаол маъruzаларни ташкил этиши;

- виртуал амалий машғулотлар жараёнида лойиха ва кейс технологияларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Ландшафт дизайнни” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Дизайн назарияси ва методологияси” ва “Интерьер лойиҳалаш” ва бошқа блок фанлари билан узвий боғланган ҳолда уларнинг илмий-назарий, амалий асосларини очиб беришга ҳизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Фан олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг қурилиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар тизимидағи, қурилишни ташкилий технологик тайёрлаш тизимидағи, энергия фаол биноларни лойиҳалаш соҳасидаги инновациялар бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар архитектура ва қурилиш соҳасидаги инновацияларни ўзлаштириш, жорий этиш ва амалиётда қўллашга доир проектив, креатив ва технологик касбий компетентликка эга бўладилар.

МОДУЛ БҮЙИЧА СОАТЛАР ТАҚСИМОТИ

№	Модул мавзулари	Ҳаммаси	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Мустақил таълим	
			Аудитория ўқув юкламаси						
			Жами	Назарий	Амалий машгулот	Кўчма машгулот			
1.	Инсон турмуш ҳаётини такомиллаштиришда архитектура ландшафт дизайнининг ўрни.	2	2	2					
2.	Ландшафт муҳитларида образ-мавзуний концепциялар яратишнинг стилистик услублари.	2	2	2					
3.	Ландшафт муҳитларида образ-мавзуний концепцияларни режавий услубларни яратиш. Ландшафт семантикаси.	2	2		2				
4.	Шаҳар ландшафт дизайни: шаҳар муҳити яратилишида экологик асослари.	4	4	2				2	
5.	Ландшафт компонентларининг дизайнни	4	4	2				2	
6.	Кўкаlamзорларни жойлаштириш режаларнинг услублари.	4	4		2	2			
7.	Ландшафтдаги сўв компонентларининг дизайнни.	2	2		2				
8.	Архитектура муҳитининг кичик шакллари дизайнни.	2	2		2				
9.	Ўсимликлар экология мустахкамлиги сифатида	4	4	2		2			
10.	Ландшафтни лойиҳалаштиришда бадиий-образ моделларининг услубиёти.	2	2		2				
11.	Шахсий участкаларининг ландшафт дизайнни.	2	2		2				
12.	Шахсий участкаларининг ландшафт дизайнни.	2	2		2				
	Жами	32	28	10	14	4	4		

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Инсон турмуш ҳаётини такомиллаштиришда архитектура ландшафт дизайнининг ўрни.

Табиий ва инсон томонидан яратилган муҳитлари ўзаро таъсирининг муаммолари. Ландшафт дизайнининг вазифалари, обьектлар ва услублари. Ландшафт дизайнининг муҳум омиллари. Муҳит барқарорлиги – ландшафт дизайнининг мақсади.

2-мавзу: Ландшафт мұхитларида образ-мавзулий концепциялар яратишининг стилистик услублари.

Ландшафт санъатида стиль түшунчаси. Тарихий-маданий ландшафт даврларининг географик ва стилистик хусусиятлари. Бөгөн семантикаси. Ўзаро боғлиқ табиий архитектура мұхити яратилишида замонавий ландшафт дизайнининг ўрни.

3-мавзу: Шаҳар ландшафт дизайнини: шаҳар мұхити яратилишида экологик асослари.

Шаҳар очиқ жойларининг (кўча, майдон, ҳиёбон, боғ-скверлари, парклар) яратиш ва ободонлаштиришда замонавий услублари. Кичик боғ – ландшафт дизайнининг асосий обьекти.

4-мавзу: Ландшафт компонентларининг дизайнини

Ландшафтнинг геопластика концепциялари. Ландшафт тузилишининг мұхандислик асослари. Ландшафт обьектларида йўл тармоқларини декоратив қоплашнинг режа услублари ва асосий турлари. Ландшафт дизайнинда сувни шаройитга мослаштиришнинг амалий ва декоратив шакллари. Кичик шакллар – ландшафт дизайнининг элементи сифатида. Ландшафт дизайнинида пардозлаш ва қурилиш материалларининг ўрни.

5-мавзу: Ўсимликлар экология мустаҳкамлиги сифатида

Ўсимликлар – табиий-архитектура мұхитининг асосий компоненти. Ўсимликлардан яратилган композиция турлари ва улар хусусиятлари. Ўсимликлардан яратилган композицияларнинг асосий таркибий қисмлари: манзарали ва ўтсимон ўсимликлар. Ўсимликларнинг биологик, экологик ва безаш тавсифларнинг хусусиятлари. Ландшафт дизайнда худудларга оид ўсимликлар компонентларини қўллаш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Амалий машғулотларни “Кичик гурухларда ишлаш”, “Давра сұхбати”, “Кейс стади” ва бошқа таълим технологияларидан фойдаланилган ҳолда ташкил этиш кўзда тутилган. Бунда ўқув жараёнида фойдаланиладиган замонавий методларининг, педагогик ва ахборот технологияларининг қўлланилиши, маъruzалар бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлаш, амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш назарда тутилади.

1-амалий машғулот: Ландшафт мұхитларида образ-мавзулий концепцияларни режавий услубларни яратиш. Ландшафт семантикаси (Эскизлаштириши формат А-3).

2-амалий машғулот: Ландшафт компонентларининг дизайнини. Кўкаламзорларни жойлаштириш режаларнинг услублари (Клаузура. Формат Ф-3). Ландшафтдаги сўв компонентларининг дизайнини (Клаузура. Формат А-

3). Архитектура мұхитининг кичик шакллари дизайни(Клаузура. Формат А-3).

3-амалий машғулот: Ландшафтни лойиҳалаштиришда бадий-образ моделларининг услубиёти

Сценарий моделлаштириш. Лойиҳа – ҳаёт сценарийси.
(Лойиҳалаштириши сценарий дастури сифатида).

4-амалий машғулот: Шахсий участкаларининг ландшафт дизайнни
(Амалий машғулот . Формат Ф-3 2 листа)

- Бөш режаси, ёйилмаси, кесими.
- Дендрорежа, экинлар чизмаси, бўлимлар чизмаси, ўсимликларни спецификацияси, турлар.

КЎЧМА МАШҒУЛОТ

Ўсимликлар экология мустаҳкамлиги сифитида (экскурсиялар).

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиягини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантикий хulosалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (ложиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиягини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Топшириқ турлари	Баллар тақсимоти	Максимал балл
1	Мавзулар бўйича кейслар	1,5 балл	2,5
2	Мустақил иш топшириқлари	1,0 балл	

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

Кириш

Замонавий иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларни ривожлантириш асосида кадрлар тайёрлашнинг такомиллашган тизимини яратиш мамлакатни тараққий эттиришнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. Юртимизда иқтисодий таълимда ўқитиши технологиялари, аввало, инсонпарварлик тамойилига асослангандир. Фалсафа, педагогика ва психологияда таъкидланганидек, бу йўналишнинг асосий фарқли томони шундаки, бунда бутун диққат-эътибор тингловчининг шахсига қаратилади.

Шунинг учун ҳам таълим жараёнида қўлланилиши лозим бўйланған педагогик технологияларни тингловчининг ўзига хос шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, мустақил, фаол билим олиш фаолиятини ташкил этишга қаратиш асосий жиҳатлардан ҳисобланади.

1. Маъруза машғулотларини ташкил этишнинг Асосий шакллари

Маъруза – ўқитиши ташкил этишнинг асосий шакли ҳисобланиб, қўйидаги вазифаларни амалга оширишга имкон беради:

- йўналтирувчилик – тингловчиларни ўқув материалининг асосий ҳолатларига, уни келгуси иш фаолиятидаги ўрни ва аҳамиятига диққат қилишларига имкон беради;
- ахборотлилик – ўқитувчи маъруза вақтида ҳолат, асосий илмий далиллар ва хуносалар моҳиятини очиб беради;
- методологик – маъруза вақтида ўқитиши усуллари таққосланади, илмий изланишнинг асослари намоён этилади;
- тарбияловчи – ўқув материалига ҳиссий-баҳолаш муносабатида бўлишни уйғотиш;
- ривожлантирувчи – билим олишга бўйланған қизиқишларни, яъни мантикий фикрлаш ва исботлаш қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Академияда ўқитиладиган маъruzаларнинг асосий шакллари ва унинг ўзига хос хусусиятлари

<p>Ахборотли маъруза. Бу анъанавий маъруза шакли: маъруза режасига мувофик ўқув материалини монологик тарзда ва мантикий изчилликда баён этишдан иборат.</p> <p>Муаммоли маъруза. Янги билимларни савол/вазифа/вазиятларнинг муаммолиги орқали киритилади. Бу жараёнда тингловчиларни профессор-ўқитувчи билан ҳамкорликда ва сухбат жараёни орқали изланувчилик фаолиятига яқинлаштириш асосий вазифа ҳисобланади.</p> <p>Бинар маъруза. Бундай маърузани ўқиш икки ўқитувчи/2 та мактабнинг илмий вакиллари/олим ва амалиётчи/ўқитувчи ва тингловчиларни ўзида намоён этади.</p> <p>Якуний маъруза. Коида бўйича курсни якупнайди ва бутун давр мобайнида ўтилган мавзуларни умумлаштиради. Бундай маърузага тайёрланишда семинар машғулотида, оммавий савол-жавоб жараёнида аниқланган тингловчилар билимидаги камчиликлар ҳисобга олинади ва уларни бартараф этишга, шунингдек келгусида ушбу соҳадаги тайёргарлигини такомиллаштиришга ургу берилади. Якуний маърузада ўқитувчи курснинг асосий ғояларини беради ҳамда келгусида ушбу курсни ўрганиш давомида шаклланган билимлардан қасбий ва раҳбарлик фаолиятида қандай қўллаш бўйича умумий кўрсатмаларни тақдим этади.</p> <p>Анжуман-маъруза. Олдиндан белгиланган муаммо ва маърузалар тизими билан илмий-амалий машғулот (5-10 дақ.) ўтказилади. Бунда муаммони ҳар томонлама ёритиб бериш назарда тутилади. Машғулот якупнода ўқитувчи мустақил бажарилган топширикларга ва сўзга чиққанларнинг берган фикрларига якуп ясади, ахборотни тўлдиради/аниқлик киритади, асосий хуносаларни ифодалайди.</p>
<p>Маслаҳатли-маъруза. Турлича режа кўринишида ташкил этиш мумкин.</p> <ol style="list-style-type: none">1. “Савол-жавоблар” – ўқитувчи бўлим ёки тўлиқ курс бўйича тингловчиларнинг саволларига жавоб беради.2. “Савол-жавоблар-мунозаралар”: ўқитувчи нафақат саволларга жавоб беради, балки жавобларни қандай излашни ҳам ташкиллаштиради.

2. Семинар/амалий машғулотларни ташкил этишининг асосий шакллари

Семинар – таълим берувчини таълим олувчилар билан фаол сухбатга киришишига йўналтирилган, назарий билимларни амалий фаолиятда татбиқ этиш бўйича шароитни таъминловчи машғулотнинг ўқитиш шакли.

Семинар қўйидаги мақсадларга эришиш учун қўлланилади:

- назарий материалларни тартибга солиш;
- кўникмаларни ҳосил қилиш;
- билимларни чуқурлаштириш ва назорат қилиш.

Семинар шаклидаги машғулотга ўтиш ўзаро ҳаракатни эшилтириш (трансляция) схемасидан мулоқотга ўтишни, монологдан диалогга ўтишни англатади.

Тайёргарлик ва семинарни олиб бориш бир қатор саволларга жавоб беришни талаб этади:

1. *Нима учун?* – вазифа ва семинарни олиб бориш умумий олганда таълим беришни мақсадларига мос бўлиши керак.

2. Семинар шаклида машғулотни олиб бориш технологиясини *Қандай қилиб?* - ишлаб чиқиши керак.
3. Семинар вақтида муҳокама қилиши керак бўлганда, материал мазмунида - *Нимани?* ишлаб чиқиши зарур.
4. Семинарни олиб бориш вақтида, яъни ҳисобга олиш муҳим бўлган омиллар - *Нимани ҳисобга олган ҳолда?* белгиланиши зарур.
5. Семинарни бошқариш учун унинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида ундан фойдаланиш мумкин бўлган, таъсир этиш воситасини - *Қандай йўл билан?* аниқлаш мумкин.

Академияда ташкил этиладиган семинарларнинг асосий шакллари ва унинг ўзиға хос хусусиятлари

Кенг кўламли сұхбат. Ҳамма учун умумий бўлган тавсия этилаётган мажбурий ва қўшимча адабиётлар билан машғулотнинг ҳар бир режа саволларига тингловчиларни тайёргарлигини назарда тутади. Фаоллаштиришни барча воситаларини қўллаш билан: сўзга чиқувчига ва барча гурухга яхши ўйлаб тузилган аниқ ифодаланган саволлар; сўзга чиқувчи тингловчиларни кучли ва кучсиз томонларига диккатларини қаратса олиши; иш жараёнида очиб берилаётган, янги кирраларни ўша вақтнинг ўзида ажратиб кўрсатиш ва бошқалар асосида қўпчилик тингловчиларнинг саволларини муҳокама қилишга жалб қилиш имконини беради.

Пресс-конференция. Қисқа сўзга чиқишидан сўнг, биринчи савол бўйича маъruzачига (агарда маърузалар бир қатор тингловчиларга берилган бўлса, ўқитувчининг ўзи улардан бирига сўз беради) сўз берилади. Шундан сўнг, ҳар бир тингловчи маъруза мавзуси бўйича унга савол бериши лозим. Савол ва жавоблар семинарнинг марказий қисмини ташкил этади.


Қанча кўп жиддий тайёргарлик кўрилса, саволлар шунчалик чуқур ва маҳоратли берилади. Саволларга аввал маъruzачи жавоб беради, сўнгра истаган бир тингловчи ўз фикрини билдириши мумкин. Бундай ҳолатларда қўшимча маъruzачилар, агарда шундайлар белгиланган бўлса, фаол бўладилар. Ўқитувчи ҳар бир муҳокама қилинаётган савол бўйича ёки семинар якунида ўз хуносасини тақдим этади.

Муаммоли вазиятларни (кейсларни) ечиш. Муаммоли вазиятларни ҳал этиш натижасида хосил бўлган, мустақил излаб топилган далиллар, касбий аҳамиятли йўналишларни излашга ва тасдиқлашга, келгусидаги касбий фаолияти билан боғлиқлигини англаб этишга ёрдам беради.

Семинарни педагогик бошқариш, унинг самарадорлигини баҳолаш



Семинар машғулотининг самарадорлигини баҳолаш



МАЪРУЗА ВА СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИДА ЭНГ КЎП КЎЛЛАНИЛАДИГАН ТЕХНИКАЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ШАРҲИ

Муаммони жамоали тарзда ҳал этишининг усуллари ва воситалари

Музокаралар

Музокаралар – аниқ ташкил этилган икки томон фикрларининг алмашинуви.

Музокараларни ўтказиш жараёнининг тузилиши

Раиснинг кириш сўзи, кўрилаётган масала билан аудиторияни таништириш, регламентни тасдиқлаш, иштирокчиларни таништириш

Масала бўйича фикрларни

1-томон лидерига сўз бериш

1-томон лидерининг масалани маъқуллаб сўзга чиқиши

2-томон лидерига сўз бериш

2-томон лидерининг масалага қарши сўзга чиқиши

У ёки бу фикрни маъқуллашни хоҳловчиларга навбатма-навбат сўз

1-томон лидери томонидан далилларни жамлаш

2-томон лидери томонидан далилларни жамлаш

Масала юзасидан жамоа фикрини аниқлаш учун очиқ ёки ёпиқ шаклда овозга кўйиш

Овоз беришга якун ясаш.

Овоз бериш натижаси асосида қарор қабул қилиш

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ходиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ходисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишириш	<ul style="list-style-type: none">✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);✓ ахборотни умумлаштириш;✓ ахборот таҳлили;✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none">✓ индивидуал ва грухда ишлаш;✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none">✓ индивидуал ва грухда ишлаш;✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none">✓ якка ва грухда ишлаш;✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейс

1370 йил Тимур Мавуннахрнинг ягонохукмдори бўлади ва империяни ташкил этиб, ўлимига қадар (1405 й.) Ўрта ер денгизидан Индагача бўлган худудларда хукмдорлик қиласди. Бу давр, улуғ ютуқлар ва қарама-қаршиликлар даври бўлган. Сиёсий ҳаётда - мамлакатларни ва халқларни империя доирасида бирлаштиришга интилиш ва шу билан бирга қарам ўлкани мустақил бўлиши. Иқтисодиётда – кенг халқаро тижорат алоқалари, хунармандчилик ва савдо-сотиқни ўсиши, катта шаҳарларни ва вилоятларни қашшоқлашувининг ўсиши. Маънавий маданият, илм-фаннынг гуллашида юқори кўтарилиш ва фанатизмни ортиқ даражада бўлиши. Бу фонда – санъатнинг ҳайрон қоларли даражада парвози, ижоднинг турли қўринишидаги баркамоллика интилиш ва бу баркамоликка эришиш.

Бу даврда боғ-парк санъатининг гуллаш даври бўлди. Боғларни режалаштириш пухталик билан ўйланган режа асосида ишлаб чиқилган қоидаларга мос ҳолда амалга оширилади. Боғ-парк ишларида бир қатор усталар ажратилади, тарих бу номларни бизгача етказган, улар қуидагилар:

- Шахабуддин-Ахмад Зардакаши – Тимурнинг самарқанд боғларини яратишдаги асосчилардан биридир;

- Мирек-Сайид Фиёс Султан-Махмуд номи билан – буюк хирот шоири, сунъий сув чиқариш ва боғларни режалашда уста;

Бу даврга архитектуравий ташкил этилган боғ чорбоғ – “тўртқисмга бўлинган боғ” муҳим характерга эга, бош режавий тамойил – боғ худудини квадртга ёки тўғри ўқариқлар билан тўрт қисмга бўлиш.

Чорбоғнинг режалаштиришдаги қоида “Иршад аз- Зра’ а” трактида ифодаланган, Ҳиротда тузилган ва ҳирот қурилишига бош ҳомий Алишер Навоийга бағишлиланган. Унинг раҳбарлигидаги тавсия этилган **чорбоғ** тўғрибурчакли, ёруғлик томонга тўғри ориентир олиш. Уни девор ва қатор тераклар ўраб олган. Асосий ўқариқ кенг йўлкалар ва ирмоқлар билан ажратилган. Ҳиёбонинг ичкарисида тантановор бино “иморат” қад кўтариб турибди, унинг рўпарасида тош ётқизилган майдон “**пешгоҳ**” ҳовузлар билан ва саллагулли клумблар жойлашган. Иморатнинг ўзи соя берувчи дараҳталар – чинорлар, тут дараҳтлари, қайрағочлар билан ўралган, боғнинг асосий худуди майдонларга “чорчманларга” бўлинган.

Боғнинг майдончаси геометрик шаклларга – учбурчакли, квадрат, олтибурчакларга ажратилиб, уларда гулзорлар ташкил этилган, хиёбонлар бўлиниб декоратив ва мевали дараҳталар экилган. Дараҳталар, буталар, гулларни ўтказишида - чуқур ўйланаган тизим қўлланилган. Гулларни танлашда гуллаш вақтининг эътиборга лойиқлигидир - чунки боғларда доимо гуллар очилиб турган.

Темурийлар боғининг ўзига хос томони (оврупа паркларидан фарқли ўлароқ) – декоратив и мевали дараҳатларнинг бирга қўшилиши, улар на факат утилитар талабни қондира олишида ва эстетик жиҳатдан аниқ таърифини топган. Баҳордаги рангларнинг туси ва куздаги япроқлар ранги боғларга ниҳоят такрорланмас тароватни берганлар. Боғлар баланд деворлар билан айлантириб чиқилган, айrim ҳолда бу довол пахсадан бўлган, аммо кўпинча тўсиқлар архитектуравий безатилган. Бурчакларда минорачалар ўрнатилган, улар кўзатиш пункти вазифасини бажариб, кўпинча изразца билан қопланган. Асосий марказда баланд ҳашамат билан безатилган пештовоқли кириш йўли жойлаштирилган.

Саволлар

Марказий Осиёда Темурийлар давридаги боғ-сайлгоҳ санъатининг қайси услуги характерли?

Қайси боғ-парклар услуги геометрик тўғри йўлаклар ва майдончаларда симметрик-ўқ характерида жойлашуви?

Марказий Осиёда Темурийлар давридаги қайси боғ турлари кенг тарқалган?

Темурийлар даврида шаҳар ташқарисидаги катта магистрал шаҳарликларнинг сайд қиладиган, диний байрамларни ўтказиши, кўнгил очадиган жойлар нима деб аталган?

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўнилмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўнилмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташхис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга кўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмунни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:



Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			


Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

Вени Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиши таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.



“Блиц-үйин” методи

Методнинг мақсади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш күнінің маңыздылығын шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида құллаш самарали нәтижелерні беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастрас иштирокчиларга белгіланған мавзу юзасидан тайёрланған топшириқ, яғни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сүнг, иштирокчиларга түғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасына белгилаш кераклиги тушунтириледи. Бу босқичда вазиға якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдагы босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гурұхларға бирлаштиради ва гурұх аъзоларини ўз фикрлари билан гурұхдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир үтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишгән ҳолда бир түхтамға келиб, жавобларини «гурұх баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқиши топширади. Бу вазиға учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гурұхлар ўз ишларини тутатгач, түғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттириледи, ва ўқувчилардан бу жавобларни «түғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Түғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуиши сўралади. Шундан сүнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.


5. Худди шу тартибда «түғри жавоб» ва «гурұх баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гурұх хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшиледи ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гурұх хатоларини тўпландыру мисбати

бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

“Кучлар таҳлили” графиги



«Кучлар таҳлили» графигини тузиш қоидаси

Координат ўки чизилади, чапга стрелка (кучлар) билан корхона ривожланиши ёки муайян бизнес лойиҳасини амалга оширишга халақит берувчи тўсиклар жойлаштирилади. Ушбу стрелкалар катталиги жиҳатдан у ёки бу муаммога таъсири ҳамда жиддийлигига мос келиши лозим бўлади.

Сўнгра қарама-қарши томонга ушбу кучларни енгиб ўтиш воситалари стрелка кўринишида экс эттирилади. Уларнинг сони графикнинг ўнг томонидан натижа чиқара оладиган даражада бўлиши лозим.

Умуман олганда, бу келгусида аниқлаштиришни ва бўлакларга ажратишни талаб этадиган кучларни нисбий баҳолаш усули ҳисобланади.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Инсон турмуш ҳаётини такомиллаштиришда архитектура ландшафт дизайнининг ўрни

Табиий ва инсон томонидан яратилган муҳитлари ўзаро таъсирининг муаммолари. Ландшафт дизайнининг вазифалари, обьектлар ва услублари. Ландшафт дизайнининг муҳум омиллари. Муҳит барқарорлиги – ландшафт дизайнининг мақсади.

Ландшафт дизайнни – фаолиятнинг алоҳида кўриниши бўлиб, табиий компонентлардан – рельеф, сув, ўсимликлар ва ҳокозолардан фойдаланиб инсониятнинг ҳаёт фаолиятига сунъий муҳит яратишдир.

Ландшафт дизайнининг **асосий мақсади** – инсонга очиқ муҳитни ёқимли қилиб, дилга хушнудлик, функционал, эстетик ва экологик хусусиятга эга қилиб яратиш, бунда эстетик фактор асосий ўринни эгаллади.

Ландшафт дизайнни асарлари **композициясида** рельеф (геопластик элемент сифатида), ўсимлик, сув, ҳаво (фазовий ва ер ости перспективаси сифатида) **асосийдир**. Ландшафт дизайнининг **асосий композицион элементлари** очиқ муҳит, ўсимлик, қурилишлар, шаршаралар, рангларнинг турличалиги, ёруғлик, соя, ҳаво ва чизиқли перспективанинг пайдо бўлишидадир. Кузатиш орқали келиб чиқадиган ҳис-хаяжонланиш, ландшафт дизайнининг асарларида ишлаш- бош бўлиши, масштаб, уйғунлик, контраст **композицион факторлардир**.



СУВ



ТОШ



ЎСИМЛИКЛАР

Ландшафт дизайн бошқа санъат турларидан асосий фарқи:


- ландшафт дизайн асарларинининг асоси табиатдир (ўсимлик, рельеф, ер, сув, ҳаво, тош ва ҳокозо.);
- қурилиш ашёларининг асоси – жонли ўсимлик, доимо организмдаги ўзгарувчанлик;

Ландшафт дизайнинг бошқа турли композицияси динамик структурага, яъни вақт ўтиши билан узликсиз ўзгариб туриши билан боғлиқдир. Ландшафт обьекти яратилиш жараёнида ландшафтда табиий элементларнинг синтези ва сунъий шакллар, яъни ландшафтнинг янги кўринишда пайдо бўлишидир.

Ландшафт – табиат-худудий, табииж рубежлардан чегараланиб ва маълум бир ташқи кўриниш характерига эга мажмуадир.“Ландшафт” ва “манзара” тушунчасини бир-бири билан адаштирмаслик керак, аммо уларнинг иккиси ҳам немис ва фрацуз тилидан таржима қилинганда “жойнинг кўриниши” деган маънони беради. “Ландшафт” – географик термин, географик районларнинг табиий кўринишини ўзгача ажратишдир. “Манзара” – рангтасвирда ишлатувчи термин, инсон кўзи билан худуддаги жойни аниқлашдир.


Ландшафтнинг бешта асосий унсурлари мавжуд – булар ер (рельеф), ҳаво, сув, флора ва фауна. Олтинчи унсур эса инсондир. Ер қатлами турлича рельефларга эга. Бу рельеф ҳавонинг ва сув тақсимотини айтиб туради. Бунинг оқибатида жойнинг худуддий-иқлимий ўсимликлар ва ҳайвонлар дунёсининг характеристи йиғилиб боради.

Рельеф – ландшафтнинг “скелети”дир. Унинг ўзгаришида бошқа барча унсурларнинг ўзгаришини кузатиш мумкин. Ландшафтлар **табиий (табитдан)** ва анторопоген бўлимларга бўлинади.



¹Табиат муҳитдаги ривожланиши давомида ва инсоннинг аралашуви жараёнида **табиий ландшафтлар** вужудга келди. Замонавий ривожланиши поганасида бу тушунчани шартли равишда қабул қилиши мумкин, яъни бу худуд планетада йўқдек, асосий ландшафт унсурларига инсон фаолияти орқали тегимагандек.

Антропоген ландшафтлар ўзаро характеристикувчи табиий ва сунъий унсурлардан ташкил топади ва инсон аралашуви остида шакланади. Ландшафтнинг мустаҳкамлиликка айланishi даврида **ландшафт урбанизацияси** тушунчаси шакланди. Бундайларга шаҳар, қишлоқ, саноат, рекреацион ландшафтлар киради.



Ландшафт дизайн **объектлари** табиат билан **таҳлили** ва **санъатнинг турли кўринишларини** тарихий услублар (стиллар) билан боғлиқлигини, ҳар бир даврда эстетик идеалларни ўзгаришларини акс эттиришлари билан ўзларини таништирадилар.

¹The fundamentals of landscape architecture/by Tim Waterman. An AVA Book Published by AVA Publishing SA, 2009 ISBN 978-2-940373-91-8 – 12, 14 б.

Парадигма - қандайдир бир даврдаги қарашларга тилга, маданиятга, соҳага, илмга, санъатга, дунёнинг қурилишига, аниқ фалсафик оқимга,

санъатда аниқ йўналишга устунлик қилишдир. Парадигма санъатдаги ва илмдаги аниқ фикрлаш услуги билан боғлиқдир. Бу тушунчанинг мазмуни – тарихнинг кириб келишидир. Парадигм алмашинуви – маданиятда кетма кет йиғилиш ституациасидир ва унинг ривожи портловчи характер билан аниқланади. Парадигма илмда фикрлаш услугуни ва санъатда услугни аниқлайди. Дизайн учун бу ёки у услуг ҳам аҳамиятлидир.

Жамиятнинг илк ривожланиш даврида ландшафт объектларининг режавий-тизими табиат-иқлмий шароитларидан тўғридан-тўғри боғлиқлиги кузатилган. Суғориш тизими билан ёқимли микроиқлимни таъминловчи, египет ва персия (эрон) боғларининг режавийлиги боғлиқ. Шу билан бир қаторда ўша даврда эстетик факторларни ҳисобга олган ҳолда – безатиш, ландшафтнинг бўш жойини геопластика, сув қурилмалари ва ўсимликларининг бой ассортиментларини қўллаш усуллари шаклланди.



Антик даврда ландшафт дизайн воситларидан фойдаланган ҳолда атроф муҳитни уйғулантириш ғояси илгари сурилади – архитектурани табиат билан боғланишни, сунъий яратилган муҳитда элементлар уйғуналигини кўрсатиш. Табиий ва архитектуравий шакллар ўзаро зипс боғлиқлиги **қадимги рим боғларида** фарқланади.

Ландшафт объектларини утилитар талабларига итоат этиш тенденцияси Европада ўрта аср даврида устунлик қилган.



Боғ-парк санъатини тушуниш ўрта асрда Осиё билан европада сезиларли фарқ қиласан. **Хитойда** боғларнинг хилма хил турлари ташкил этилган: императорлар саройлари қошидаги боғлар, табиий пейзажли боғлар, ҳовли боғлари, алломалар боти ва кўплаб бошқа боғлар, яъни дунённинг тинчлигини, табиатнинг чиройини, лирик хусусиятни очиб беради. **Японияда** боғлар вақт оқимига қараб ўзларининг эстетик шаклланиш усулларини ўзгартирадилар. Бошланишида бу ҳашаматлилик, декоративлик ва жуда кўп гуллар, кейинчалик эса фалсафанинг ахлоқий тозаланиши остида ва оддийлик – лакалик, рамзийлик, ранглар уйғунлигининг сақланиши бўлди.



Оврупо уйғониш даври ва бароккода геопластика шедеврларини, қийин сув қурилмаларини, ўсимлик материалларидан қўрқмасдан фойдаланиш (топиар санъат)- машҳур “итальян боғларини” намойиш этдилар. **Француз классицизм** даврида доимийлик (ҳар доим) стили кузатилади. Сунъий ландшафтларни ташкил этишда, топиар санъат ўзининг юқори даражасига қўтарилиди. **Маърифат тарқатиши** даври янги тенденцияни - табиатга тақлид қилишни қўтариб чиқди.

Табиат ландшафт обьектининг асосий форма сини ташкил этувчи элементидир. Доимийлик ўрнига пейзаж стили кириб келди.



Кейинги юз йилликда жамоат парклари ва боғларини жуда кўп, жумладан махсуслаштирилган, давр ва тарихий услубда турли хилда кенгайтирилган мотивларнинг пайдо бўлганини айтиб ўтиш керак. Эстетик топшириқнинг ечими ижтимоий талабга бўйсениш бўлди. Асосий услугубий йўналиш доимийлик ва пейзаж бўлиб қолди.



2-мавзу. Ландшафт мұхитларида образ-мавзулий концепциялар яратишининг стилистик услублари

Ландшафт санъатида стиль түшүнчәсі. Тарихий-маданий ландшафт даврларининг географик ва стилистик хүсусиятлари. Бөгөн семантикаси. Ўзаро бөглиқ табиий архитектура мұхити яратилишида замонавий ландшафт дизайнининг ўрни.

Қадимий ва ўрта асрда Шарқ

Қадимги Миср

Қадимий Миср Нил дарёси сув тошқынлари етиб бормайдиган баландликларда террасали бөглар ташкыл қилинарди. Сүгориши ва тупроқни озиқлантириши сунъий ҳолда эди. Қазилмалар күрсаткичлари ва қабр ёдгорликларидаги барельефлар бир майдондаги турли ўсимликларнинг жойлашуви ва гурухларга бўлиншии режа асосида амалга оширилганини кўрсатади. Сүгориши манбаларининг жойлашишига қараб, мисрликлар ўз бөгларига квадрат ёки тўғри туртбурчак шакл берганлар. Йириқроқ ва баландроқ дараҳтларни тўсикқа яқин бөгнинг ўртасига ўртacha катталиктаги дараҳтлар, энг паст бўйли ўсимликлар эса бөгнинг ўртасидаги ҳовуз атрофига экилган. Сояниг йўқлиги – бу мамлакат аҳолисининг жуда қийин муаммоси эди. Қадимги ёзувларда шундай сўзлар бор эди: “У камбагал, унда соя йўқ”.

Қадимги вақтлардан бошлиб- мисрликлар учун дараҳт муқаддас ҳисобланган ва ҳар бир ибодотхона ўзининг муқаддас дараҳтига эга бўлган. Ҳар бир бөглар билан ёнма-ён узумзорлар экилган. Узум бағазлари учун баъзи гумбазсимон шаклдаги айвончалар перголалар қурилган. Янги подиохликда ўрмонларнинг етишимаслиги кўп сонли муқаддас дараҳтзорлар орқали тўлдирилган. Манбааларга кўра, катта ибодатхоналар жуда йирик мулкка эга бўлганлар. Энг таниқларидан Ментухотеп ибодатхонаси қошидаги боғлар (эрамиз ав. 2160-200 й.) ва малика Хатшепсут боғидир. (эр.ав. 1520-1500 й.). Яна малика Клеопатра тўкин-сочин базмлар ўтказадиган боғ (эр.ав. 1 аср) маълум Клеопатра боғлари Рим боғларига намуна бўлиб хизмат қилган.

Фиравн Аменофис III нинг лашкарбошларидан бирининг Фивадаги қабр тошида тасвирланган қадимги Египт боғлари тўғрисида тасаввур маълум. У боғнинг бутун

тарихини худди қуш парвозидагидек тасвирлайди. Бу ернинг баланд девор билан ўралган квадрат майдони боғнинг бош қисмида жойлашган уй симметрик жойлашган турли хил дархтлар: пальма, анор, лимон ва ҳокзолар аллеялари билан сояланади.

Мисрликларнинг тасаввурлари бўйича пальмалар хужайинига шодлик, смоковницалар – бойлик ва яширин билим, эбен дараҳти – бойлик ва баҳт келтирган. Бу дараҳтлар мисрликлар учун муқаддас ҳисобланган. Боғ тўрт қисмга бўлинган. Боғнинг очиқ маконлари паст бўйли ўсимликлар билан ўралган ҳовузга эга бўлган. Боғнинг ўрта қисмини узумзор эгаллаган.

Чиройли, симметрик тархни таҳлил қилиб, турли дараҳтларнинг дикқат билан ўйланган алмашинишини, ҳовузларнинг нозик шаклларини кўриб тан

олиш керакки, ўша даврда боғ санъати тарихи остонасида рационал режалаштирилган боғнинг юқори даражада ривожланганини кўриш мумкин. Кейинчалик боғ-парк снъатида қўлланилган симметрия, гўзалликнинг ва утилитарликнинг уйғунлашуви каби талаблар Миср боғларида ўша даврлардаёқ муваффақият билан қўлланилган. Миср боғлари текислик боғлари бўлиб ҳисобланган, уларда иморатлар архитектураси иккинчи даражали рол ўйнаган. Лекин боғларда табиий-иқлимий шароитлардан келиб чиқиб, ҳовуз ва каналларни кўриш етакчи ўрин тутган. Шаҳар муҳити ландшафти ечимини – XV асрда эрамиздан аввал намуна сифтида келтириш мумкин. Ахетоннинг асосий кўчаларининг икки томонида неча километрга чўзилган пальма дараҳтлари экилган. Бундай қадимий аллеялардан композиция усули олинди ва келажда кенгроқ ривожланди.

Мисрда боғларнинг асосан 2 типи шаклланди - ибодатхоналар боғи ва тураг жой уйлари олдидаги боғлар. Мисрда - нилуфар гули, папирус, эрика, нимфеялар муққадас деб ҳисобланган.

Асосийси:

- тарҳда тўғри чизик, ва доимийлик (мунатазамлик), сугоришидаги таҳминий тизим;

- тарҳда симметрия;

- нағислик, нозикликни ва манфатпастликни қўшиши;


- сув юзасининг албатта бўлиши (ҳовузлар, хавзалар, каналлар);

Томорқа участкаси тузилишининг қонуниятлари :

- диний, манфатпастлик ва эстетик функцияларнинг бирга қўшилишининг чекланиши;

- ҳовузларни, ўсимликларни, майсазорларни тархий тизимга уланган (қўшилган) доимий тарҳ.

-



Сад Древнего Египта.

Схема планировки: 1 - вход;

2 - пергола, увитая виноградом;

3 - жилое здание;

4 - бассейны.

Ассирия-Вавилон

Икки дарё оралиғи тарихида 3 давр ажратилади: шумеро-аккад, ассирий, янги вавилон. Шумеро-аккад даврида (эрамизгача 2340 й.) шумер шохи Гудеа узумзорлар ва балиқларни күпайтириш учун ҳовузлар барпо этади. Ассирий шохи илк бор Тиграт паласар 1 парки хақида эслаб ўтади. Ассирий ва янги Вавилон даврида боғлар ўзининг катта ҳажмлилиги ва ҳашаматдорлиги билан ажралиб турган.

Умумий мунтазамликнинг, тахминий сугориш тизимида, улар тўрттаучбурчак симметрияли қилинган, кўчатлар анча эркин жойлаштирилган. Энг эртаги боғларнинг расмлари шоҳ Сарагон II нинг бошқариш даврига тўғри келди (эр. Ав. 1100 й.). У Ассирияning пойтахти Ниневия шахри устида Дар-Шаккурин шахрига асос солди, уни баланд девор билан ўради, унда хетт флорасинн ҳамда турли хил тоғ ўтларини экди. Дур-Шаккуриндаги Сарагон 2 саройинг бош тархи иншоотнинг улуғорлиги ва безакларнинг бойлиги билан бирга уйғун ҳолда яхлит, ягона ички жойлаштирилган ички ҳовлиларнинг қўп хиллиги билан ўзига диққатни тортади. Саройнинг ҳовли боғлари Миср боғларига ўхшаб ҳал қилинган.

Икки дарё оралиғи парклари жуда кўп маҳсус жиҳозланган бинолар (павильон) ва шийпончалар билан безатилган. Ибодатхоналарнинг - зиккурат, айвонлар типидаги ўзига хос хусусияти кўкаламзорлаштиришда бўлган. Бу

ердан паркларда сунъий ўйиб ясалган кўринувчи тепаликни яратиш бошланган. Балким шу ердан “Семирамидаларнинг осма боғлари” яратиши гояси келиб чиққандир. Айниқса Евфрат соҳили бўйидаги саройни шоҳ Набопаласар (эрамизгача 625-601 йиллар.) ва унинг ўғли Навуходоносор II (эрамизча 605-582 йиллар) безатиш ишларида жуда кўп саъий харакат қилганлар. Сўнгги бошқариш даврларда “осма боғларнинг” кенгайтирилиши ватанини соғинган – Мидия авлодидан бўлган рафиқаси, малика Никотриса учун амалга оширилади.

Иморат курилиши ёруғни ўтказадиган 4 этажли айвондан иборат бўлган. Жуда катта томоннинг узунлиги – 42 м. Кириш – жанубдан. Айвоннинг кенглиги – 3,5 м. Сув туширгичнинг баландлиги – 5,0 м



Зинапоялар оқ ва пушти мраморлардан ясалган эди. Галереянинг ичи, гулли кафеллар ва деворга солинган расмлар (фрескалар) билан безатилган колоналардан тузилган гротлар жойлашган. Баққуват устунлар ва гумбазлар тошли плиталардан қўтарилиган. Плиталар қўрғошин қатламлари билан тўлдирилган бўлиб, қамиш ёйилган, елим билан шимдирилган ва икки қатор ғишт терилган, оҳак билан маҳкамланган. Ғиштлар лойнинг қалин қатлами қопланган. Суфориш сувқўтаргич парракалари ёрдамида фаввора, поғонали шаршара, жилгалар тизими асосида амалга оширилган. Кўтариб турувчи устунларнинг ичи кавакли бўлган. Бўш жойларда - пальма, сарвлар (кипарислар), кедрлар, шамшод (самшит), чинор, дуб дарахтлари ўсган. Қолган бўш жойларда, майдонларда – гуллар.

Асосийси:

- тархнинг умумий тартиблигида, режалаштиришида қаттиқ симметрияниң үйқлиги;
- ландшафтнинг алоҳида усулларини, айниқса овчилар паркларини яратишида қўллаш;
- сунъий ўйиб ясалган тепалик ва айвонларни, осма боғларни яратиши;
- паркларни шийпончалар ва маҳсус жиҳозланган бино (павильон) билан безатиши;
- ботаник боғларни намунаси - ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг коллекциясини яратиши.

Қадимги Форс (Персия)

Эрамиздан аввал 550 йилда форслар шоҳ Кир II бошчилигига бутун Икки дарё оралигини Мидия, Лидия, Эрон, Кичик Осиё, Кавказ орти худуларини, Финикия ва Фаластин давлатларини Пасгарда пойтахти билан ўзига бўйсундирди. Давлатларни 20 вилоятга (сатрап) бўлдилар. Улкан давлатга Кир II нинг ўғли шоҳ Дарий хумдорлик қилди. Қадимги форсларнинг эътиқод қилиш дини оловга сифиниш бўлган. Ибодат қилиш қурбонлик қилиш жойи олов олдида рўй берган. Шунинг учун ибодатхоналар курилмаган. Меъморий саройларнинг тараққий этиши, боғдорчиликнинг ривожланиши кузатилган. Форслар камёб дараҳтлар ва гуллардан иборат бўлган, йўлбарслар, арслонлар тўнғиз каби ҳайвонлар жойлаштирилган улкан боғларни барпо этдилар. Ов қилиш учун бундай боғлар **парадизлар** – жаннат деб аталган. (Бунда “пара” (атроф) ва “диз” (девор) – атроф девор билан айлантирилган боғ маъносини билдирган).

Боғларнинг режавий жойлашуви - қатъий мунтазамлик. Боғларни ягона композицион ғояга боғланмаган, турли ўлчамдаги тўртбурчакли худудларга ва кварталларга бўлганлар. Боғларни фавворлар, каналлар, павильонлар билан бойитиб безаганлар. Хусусан таниқлilари: **Таки-Бустан рельефлари** ва сунъий ғорлари (IV-Васрлар) – сасанид шоҳларининг шаҳар ташқарисидаги ов қилиш резеденцияси; Касри-Шир сарой ансамбли (590-628 йй.) (120 га); Хом-Кури ансамбли (40 га);

Адабий манбаларнинг маълумот беришича, бу боғларни бир вақтнинг ўзида осма қувурларни билдирадиган, девор ва ўқида канал билан катта парад ҳиёбонлар безаган.

Буюк Аббос шоҳи хукмдорлиги даврида(1571-1629 йй.) Форс пойтахти Исфахан бўлиб, узунлиги 3 км, кенглиги 32 м. Чор-боғ (тўртта боғ кўчаси) ҳиёбони безаган. У пастга унча баланд бўлмаган айвонлар, канал ўқида безатилган, айвонлардан кенгайиб борадиган сунъий ховуз фавворлар билан тушиб келган. Сув бир айвондан бошқасига поғонали шаршарадек осилиб тушган. Кўчаларни 8 қатор терак ва чинор ва ясминдан жонли шоҳ девор билан безатилган.

Ҳиёбоннинг бир томонида шоҳнинг резеденцияси, иккинчи томонидан эса манзара кўриниб турадиган уч қаватли павильон жойлашаган. Бундай иншоотлар кўча бўйларида турган ва туташган боғларга кириш учун хизмат қилган. Бу боғларнинг ҳар бири павильон, боғнинг ўқидан ўтадиган, энгиз

(ингичка) каналларга эга бўлган. Энг машхури – Жехим-Сутун саройи. Боғ 1,5 - 1,8 метр баланликдаги 12 та айвонга эга бўлган. Ҳар бирида фавворали ва шаршарали сунъий ҳавза жойлаштирилган. Тепасида – катта павильон. Кўчанинг бошқа томонида “жаннатнинг 8 эшиги” павильони жойлашган.

Эшреф Вилласи (1612 й.) – шу кунгача сақланиб қолган. Унинг атрофидаги мунтазам тархли 5та боғ бузиб ташланган. Боғлар композицион жиҳатдан ўзаро боғланмаган, ягоно тархли гояга эга эмас, шунинг учун уларнинг ҳар бири девор билан ўралган. Боеининг композицион маркази – пардали айвонларга бошловчи павильон. Ўқи бўйича – Форснинг барча боғларидағи типик усул - энгсиз канал (погонали шаршаралар).

Форс (Эрон) – гуллар шохи атигуллар, сиренлар, лолалар, хушбўй буталар, сузалар (лилия), наргис гули ватани. “Гулистан” – Форснинг эски номи. Қадимги Форснинг пойтахти бир вақтлар Суза, яъни “лилия” гулининг номи билан аталган.

Асосийси:

- айвонлардан, канлар ва сунъий ҳавза, фавворлардан фойдланишган;
- катта ов қилиши боғларининг қурилиши – “парадизлар”, бир неча алоҳида худудларга бўлинган;
- композицияга алоҳида ҳашаматли павильонларни ва сунъий горларни қўшиши;
- ўсимликларнинг бой навлари, камдан-кам учрайдиган декоратив ўсимликлар, гуллар ва мевали дараҳтлар.

Хиндистон

Хиндистоннинг табиий шароити ва ўсимлик дунёси жуда ҳам хилма хил ва жуда бойдир. Боғларнинг характерли хусусиятларидан сув тизимларининг кенг ривожланганлиги, алоҳида ҳодисиларнинг устунлик аҳамияти, боғларнинг сувдаги ансамблига айланиши – қадимги сузувчи боғларига таъсир этувчи натижасидир. Кашмирдаги бундай боғларнинг тавсифи бизгача етиб келган. Бу - 9 м узунликда ва

кенглиги 2-3 м энгсиз соллар. Буларда болдиринглар, қовунлар ва бошқа сабзовотларни етиштирганлар. Хиндистонга сувни тўғридан-тўғри тураг жой биноларига ва ундан узоқроқ ҳовлилар ичига сунъий ҳавза ва фаввораларга олиб келинган. Боғлар тархи – қатъий мунтазамлик, характери бўйича Форсда ишлаб чиқилган усулларга яқин. Доривор ўсимликларнинг боғларини яратганлар (анор ва игнабаргли дараҳтлар, қора мурч ва бошқалар).

Ўша даврнинг энг ёрқин боғ-парк ансамбли – **Версаль - Людовик XIV резиденцияси** – санъат синтези: архитектуранинг, ҳайкалтарошликтининг ва боғ-парк санъатининг намунасидир. Версал парки композицияси оптимал “уч”сонига қурилган: уч ёгду, канал тенасига тушуши – бу паркнинг уч қисми:

- Сарой олдидағи партер;

- Асосий ўқдаги икки томонлама боскетлар;

- Катта канал ёнида эркин ўсадига яшилликлар массиви (1671 йилда хоч қўринишида режаланган).


- Сарой - парк ва шаҳар орасидаги боғловчи звено. 1668 йилда парк қайта қурилган (архитектор Лево ва Мансар) ва 416 метргача узайтирилган.

Парк худудини ташкил этиб, Ленотр жонли материллардан моҳирана экишлар ва архитекуравий шакларни аниқ қирқиши ёрдамида – ёруғлик тушмайдиган қилиб экилган, буталангандарахтлардан девор яратди. Архитектор асосий дикқатини боскетлар композициясига ва ҳовузларга, гуллар симфониясига ва фактуравий уйғунлика қаратилган эди. Аллегорияли ҳайкалтарошлиқ бўйсунни ўринини эгаллаган.

Күёш худоси – Аполон фавораси – Людовик XIVни жонлантириб тасвиrlаган. Антик услубдагы ҳайкалча қироллик аъзолари фамилиясига рамзий ишора бўлиб хизмат қилган.

Паркнинг марказий ўқи атрофида машхур “яшил гилам” (25x330 м) катта йўлак 10м кенглика ёзилган. “Гилам” нинг икки томонидан ҳар 30 м.да ҳайкалчалар ва гулдонлар жойлаштирилган. Бу оддий кўринган композиция Варсалга машхурлик келтирди. Аналлон араваси орқасида - 120 м кенглигигида ва 1600 м узунликда катта канал қазилган эди. Версал паркининг марказий ўзагини қироллик панжараси – саройдан Зкм.га чўзилган, пирамидасимон қилиб экилган тераклар тугатади. Леонтр томонидан киритилган, янги элемент – шуъласимон (радусли) ҳиёбонлар.

Бу парк на фақат боғ-парк санъатига, ва яна бошқа бир бутун шаҳарсозлик санъатига таъсир қилди. XVIII асрда шаҳар майдонларини очик фазовийлик деб, паркларни кўкалмзорлаштириш ташкил этиб ва партерлар билан кенг обзорли қилиб қурила бошланди: Людовика XV Париждаги розилик майдони (1755-1763 йй.) - архитектор Габриэль Ж. - Лувр маркази – Версаль. Леонтр билан биргаликда унинг шогирдлари ҳам ижод қилишган - Лакинтини, К. Дего, Гарнье д’Иль, Житар, А. Леблон (Россиядаги парклар).



Леонтр ижодининг асосий ўрни:

- ечим асосида - деталларни бир бутунликка бўйсуниши;
- узун, кенг перспективаларни қўллаш (Италияда қисқа перспективалардан фойдланишган);
- парапетлар ва кенг зинапоялар билан унча баланд бўлмаган зиналарни қўллаш;
- шаршаранинг сирти - равон (итальян бароккосида – шовқинли шаршаралар);
- кадкада ўсимликлар кенг қўлланилади;
- айrim ҳиёбонлар чирмашадиган ўсимликлар перголлар билан тўсиб қўйилади.

Асосийси:

Боғ-парк санъати обьектлари икки типда бўлган:

- *сарайлар ва овчилик қасрларининг кенгайтирилган парклари;*
- *тутар жой олдида унча катта бўлмаган боғлар;*
- мунтазамлик композицияси тамойилларидан фойдаланиши:*
 - мутаносиблик;
 - аниқлик;
 - асосий ва икки даражали талабчан иерархия;
 - партерлардаги ва боскетлардаги ички деталлари симметрияларининг бузилиши;
 - фазовийликни максимал очишга интилиши – дастлабки катта тенг келадиган паркларни яратиш;
 - мунтазамлик услубининг характерли хусусияти – парк устидан саройнинг хукмронлиги;
- бундан ташқари:*
 - ўсимликларни бутун массивидан фойдаланиши;
 - кенг безакли партерлардан фойдаланиши;
 - лабиринтлардан фойдаланиши;
 - каналлар ёрдамида сув чиқарishi;
 - ҳайкалтароликдан кам фойдаланиши;
 - топиар ва трельяж санъатининг гуллаб яинаши.

Капитализм даври

Европа ва Америка

Европага капитализмни кириб келиши билан жамоатчилик ҳаётидаги ижтимоий, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий шароит кескин ўзгарди. Боғ-парк қурилишидаги асосий йўналиши – табиий ландшафтга ўсимликларнинг ҳар хил турларини ўсиши учун табиий шароит яратиш. Мунтазамлик қуришида парк композилярини манзараликка аста секин сиқиб чиқарishi тенденцияси белгиланди. Шунга қарамасдан, паркларни манзарли типи Хитойда алақачон маълум эди, Европага бу тўғрисидаги айrim маълумотлар XVIII асрнинг бошида хитой чинниси ва ипаги билан кириб кела бошлади. 1759 йили У Чемберснинг “Шарқ боздорчилиги тўғрисида” номли, Шарқнинг манзарли санъатининг асосий тамойиллари тўғрисида баён этилган китоби пайдо бўлди. Шарқ санъатининг фалсафаси Европа учун тушунарили

бўлмади, шунинг учун манзарали боғлар мазмунига эмас, боғларнинг шаклига кўпроқ таъсир қилди. Омиллар орасида, Европада манзарали паркларни ривожисига таъсири бўлган, айниқса теранлик оқимидағи рангтасвирга, адабиётга, фалсафага, инсоннинг дахлсизлигисиз, табиий табиатга гоят завланиб қараши муносабатини кўрсатиш даркор.

Илк манзарали парклар Англияда пайдо бўлди. Улар романтизм даврининг хуқронлиги даврида шаклландилар ва ғамгин кайфиятга – хафа раунлар, қабристонлар, қабр усти урнаси ичига кириб бордилар. Бу кайфият дарахтлар ва буталарнинг шохлари пастга эгилиб ўсадиган шаклинг қўлланишиниши янада тезлаштириди, ҳис-туйгу эса - пирамидасимон ўсимликларга қаратилди. Иқлимий шароит кенг майсазорларни яратишга, дарахтлар ва буталарнинг табиий гурухлари ёки алоҳида турадиган дарахтлар билан безатишига мумкин қадар қулайлик тугдирилган (ливан кедри). Англия паркларида майсазорлар утилитар аҳамиятга эга бўлган ва декоратив яйловларда роли катта бўлган. Манзаравий композицияларнинг усуллари мукаммалашибтирилган. Бу мунатазмлийлик усулидан кечишда намоён бўлади. Парк худудларида ҳиёбонлар ва йўлаклар эркин букиб борилади.

Сув тизмларининг асоси ва классицизм давридаги мунатазамлик сугоришида, фаввролар ўринини олиб, қўллар ва жилгалар бўлди

Стую Парки (1713 й.). Композициясининг асоси – ўсимликларни эркин жойлаштириш. Ландшафт атрофини, паркни ўраб турган деворларни бўлиш натижасида парк композициясини оптик уйғунлаштириш усулидан фойдаланилган. Композицияни кўл тутатган.

Кью парки (1758 й.). Темза соҳилида Чемберсон томонидан қурилган, майдони 160 га. Паркнинг ажralиб турувчи хусусияти – йўлкаларнинг майсазор билан қопланганлиги. “Манзарали парк” тушунчаси ва унинг бунёд этилишининг тўрт тамойилини ilk бор инглиз профессори Рептон шакллантириди:

- ландшафтнинг табиий чиройига уруғу бериш ва унинг нуқсонларини бекитиш;
- Режалаштириш эркин бўлиши керак;
- Парк манзараларини шундай яратиш керакки, табиий келиб чиқибди деган иллюзияси пайдо бўлсин;
- Паркнинг барча элементларини яхлитликка бўйсундириш;

Шу вақтнинг ўзида Францияда Морель Жирарденга тегишли романтик Эрминовильни қурди. Бу паркда Руссонинг мақбараси жойлаштирилган. Мансо паркини Кармонтель қурди, Жусъен ва Ришар - Версалдаги кичик Трианон инглиз парки.

Германиядаги деярли барча муентазамийлик парклари манзарали қилиб қайта ишланди. Бундай паркларга хусусан машҳур бўлган Дессау олдидаги, Эрмандром ва Д. Эйзебек томонидан қурилган **Верлитц парки** ва Пюклер томонидан қурилган **Мускау парки** тегишли.

XIX аср ўрталари ва XX аср бошларида кўпгина архитектура йўналишлари – эклектика ва стилизация, модерн миллий романтизм, рационалистик оқим ва бошқалар ривожлана бошланди. Барсоленодаги

Антонио Гауди яратган Гуель парки (1900-1914 йй) жуда жиҳатлидир. Жами парк мажмуасининг қийинлаштирилган фазовий-режавий композицияси унинг оддий мунтазамлийлик сарой олди паркларидан кескин фарқ қиласи. XIX асрнинг иккинчи ярмида хусусий парклар ва умумий фойдаланиш учун мўлжалланган парклар очила бошланди.

Ливерпуль шаҳрининг янги районидаги 90 га майдонга эга бўлган **Биркенхэде паркини** ландшафт-архитектори Д. Пэкстон томнидан қурилган. Бу парк икки зонага эга бўлган - сайр қилиш ва спорт билан шуғулланиш учун. Паркнинг ўзига хос хусусияти – барча зоналарни ва парклар кириш жойини боғловчи, кичик ва катта айланма йўллар.

Лондонда боғлар-хиёбонлар: **Ридженс-парки** (1820 й.), **Гайд-парки** (1826 й.), **Виктория-парки** (1846 й.) пайдо бўлди.

XVIII аср охири - XX аср бошларида, утопик социализим ғояларининг ривожланишига асос солган Томас Мора – Фурье, Оуэна, Сен-Симон, инсонларнинг хаёт фаолиятларида нормал керак бўлган, парк ва боғларни яратишни кўзда тутган, кўплаб утопик шаҳар қурилиши пайдо бўлди. XIX аср охирида идеал шаҳар-боғлар лойихалари ишлаб чиқилди. Э.Хоуарднинг шаҳар-боғи 22 м диаметрли айлана шаклига эга бўлиб, марказида майдон-гулзор ва асосий бино билан умумий парк жойлашган. Биринчи шаҳар-боғ 1903 йилда Лондондан 55 км узоқда – Лечворсда қурилган. Яшилликларнинг кўплиги унинг асосий дикқатга сазоворлиги бўлди

1852-1871 йиллар префект Осман томонидан Парижнинг қайта қуриш режаси амалга оширилди. Шаҳар 2 минг га ободонлаштирилган парк худудларга ва 48 км бульварга эга бўлди (Булон ўрмони – 850 га, Венсен ўрмони – 900 га). Париж четида 3 та катта муниципал парклар: **Монсо парки**, **Монсори парки ва Бют-Шомон** барпо қилинди.

Бют-Шомон парки қисман ташландиқ тоши майдалangan ва тоф манзараси, жилғалар, шаршаралар ва сунъий горлар билан дикқатга сазор бўлган жойда жойлашган. Бу ерда ilk бор шаҳарсозликда ландшафт рекультивацияси кўлланилган.

Венада (1857 й.) ўрта асрлар крепостнойлар девори айланмаси бузуб ташланган ва кенглиги 60 м ва узунлиги 5 км **Рингштрассе бульвари** қурилган.

Нью-Йоркда (1857 й.) архитектор Фридерик Лоу Олмстед томонидан марказий паркнинг лойиҳаси тузилган. Паркнинг майдони 300 га. Нью-Йоркда Риверсайд ва Марнингсайд парклари, Бруклинда Вашингтон парки, Неогарск шаршара парки қурилган.

Ослодаги Фрогнер парки алоҳида ўрин эгаллайди. Бу ерда асосий ролни Густав Вигеланн, рамзий ҳаётнинг ичидаги абадий айланиб туриши ҳайкалаторошлиқ комплекси ўйнайди.

XIX аср охирида манзарали паркларда романтик ғоялар аста-секин оддий табиатдан нусха қўчиришни сиқиб чиқарди. Боғ-парк санъатининг таназули кузатилди. Улар ўрнини биологлар олдилар ва парклар эстетик қадриятини ўйқотиб, ботаник боғларга айлана бошлади. XX асрда парк қурувчилар олдида

янги вазифалар вужудга келди. Саноат мақсадларида фойдаланилган, катта худудлар, рекультивацияни талаб этарди. АҚШда ака-ука Олмsted ва Иенсен, Чикагода парклар қурган, ишлари қизиқарли.

Женсон парки (217 га) Мичиган күли соҳилидаги сув мавзуни профессионал талқин қилиниши билан диққатни тортади.

Вашингтон-парки (148 га) ўзининг эркин режимли фойдаланиладиган улкан ўтлоғи (40га) билан машхур. Барча бу парклар, оммавий томоша қилишга мўлжаланган, талабга тўла жавоб берадиган дам олиш ва транзит йўлларнинг керакли тизимларига эга.

Жанубий **Калифорниянинг Сан-Диего** шаҳар атрофидаги парк рекультивация қилинган худудда яратилган. Бу ерда икки вазифа ечилиган: очик қайта ишланган ва тозаланган қурилма орқали ўтказилган оқадиган сувлар. Бир миқдордаги худудларда **Канадада Онтарио Плейс парки и янги парк Амстердамда** қурилмоқда. Охирги белгиланган денгиз яқинида қайтариб олинган худуднинг майдони 895 га. У грунтдан, эшқакли каналлар, кўл ва ҳовузларни қурилишида фойда кўрилган, сунъий рельефнинг шаклланишига яхши мисол бўла олади.

Рельефнинг (геолпастика) бадиий қайта ишлашни илк бор Д.Джеллико кўллаган. Архитектор Бурбоне Франция яқинида Трамбледа ёшлар паркининг катта худудида (75 га) рельефнинг сунъий қайта ишлаш гоясини амалга ошириди, уни гул кўринишидаги моделини ясади.

Асосийси:

Манзарали парклар қуйидаги тамойиллар асосида яратилган:

- *Табиий манзараларни ижодий қайта ишиш;*
- *Ландшафтга табиий композицияни, урбанистик ва истистосиз киритиш;*
- *Ўсимликларнинг кенг навларидан ва уларнинг табиий декоратив сифатларидан фойдаланиш;*
- *Ландшафт композицияларини барпо этишида характерли усуллари қуйидагилар:*
 - *Парк гурҳларини ва узоқ перспектив манзарали эффектларини яратишида катта худудлардан фойдаланиш;*
 - *Декоратив ўсимликларнинг геометралиширилган шакллари;*
 - *Сувлар буг ҳосил қилувчи фактор сифатида;*
 - *Жойни рельефнинг кесишиб ўтган чизиги;*
 - *Колоритли перспективалари;*
 - *Констрастда тузилган, манзаралар алмашинуви;*
 - *Ёргуллик ва соя ўйинлари;*

З-мавзу. Шаҳар ландшафт дизайни: шаҳар муҳити яратилишида экологик асослари

Шаҳар очиқ жойларининг (кўча, майдон, ҳиёбон, боз-скверлари, парклар) яратилиши ва ободонлаштириши замонавий услублари. Кичик боз – ландшафт дизайнининг асосий объекти.


Замонавий шаҳарсозлика кўкаламзорлаштириш муаммоси-муҳим муаммолардан биридир. Аҳоли пунктларини ободонлаштиришнинг умумий системасида парклар, боғлар, ҳиёбон, скверлар маълум даражада шаҳар ва қишлоқларнинг планировка тузилишини белгилаб беради, уларнинг маданий ландшафтининг зарур элементи ҳисобланади, халқ ҳаёти учун энг яхши санитар-гигиеник ва микроиқлим шароитларини яратишга, дам олиш жойларини ташкил қилишга ёрдам беради.

Саноат ривожланиши жадаллиги атроф муҳит, энг аввало ҳаво ва сув бассейнларининг, айниқса Ўзбекистоннинг кескин континентал иқлими шароитида инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи завод, фабрика, иссиқлик электростанцияларининг, иситиш системалари ва автомобилларнинг аэрозол ва газсимон чиқиндилари билан ифлосланишининг ўсишига олиб келади. Ташқи муҳит ҳолатининг ёмонлашуви халқаро аҳамиятдаги муаммога айланган.

Шаҳарлар, шаҳар атрофи зоналари, ишчи посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг санитар ҳолатини яхшилаш мақсадида, шу жумладан шаҳарлар ва шаҳар атрофи зоналарида кўкаламзор майдонларни –парклар, боғлар, ҳиёбонлар, ҳимоя зоналари ва ўрмонзор-паркларни кегайтиришни таъминлаш мақсадида қатор ташкилий ва техник тадбирларни ўтказиш таклиф этилган. Мамлакатимизда аҳолининг меҳнат қилиши, яшаси ва дам олишининг қулай шароитларини яратиш учун ҳар йили минглаб гектар кўкаламзорлаштирилган худудлар эксплуатацияга топширилади.

Замонавий шаҳар ёки бошқа аҳоли пункти- бу турли вазифадаги бинолар, кўп сонли муҳандислик иншоотлари, йўллар, майдонлар, бўш майдонлар, сув ҳавзалари ва қўкаламзорларнинг мураккаб мажмуаси. Замонавий шаҳарсозлик меъёрлари бўйича аҳоли пунктларининг 50%дан кам бўлмаган майдони ўз вазифаси бўйича турлича бўлган кўкаламзорлаштириш обьектлари учун ажратилиши керак.

Шаҳарсозликнинг каттагина амалиёти шуни кўрсатадики, сунъий муҳит ва табиатнинг (ўсимликларнинг) маълум мувозанати ва гармоник уйғуналигини ўрнатиш, шаҳар ёки қишлоқ кўкаламзорлаштирилишини, кўкаламзорларнинг ҳамма обьектларини ягона узлуксиз системага бирлаштириш муҳим вазифани ташкил қиласиди. Боғ-парк санъати спецификаси зарур майдонни ҳосил қилиш учун ўз қиёфасини доимий



ўзгартириб турувчи тирик ўсимликлардан фойдаланишдан, табиат ва бадий ижод элементларини ягона яхлитликка бирлаштиришдан иборатдир. Кўкаламзорлик қурилиши –қатор ишлаб чиқариш вазифаларини тадбиқ қилиш ва ҳал этиш билан боғлиқ бўлган, вақт жиҳатидан узоқ ва технологияси бўйича мураккаб бунёдкорлик жараёнидир. Кўкаламзорлик қурилиши амалиёти боғ ва паркларни бунёд этиш, аҳоли пунктлари турли обьектларининг кўкаламзорлаштирилишини, турли тупроқли-иқлим зоналари учун ўсимликлар танлаш, ўсимликларни меъморий иншоотлар, сув ҳавзалари, йўллар, майдонлар, ҳайкалчалар билан уйғунликда жойлаштириш ва гурухлаштириш, экиш ва уларни парваришлашни ўз ичига олади.

2*. Шаҳар ва қишлоқларни кўкаламзорлаштиришнинг муваффақияти дарахт-бута навларининг тўғри танланишига қайсиdir даражада боғлиқ. Ўсимликлар биологик ва экологик хусусиятларининг аҳоли пункти тупроқ-иқлим хусусиятларига, экилаётган жой шароитларига мувофиқлигини

инобатга олиш экинларнинг чидамлилиги, бардошлилигини оширишга ёрдам беради.

Фойдаланилаётган экинлар хусусиятларини билиш, баландлиги, шохшаббалариниг шакли, япроқлар, гуллар, меваларнинг туси, йилнинг турли вақтларидағи декоратив эффекти, дараҳт ва буталарнинг шаҳарнинг нокулай шароитлариға (чанг, тутун, тупроқнинг зичланиши) муносабати-кўкаламзорлаштирилаётган объектларнинг бадиий қиёфасини бойитиш, ўсимликларнинг туар жой ва саноат районлари микроиклимига таъсирини кучайтириш имконини беради.

Ўсимликларнинг декоративлиги ва уларнинг фойдали хусусиятлари уларни тўғри, ўз вақтида, системали парваришилаш, уларни муҳофазалаш туфайли намоён бўлади. Боғ ва парклар шаҳарнинг энг ободонлаштирилган ва мафтункор жойи бўлиши керак. Шунда улар асосий вазифаларидан бири- гўё бизнинг туар жойимизнинг очиқ ҳаводаги, соғлом табиатга яқин шароитдаги давоми вазифасини бажаради. Амалда унчалик қийматга эга бўлмаган, чидамсиз дараҳт ва бута навларини экиш, яхши парваришиламаслик, экинларни яхши суформаслик уларнинг қониқарсиз ҳолатига, санитар-гиеник самарадорлигининг ва бадиий ифодавийлигининг пасайишига олиб келади.

Хозирги вақтда Ўзбекистонда экиладиган экинлар ассортименти анчагина бойиган. Кўкаламзорлаштириш масалаларини билимдонлик билан ҳал қилиш учун декоратив боғдорчилик мутахассислари биология, экологиянинг, экинларнинг декоратив сифатларини, кўкаламзор қурилишдаги композициянинг асосий қоидаларини, ахоли жойларининг кўкаламзорлаштириш системасининг, экинларни лойиҳалашнинг, уларни парваришишдаги асосий ишлар мажмуининг ҳар томонлама билимларини яхши билиши керак.

Кўкаламзор ўтказмалар классификацияси

Жойлашиш шартлари бўйича - шаҳар атрофидаги ва шаҳардаги.

Функционал ҳусуси бўйича – умумий, чегаларалган ва маҳсус фойдаланадиган.

Шаҳар атрофидаги: ўрмон, ўрмон боғлари, миллий боғлари, сарой-музей боғлари, шаҳар ташқаридаги дам олиш муассасаларининг парк ва боғлари, инженер-техникинтоатларнинг санитария химояси бўйичакўкаламзор зоналари, тамол тўсуви зоналари, авто йўлларни кўкаламзорлаштириш, кум тўсиқ қирғоқ маккамлаш кўкаламзор ўтказмалар.

Шаҳар ичидағи: парклар, скверлар (майдон), хиёбоглар, шаҳар боғлари, кўча кўкаламзор ўтказмалар, маъмурий ва умумий муасссалар олдида, дам олиш зоналари, болалар боғчалари, мактаблар, касал хона ва даволатиши муссасаларида, яшаш жойларида санитария химояси бўйича, ишлаб чиқариш корхоналари, саноат ва инженер-техник муассасалари, мозорлар ва б. лар олдидағи кўкаламзорлаштирилиши.

Кулай ва чекланган-кулай шароитларда жойлашган ўта йирик, йирик ва катта шаҳарларда туар жой районларининг сайр кўчалари, ирригация каналлари ёқасидаги кўчатзорлар билан ягона тузилмага бирлашадиган шаҳар,

туман парклари ва боғлари шаклидаги умумий фойдаланиш кўчазорларининг ривожланган тизимини яратиш лозим.

Ноқулай манзара–иқлим шароитларида хиёбонлар сонини, пиёда йўлкалар ва сайдр кўчалари узунлигини ошириш йўли билан парклар майдонини камайтиришга йўл кўйилади.



Умумий фойдаланиш яшил кўчазорлари Парк типлари

Жайларишиш бўйича:

- шаҳардаги (умумий ва туман);
- қишлоқдаги;
- шаҳар атрофидаги.

Функционал хусуси бўйича:

- кўп функционал;
- моно функционал спорт, хайвонат боғи, ботаника ва б. боғлари)

Катталиги бўйича

- катта (100 га дан ортиқ);

- ўрта (20 дан 100 га гача);

- малые (5 дан до 20 га гача);

Демография белгилари бўйича

-болалар учун;

- ёшлар учун;

- барча аҳоли учун (ёши бўйича).

Парк – кишиларнинг дам олиши учун барпо этилган боғ.

Истироҳот боғи - аҳоли дам олиши, атроф муҳитга гигиеник ва эсететик муносабатда бўлиш, ўзида мустақил меъморий-ташкилий мажмуани намоён қилувчи худуднинг кенгилиги (10 га) катта худуд.

Хиёбон - транзит харакатлари ва аҳолининг дам олишга мўлжалланган, яшаш худудида жойлашаган яшил массив (2дан 10 гача).

Сквер (майдон) – шаҳар уй-куилмалари орасидаги кичик кўкаламзор (2 га атрофида), қисқа муддатли дам олиш, ёдгорликлар атрофини безаш ва транзит (ўтиш) харакати.

Кичик боғ - шаршараларнинг меъморий қурилмалари ва кичик формалар, рельфлар, ўсимликлар билан ташкилаштирилган, инсон билан табиат муҳитига чегаравий-фазовий алоқаси.

Етакчи ландшафт компонентини аниқлаш - кичик боғларнинг “мавзуси” йўл билан аниқланади.

Кичик боғлар типологияси

Режавий белгилар бўйича – доимий, ландшафт (манзаралий) ёки аралаш боғлари.

География белгилари – альпий, ўрта денгиз, инглиз, французча ва б.

Ландшафт белгиси бўйича – тошли, сувли, текис, тепалик, тоғлик ва б

Ўсимликлар таркиби бўйича – дендра боғ, арча боғлари, мохли боғ, гулзор боғи, гул турлари бўйича ва б.

Ранг туслари бўйича – бир хил ва ҳар хил ранглардаги боғлар.

Семантик (маъноси) – кинетик (харакатда бўлгани) боғлар, “боғ ўйинда”, артефакт (сунний) боғлар, инсталляция боғлар, сунний элементлар ёрдамида тузилган.

Имарат қурилмаларида жайлашиш бўйича – том айвон, лоджия, балкон ва б., ичкари ховлисида, курданер, қиши боғи ва б.



Шаҳар ва шаҳар атрофи дам олиш зоналари

Шаҳар аҳоли пунктлари манзара-дам олиш тизимини шаҳар атрофи худудларининг тузилма-реджавий ечими билан уйғунликда лойиҳалаштириш керак.

Шаҳар атрофи дам олиш зоналарига транспорт етиш вақти 2,5 соатдан ошмаслиги керак. Шаҳар атрофи манзара-дам олишzonаси ичida қуидагилар жойлаштирилади:

- ташқарисидаги парклар, боғлар, иссиқхона ва яшил кўчатзорларнинг бошка турлари;
- дам олиш уйлари, пансионатлар, мотел ва кемпинглар, пляжлар, жисмоний тарбия ва спорт иншоотлари, сайёхлик, ов ва балиқчилик базалари, спорт-соғломлаштириш оромгоҳлари ва болалар мактабгача тарбия муассасаларининг чорбоғлари;
- даволаш муолажа муассасалари (тегишли табиий-даволаш омиллари мажуд бўлганда);


- кариялар ногиронлар учун интернат уйлар;
- жамоавий боғлар ва дала ҳовлилар.

Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари обод худудида жойлашадиган умумий фойдаланиш қўкаламзор ҳудудлари: парклар, боғлар, хиёбонлар, скверлар, сайд қўчаларининг майдони **ШНҚ 2.07.01-03 “Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалантириш”** талабларига мувофик олиниши керак.

Умумий фойдаланиш қўкаламзор ҳудудларининг бир вақтли мижозлари хисобдаги сони қўйдагилардан ошмасин, одам/га:

- шаҳар парклари – 150-200;
- турар жой районлари парки – 100;
- дам олиш зоналари парклари ва гидропарклар – 50-70;
- сувъний ўрмонзолар ва табиий манзара участкалари – 1-10.

Ўрта йирик ва катта шаҳарларга, кичик шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари –туман марказларида, шаҳар ва туман миқёсидаги парклар билан бир қаторда, шунингдек, қишлоқлараро зоналар ва қисқа муддатли дам олиш марказларида ихтисослаштирилга болалар парклари (спорт, кўргазма, хайванот ва бошқа) ва ботаника боғлари жойлаштириши мумикин, уларнинг катталиги лойиҳалаштириш топшириғига биноан олиниши лозим.





4-мавзу. Ландшафт компонентларининг дизайнни

Ландшафтнинг геопластика концепциялари. Ландшафт тузилишининг муҳандислик асослари. Ландшафт объектларида йўл тармоқларини декоратив қоплашнинг режса услублари ва асосий турлари. Ландшафт дизайннинг сувни шаройитга мослаштиришининг амалий ва декоратив шакллари. Кичик шакллар – ландшафт дизайннинг элементи сифатида. Ландшафт дизайннинда пардозлаш ва қурилиши материалларининг ўрни.

Геопластика – ландшафт архитектурасида энг перспектив (истиқболли) йўналишлардан биридир. Бу термин остида ер қатламишинг пластик ишлов берилиши назарда тутилади. Ўзида, мазмуни бўйича, вертикал режалашни турли кўринишини, қайсики катта даражада архитекавий-бадиий вазифаларни ечишни кўзлашини ифода этади. Замонавий техника амалий жаҳатдан ҳар қандай рельефни яратишга имкон беради.

Рельеф геопластиканини шакллантиришда асосий воситалар сифатида қиялиқ, тирговучли деворлар, зинапоялар, пандуслар, тупроқли сочмалар, тупроқли уюм, тепаликлардан фойдаланилади.

Геопластика ландшафт объектларини шаклланишида икки асосий функцияни (вазифани) бажаради: ҳимоя қилувчи ва фазовий-ташкил этилувчи. Жараён кўпинча бир-бирининг ўринини босувчи ва бу функцияларни ўзаросингишидан амалга оширилади.

Ҳимоя қилувчи функция пешайвонларни, қияликларни, тепаликларни, дўнгликларни яратишида, ҳар қандай визуал фазовийликни атроф мухитдан ажратишга, магистрал йўллари шовқинидан ҳимоялайдиган, яна чанглар киришидан, шамол ҳаракати тезлигини камайтиришда, яъни яхши микроиқлимни яратишга ёрдам беришда ифодаланади.

Ернинг пластик шакллари, фазовий-ташкил этилувчи хусусиятларга эгалиги, турли фазовийликни шакллантиришда, худудни чегаралашда ва шартли белгиларида фойдаланиш мумкин. Зоналарнинг чегараларини белилаш, қоидага кўра, турли функционал жараёнларни аниқлашда амалга оширилади. Дўнгликлар, тепаликлар, қияликлар, тирговучли деворлар, кратерлар, даралар ҳар қандай худуднинг энг образли зоналашини, турли вазифага эга бўлган ёқимли ёпиқ фазовийликни яратиб, амалга оширади.

Геопластика ўзининг тизимли режалашида кутилмаган композицион эфектларни яратидиган ғорларни, сунъий ғорлар-элементларни киритишга йўл қўяди.

Рельефларни моделлашда диққат билан деталларни – зинапояларни, пандусларни, қияликларни, тирговучли деворлар ва бошқаларни ишлаб чиқиши талаб этади.

Зинапоялар – рельефни қайта ишлашда энг қўп тарқалган функционал элементдир. Улар фазовийлик композициясида мухим рол ўйнади.

Ландшафт бўйича дизайнер зинапояни лойиҳалётганда жойлаштириш жойини на фақат аниқлайди ва поғоналар шаклини, ритмни, маршдаги сонини

ҳам, тирговучли деворлар билан, пансдуслар билан ва унча катта бўйламаган майдончалар билан алмашаши мумкинлигини синчиклаб ишлаб чиқади.



Йўл –сўқмоқли тармоқ ландшафт дизайннинг элементи сифатида

Декоратив йўлли қопламалар ландшафт композициясини шакллантиришда мутлақо керакли компонент ҳисобланади. Қоплашга оид типларни танлашда биринчи ўринда йўлларнинг, ўтиб кетиш, ўтиш йўлларининг вазифалари, уларнинг эксплуатация шароитларини, шунингдек иқтисодий ва эстетик талабларини ҳисобга олиш керак. Ҳисоблаб чиқилганда инсон пиёда юрганда 30% дан ортиқ вақтда оёқ остига қарайди. Шунинг учун қоплашнинг типи ва характеристери муҳим эстетик аҳамиятга эга.

Декоратив қоплашининг қандай материалдан бўлишидан қатъий назар қуидаги асосий типларга ажратиш мумкин:

- сочиладиган йирик фракцияли материалдан қопламалар (шағал ва майдаланган тош);
- табиий (табитдан) материалдан қопламалар: тошли, ёғочли, ғиштли, бетонли;
- сунъий материалдан қопламалар;
- бир неча материаллардан аралаш типли қопламалар.

Декоратив қопламалардан сиртда фойдаланиш характеристи бўйича иккига бўлиши мумкин:

- монолит материалдан ёки алоҳида элементлардан (плита ва плиткалар) бажарилган, бир-бирга зич ёпиштирилган ва кўриниши бўйича яхлит копламга эга умумий қоплаш;

- донали – алоҳида элементлардан (ажратилган) тошлардан, плита, плиткалар ва бошқа қопламалар.

Қопламалринг биринчи типи қўпроқ катта майдонларда, катта, кенг кўчаларда, кўчаларда ва ҳиёбонларда; иккинчи, асосий навбатдаги, - иккинчи даражали ҳиёбонлар, скверларда, кичик боғларда, паркларда ва бошқаларда қўлланилади

Қопламаларнинг типини танлашда уларнинг конструкция хусусиятлари катта аҳамиятга эга.

Конструкциясидан боғлиқликдан қатъий назар ажратилади.

- табиий ёки оддий асослардаги қопламалар (тупроқ, қум);
- сунъий тайёрланган қопламалар.

Қопламаларнинг эстетик роли ниҳоятда кенгdir – тўшалган тасвиirlар, бўлинишлар масштаби, материалларнинг декоратив сифати.

Бетон плиталардан қопламалар жуда катта вариантилиги ва иқтисод қилинилика эгадир. Шаклларнинг турлиса бўлиши сабабли (тўғриучбурчак, квадрат, трапециясимон, айлана, учбурчак), ер сиртларини қайта ишлашда, ранглар, сиртлар фактуралари усулларининг янги манбалари пайдо бўлади. Энг яхшиси қопламаларда бир неча материаллардан фойдаланиш.

Шунга қарамасдан қурилишда сунъий материаллар (бетон, бетонли плиткалр, пластмассалар) қўпроқ табиий материалларни сиқиб чиқармаоқда (тош, шағал, ёғоч), натижада янги талқин олинмоқда.

Боғ йўуларида қўпроқ ишланилмаган ёки кам ишланган тошлардан фойдаланилади. Қишки боғларга ётиқизиш учун қўпроқ гранит, қумтош, оҳактошлар қўлланилади.

Томороқага оид худудларда иложи борича хилма-хилликка эришиш учун тасвирида ғиштдан фойдаланиш мумкин. У “боғланишлиқда”, “тўрсимон”, “арчасимон”, “ўралган” ёки бир-бирига мосланган услубларда ётқизилади.

Шаҳар марказларида ер усти суперграфикаси – бир тонли қопламаларни бўяшда сувга чидамли бўёқлардан кенг фойдаланилади.

Ландшафт дизайн элементларида сувларни қўллаш

Сувларнинг статитстик эфект таркибидан ҳовуз ва қўлларни ташкил этишда ҳам фойдаланилади. Ҳовузлар ҳам табиий ва сунъий ташкил этилиши мумкин. Ҳовузларни шакллантиришда санатар-гигиеник, гидрологик ва эстетик томондан кўрсатилиши талаб этилади.

Жилғалар – кичик сув иншоотлари шаклларига тегишлидир. Бу шакли бўйича табиий намунага яқин бўлган, унча кенг бўлмаган очиқ сув оқимларини эгри-буғри ўзани билан чўзилган. Сунъий жилғаларни ташкил этишда табиий жилғаларнинг кўриниши турли туман шаклли, жойнинг характер-рельефи ва турларининг қўшилишидан вужудга келиши билан боғлиқ. Жилғалар соҳилининг ташки қўриниши оқаётган сув ости ерида акс этиши керак. Текис рельефда ва туроқнинг осон ювилиб кетилиши жойида уларни соҳилга нисбатан паралел эгри-буғри қилиш керакдир. Ўзанларнинг кенглиги ер

юзасининг турли қияликларида алмашинади: қанча кам қиялик бўлса, жилға шунча кенг бўлади ёки аксинча. Турли қияликлардан тез оқимларда ва

сокин сув қўлтиқларининг алмашинишида фойдаланиш лозим. Жилғалара орасида узунасига чўзилган оролчалар ёки қумлоқ саёзлар учраши мумкин. Қайсики сув кам жойларда, тошлардан ўтиш жуда эфектлидир, қуриш тавсия этилади. Тошдан ташқари, жилға соҳили бўйлаб чим босиш ва мос келувчи буталар, ўтлар, гуллар билан безатилади.

Шаршара сув оқимининг йўлида турли даражадаги сезиларли ўйик жойларида бўлган, тоғли жойларда тикка қияликда оқувчи, жилғанинг ўзанида пайдо бўлади. Шаршаранинг эфекти унча катта бўлмаган поғонали сув туширгичлар билан таққосланганда баландлиги, кенглиги ва шиддат билан пастга оқишида якунланади (шаршара бўйи узунлигига 1,5-2 м дан кам эмас). Схеманинг жойлашиши ва шарашаранинг тизиллаб оқиши тасвири бўйича ўзгача декоратив эфект хусусиятига эга бўлган, бир неча типларга ажратиш мумкин. Шаршаранинг шарилаб оқадиган шаклини сув ташлайдиган тош йўналиши орқали аниқланади.

Томонлари текисланган ва катта юмолоқ ясси тош, томонларга чекланган ёнбошдаги ётқизилган тошлар, ундан сувнинг шиддатли оқими пастга тушувчи силлиқ-кўзгули шаффофи қўшимча кенг шаклдаги қатlam сирпанишига имконият беради

Шаршаранинг кучли монолит оқимини, агар баланд камарларидан сувнинг катта ҳажмини тошлар орасидан, ҳар бир ёки икки энгиз тешиклардан яратиш мумкин.

Катта эътиборни оқим тушаётган жойни безатишга, қайсики шарашара композициясининг муҳим декоратив элементи бўлиб хизмат қилишига қаратиш керак. Бу ерда рамкага солинган кўл манзаравий ташкил этилади, яъни тушадиган сув оқимини ажаратиш учун тошлар ётқизилади.

Каскад (поғонали шаршара) - сув оқимини унча катта бўлмаган, бир неча даражадаги, вертикал бўйлаб оқадиган ёки енгил эгилган текисликда декоратив деворлар учун маҳсус яратилган сув туширгичлардан ташкил этилади. Худуднинг ҳатто аҳамиятсиз бўлган қияликдаги бир бутун тизимнинг турли манзаравий қўринишидаги каскадларнинг ўзгартирилган йўлидаги катта-кичик шаклли тошнинг ва уларни турли ётқизилишида фойдаланишда тавсия этилади.



Фаввора – катта декоратив эфектга эга бўлган шиддат билан юқорига кўтарилиб отилаётган сувнинг, жилваланишига ва ҳаракатланувчи кўпикга ва эгилиб турадиган сув натижасидаги, сунъий сувли қурилма. Фаввораларнинг тузилиши жуда ҳам эфектлидир ва функционал нуқтаи назардан ўзини оқлайди. Улар салқинлатади ва ҳавони тозалайди, манзарага турли кўринишни киргизади. Фаввораларнинг ташқи безаги архитектуравий услубда ҳам ва фаввораларнинг тиззилаб оқиши тасвирида ҳам турлича бўлиши мумкин, оддий тизиллаб оқиб кўтарилишидан бошлаб сувнинг юза фонидаги, хайкалтарошлиқ билан бирга бой декоратив кўрилмасигача. Фонтаннинг архитектуравий-бадиий ечими архитектура муҳитига жойлаштириш характери билан боғлиқ бўлади.

Фонтаннинг характерли элементлари тизилиб оқаётган кўринишида бўлиши: уларнинг баландилиги ва қиялиги, турлича ўзаро жойлашганлиги, сачратиб туриш услуби. Тизилиб оқиш, сувнинг устуни ва сачратиб туриши, алоҳида томчилар, поғоналар, товланишлар ёки сувнинг пастга оқувчи оқими жуда катта турли кўринишни яратиш мумкин.



Фавворолар икки асосий типга бўлинади:

- шариллаб оқадиган, бунда сувнинг тезоқарлиги асосий декоратив элемент бўлиб хизмат қиласди;
- ҳайкалтарошликка оид, бу ерда тез оқар сувлар ҳайкалташорлик билан ёки декоратив шакллар билан уйғунлашади (коса, раковина ва бошқалар).
-

Айниқса ёруғ-мусиқавий фавворолар эффициентлар, қайсики тўртта компонентларнинг синхрон ўзаро ҳаракати – сувларнинг тезоқар динамикаси, турли ёруғлик нурлари, ранг ва мусиқалар – унутулмас тассурот яратади.

Фавворанинг техник тузилиши ўзида қийин мухандислик қурилмасини ифодалайди, сув босимини тартибга солишга асосланган ва сувни етказишида, трубанинг чиқарувчи тешикдаги турли насадкаларини қўлланиши.

Фавворанинг катта-кичиклигидан қатъий назар унинг композицион аҳамияти ўзгаради. Ундан доминанта, фокус ёки акцент сифатида фойдаланиш лозим.



Декоратив бассейнлар турлича шакллар ва ўлчамга эга, одатда унинг майдони 2 дан 5 кв.м. гача ўзгариб туради. Бассейнлар рокарий билан, жилғалар ёки декоратив девор, шарашараптар ёки каскадлар билан бирлашган бўлиши бўлиши мумкин. Унинг ўртacha чукурлиги 0,4-0,5 м, бассейнлар учун ўсимликлар билан бирга 0,05-0,5 м (аниқ бир ўсимликнинг тури жойлаштирилганда бунда ҳам катта бўлиши мумкин), оқувчанлиги – 0,2 м/с дан ошмаслиги ёки сувни ойда 1-2 марта бутунлай алмаштириш.

Сув ўсимликларини гурухлар бўйича жойлаштириш керак, майдонинг ийғиндиси бассейн майдонининг 30% дан ошмаслиги керак. Бассейн куришда кумли ерни бетонлашдан аввал дағал шағал ва бетондан фундамент қўймоқ тасвия этилади, чунки шағалнинг чўкиши вақтида сувўтказувчи қатламларга шикаст етказмаслик муҳимдир. Сувўтказишларга эришиш учун авваламбор ўн сантиметрлик бетон қатлами ётқизилади, унинг устига симдан ясалган арматура ва ундан кейин яна бетон қатлами қўйилади.

Мақсадга мувофик, бассейн девор устидан 3-5 см осилиб туриши ва қисман бетонни ёпиш учун, бассейн четларининг ҳаммаси бетон аралашма билан текис табиий тошлар ётқизилади, Бардюр остидаги тошлардан, сув юзаси даражасини аниқловчи, сув тушурувчи трубалар жойлаштирилади. У

сув аксини ва доимо сув сатҳи билан таъминлашни эффектив яртишда керак. Декоратив бассейнларнинг шакли нафакат тӯғри геометриқ, ва яна умумий композицион ечим жиҳатидан ташки қўриниши эгилувчан бўлиши мумкин. Ён деворларини гранит, оҳакатош, мармар, шунингдек керамик плиталар билан қопланади. Айрим ҳолларда зангламайдиган пўлат ва дюралюминийлар ишлатилади. Кечки вақтда декоратив бассейларни турли туман ёруғлик манбалари билан ёритилади. Бу бассейларнинг сувлар горизонтини худудга битта белги билан жойлаштириш, архитектуравий тушуниш нуқтаи назардан эса у баланд бўлиши, ва ердан паст даражада бўлиши мумкин.

Сузиш учун бассейн рекрацион муҳитни шакллантиришда интеръерда ҳам ва шундай экстерьерда ҳам кенг фойдаланилади. Сузиш бассейларининг жойлашиши эркин кириш йўлини таъминланиши керак. Кириш учун сувга маҳсус зинапоялар, сувга сакраш учун мумкин қадар маҳсус қурилма жойлаштириб, ўрнатилади.

Бассейнларнинг узунлиги мақсадга мувофиқ, унинг кенглигидан тахминан иккита марта катта бўлади. Шу билан бирга қурилма узунасининг ўқи йўналишини ғарбдан шарққа жойлаштириш керак. Бассейнинг оптималь ўлчамлари, коттедж қурилишларида, уй олдида, бир оила яшайдиган жойда жойлаштириш - 6x3x1,8 м.

Ховузларни айниқса мақсадга мувофиқ яратиш, уларга коттеджли тизимлардаги режалаштиришни, шунингдек хусусий қурилишларни киритиш мумкин. Бундай ҳолларда уларни умумий дам олиш зонасини яратишда фойдаланиш мумкин (бир неча коттеджлар учун). Умумий композицияга кирувчи ховузлар ва декоратив бассейнлар, коттеджни яна ҳам ўзига диққатини тортувчи ва эффектли қабул қилинишидир. Бундай ховуз утилитар функцияни ҳам бажариши мумкин – участка сиртига (ерига) ёмғир сувларини йиғувчи жой бўлиб хизмат қиласи. У бевосита архитектуравий коттедж билан гармоник бир бутунликни ташкил қилиши керак. Бу ерга маҳсус зинапоя билан сувга тушиш учун ва унча катта бўлмаган сакраш учун вишка билан жиҳозланган, шундай вариантки у сузиш бассейни вазифасини бажарувчи бўлиб хизмат қиласи, сув бўйида дам олиш майдонини жойлаштириш мумкин.

Сув мосламаларининг конструктив ечими турли туман бўлиши мумкин. Айниқса, мухандислик нисбидан қараганда сув мосламаларнинг мураккабилиги фаввора ҳисобланади, унинг архитектуравий бадий ечими мухандислик мосламаларининг характеристини олдиндан белгилайди. Фаввораларни лойихалашда бирламчи энг жиддий саволлардан бири – бу сув таъминотидир. Агар фаввораларда, композициянинг асосий қисми ҳайкалтарошлиқ бўлса, сувнинг нисбатан унча кўп бўлмаган миқдори сарфланади ва уларнинг сув таъминотини шаҳар водопроводлари таъминлаши мумкин, улкан (катта) фаввролар жуда катта сув миқдорини сарфлайди. Шу билан бирга сувнинг катта сарфланишини орқага қайтарилувчи сув таъминоти билан ҳам ташкил этиш мумкин бўлади. Бундай ҳолларда фавворага яқин жойларга ер ости резевуар билан насосли станция қурилади. Сув фавворага насос орқали узатилади ва трубалардан резервуарга қайтиб оқиб тушади.

Ҳозирги вақтда ҳаттоқи унча катта бўлмаган фаввроларни яратишида сув таъминотинининг орқага қайтарилишидан фойдаланилади. Бу вазифаларни муваффақиятли ечишда катта турли туман замонавий насосларга рухсат этилади. Фавворларда қайтарилувчи сув таъминотидан фойдаланиш, амал қилиш мақсадга мувофиқдир, резервуарга албатта, шамол олиб кетган сарфга, бир кунлик сарф 0,5-2% ва бугланиш ташкил этади (0,5-1% сувнинг бир кунлик сарфи), сув ҳажмини қўшиш. Бундай ҳолатда насоснинг барқарор ишлашини таъминлаш учун сувнинг доимий мувозанатини ушлаб туриш керак.

Қишиқи даврда фавворанинг косасини ҳоли қилиш учун сув чиқариш жойига унинг туби 0,005 нишаб билан лойиҳаланади. Фавворалар декоратив ҳовузлар уйғунлиги билан бирга лойиҳаланиши мумкин. Декоратив ҳовузларнинг конструкцияси турли туман бўлиши мумкин. 1 м гача диметрга эга бўлган, оддий декратив ҳовузнинг чуқурлиги 20-50 ей бўлиши керак. Авваламбор, у учун керакли ўлчамда қия қирғоқли котлован қазилади. Остига яхшилаб эзилган 10-15 см лой қатлами ётқизилади, ундан кейин сув билан бирга уни текисланади ва қуришга қўйилади, сўнгра эса 10-15 см иккинчи лой қатлами ётиқизилади, унга майдаланганд тош ёки шағал тўкилади ва шиббаланади. Гидроизоляция билан қўлланилган декоратив ҳовузни ҳам яратиш мумкин (полиэтилен юпқа қатламдан). Уни бир неча қатлам қилиб кумга ёзилади (10 см) ва устидан майда тош сепилади (10-12 см).

Анча мураккаб мослама ва декоратив ҳовузни альпинарий билан жиҳозлаш ҳисобланади, доимий циркуляция тамойили бўйича ҳаракатланувчи шаршараларнинг тизими сувнинг ёпиқ ҳажмидир. Бу ерда кам қувватли электр насослардан фойдаланиш керак. Насос, шаршарадан сувни олиб, шланга ёрдамида уни юқорига қўтарилилган альпинарий жойига йўналтиради, бу ердан у ўз оқими билан тошлар кетидан, сунъий **микрошаршарани** пайдо қилиб, оқиб чиқади. Бундай қурилманинг характерли хусусияти – сувни севувчи ўсимлик билан, унда очиқ нов (саёз идиш)ни жойлаштиришга мўлжалланган, ҳовузнинг ички периметри бўйича туртиб чиқан жойининг борлиги.

Котловани қазишида чиқарилган тупрокдан, альпинарий қияликларини тўлдиришда фойдаланилади. Ҳовузнинг ости текисланади ва бир неча қатламли гидроизоляция билан қопланади (полиэтилен пленка). Шундан кейин арматурани сетка кўринишида ётиқизилади ва 12-15 см қатламли

бетон тўлдирилади. Ҳовузнинг ички томонини 1:2 нисбатдаги, 1-2 см қатлам цемент-кум аралашмали тортма билан, кейин эса темирли сайқалланади.

Остоналарга ётқизиладиган табиий тошлар ҳам, қоришка билан мустахкамланади. Ёғингарчилик даврида сув қуйилишидан сақланиш учун ҳовузни фильтрли қувиш трубалари билан жиҳозланади, қайсики ортиқча сувни ўз оқими билан кетадиган, 1x1м ўлчамли ва чуқурлиги 1,5-2м сингдирилувчи ўра-қудукка, ўртаси йирик харсангтошлардан тўлдирилган, сув чиқариб юбориладиган трубанинг охирига олиб борилади. Сув ўранинг бошқа майдонига йирик шағалтош, майдада харсангтош ёки шлаклар солиб тўлдирилади. Ўранинг уст томонини нам ўтказмайдиган қилиб

изоляциланади ва 40 см қатламли тупроқ солинади. Сув туширгич насос шлангасини жойлаштириши ва электр кабелни яширинча ёки унча билинмайдиган қилинади, уни тупроқ, тошлар ва яшил ўсимликлар ёрдамида никболанади.

Сузиш бассейнларининг конструкцияси уларнинг функционал вазифаси билан боғлиқ. Бассейнларнинг чуқурлиги бўйича 2 қисмдан иборат: бассейн типига қараб, саёз ёки чуқур бўлиши мумкин. Масалан, чўмилиш бассейнларининг чуқурлиги саёз жойларда 0,7-1 м ни, чуқур жойларда – 1,5-2 м ни, ташкил этади, спортга оид бассейларда тегишли равишда – 1,0-1,2 м ва 2,5-4,5 м. Бассейнларнинг вазифасига қараб майдонларнинг саёз ва чуқур қисмлари аниқ ўзаро нисбатга эга. Бассейннинг чуқур қисми 1,5 м дан ошмаган чуқурлик ҳисобланади. Бассейнларнинг саёз ва чуқур қисмларининг ўзаро нисбати сузиш бассейналари учун: саёзларда - 75-100%, чуқурида - 0,25%; спортга оид бассейнлар учун: саёзларда – 0-30%, чуқурида-70-100%, болалар бассейнлари учун майдонинг саёз қисми – 100% ни ташкил этади.

Ёзги сунъий бассейнларни тўлигича ёки қисман тупроқга чуқурлаштирилиб барпо қилинади, бу билан бирга албатта бассейннинг туби ва деворлари гидроизоляцияланади. Бассейннинг атрофига аксар етарли даражада дренаж (ернинг захини қочириш) қурилади. Сувнинг алмашинув режимига қарамасдан бассейнларни рециркуляция билан ажратилади, яъни сувни тозалаб ва дизинфекциядан кейин бассейнга қайтариш; вақти-вақти билан сувнинг барча кўламини янгилаш ёки оқувчи сув билан алмаштириш. Рециркуляция, қачонки бассейнда керакли юқори сифатли сув бўлмагандан кўлланилади. Бундай ҳолда сувнинг тозаланганилиги ва дезенфекциялангандан кейин бассейнни сувдан холи қилмасдан бир неча ой фойдаланиш имконини беради. Сувни алмашаштиришда рециркуляцияни қўлланилмаса сувни ҳар куни бутунлай ёки узлуксиз сув алмаштирилади. Оқарсувнинг алмашинуви бассейнга сувнинг тўхтовсиз узатилиши соатига

25-30% ҳисобидан янгиланишидир. Бассейнларнинг сув тақсимоти манбалари юзали бўлиши мумкин (дарёлар, кўллар, сув омборллари ва бошқалар) ва тупроқли сувлар, яна шаҳар водопроводлари.

Бассейн учун сувнинг ҳисоб чиқимлари бассейн ҳажмига, сув алмашинув тизимида ва бассейнни тўлдириш режимига қараб ажратилади, аммо барча ҳолларда сувни буғланишини, сепиб юборилишини ва чўмилевчилар томонидан олиб кетилиши ҳисобга олиш керак. Бу йўқотишлар бассейн ҳажмининг суткадаги 1,5-15% ташкил этади.

Бассейн резервуари, қоидага кўра монолитдан ёки йигилган бетондан бажарилади. Ҳозирги вақтда, анча осонлаштирилган ва уларнинг қурилиши арzonлаштирилган пластмасса бассейнлардан фойдаланилади. Унинг ички томони сирпанчиқ бўлмаслиги, атрофлари эса қайирмали бўлиши керак.

Айрим давлатларда заводда тайёрланган йигилувчи конструкцияларадан иборат, қайсики керакли сув келтирувчи ва сувни чиқарадиган жихозлар билан таъминлайдиган сузиш бассейнлари кенг тарқалган. Уларни ёзги мавсумда худуд майдонининг teng ярмига ўрнатилади, қиши даврида эса йиғиширилади ва сақлаш учун тахлаб қўйилади. Йигилувчи бассейнларнинг

диаметри – 5 дан–7 м гача ва чуқурлиги (баландилиги) – 1,2 м. Сузиш ва чўмилиш учун ҳовузлардан фойдаланилади.

Ҳовузларни лойиҳаланаётган қўйидаги саволларга ечим топилади:

- ҳовузнинг косасини ўрнатишда унинг сувдаги аксини белгиланган ҳисобининг қайди;
- ҳовуз соҳилини мустахакалашда белгиланган конструкция;
- пляжнинг соҳилдаги ва сув ости қисмидаги қурилишлари;
- сув ташлайдиган иншоотнинг қурилиши;
- соҳилдаги йўлларни ободонлаштириши.

Ҳовузлар вазифасидан қатъий назар турлича чуқурликка эга. Ҳовузлардан сузиш ва чўмилишда фойдаланишда чуқурлиги 2 м бўлиши лозим. Соҳилларда шўнғиши учун вишкалар ва сув станциялари жойлашган бўлса, чуқурлик 4,5 м бўлиши керак. Ёз вақтида сувнинг қизишидан сақлаш учун ва ҳовузда ўт босиб кетмаслиги, малярий чивини кўпаймаслиги учун, ҳовузнинг соҳил олди 0,8-1 м дан камроқ кетма-кет кенгайиб бориб унинг биринчи масофасидан 5 м дан 1,8 м гача қабул қилинади. Шундай қилиб, ҳовуз туви тахминан 1/5 қияликда лойиҳаланади. Соҳил чизиқларининг ташки кўриниши рельефнинг ва ҳовузнинг вазифасига қараб турлича бўлиши мумкин.

Ҳовуз косасини яратишга катта аҳамият берилади. Лойиҳалашда унинг узунасига ва қўндаланг профилида сув аксининг белгиланиши, мавжуд рельеф сиртининг ва геологик шароитлари эътиборга олинади.

Ҳовузнинг коса тубини вертикал режалаш, ҳовуздан фойдаланишда кўрсатилган талабларга мувофиқ бажарилади. Ҳовуз туви шундай лойиҳаланадики, сувнинг қайтиб чиқиши билан таъминланган бўлсин. Сунъий ҳовузларни қурилишида сув ўтказадиган ерларда сув фильтрациясини олдини олиш учун ерга қуруқ ер ҳавзасини эзилган лой ёки 0,3 м қатламли ёғли қумоқ тупроқ қум билан қопланган 0,15 м қатламли сув ўтказадиган экаран қурилади. Бундай экран қуруқликдаги барча сув ўтказилишини таъминлайди. Шунингдек бетон асосида турли пленка кўринишдаги антифильтрацияли қопламалар ҳам қўлланилади. Ҳовузларнинг гидроизоляция ложа типлари турличи бўлиши мумкин. Шаҳар ҳовузларида санитар шароитларни оқар сув ёки вақти-вақти билан сув алмаштириб туриш билан таъминланади. Ёз мавсумидаги бутунлай сув алмаштиришнинг минимал нормаси икки-уч маротаба деб белигиланади.

Агар ҳовуз чўмилиш ва сузиш учун фойдаланилса, сувни уч-тўрт маротаба алмаштириш тавсия этилади. Аммо, ҳовузларни тўлдирилаётган устки қисмга ёмғир сувларининг оқиб тушгани, жала ва эриган сувлар уларни ифлосланишига олиб келишини ҳисобга олиш керак. У ҳолда оқмайдиган ҳовузларда вақти-вақти билан сувнинг айрим қисмини оқизиб юбориш ва уни тоза сув билан тўлдириш лозим. Ҳовузларнинг қирғоқ қиялиги 1:1,5 ёки 1:2 тиккалик билан режаланади. Ҳовуз қирғоқлари мустахкамланади. Қирғоқмустахкамлашадиги табдирларнинг вазифаси – ҳовуз қирғоини сув ва муз таъсирдан мустахкамлаш ва қирғоқ йўлларида сув ости ўсимликларини ўсиб кетмаслиги учун шароит яратиш. Ҳовузлар қирғоини мустахкалашда

табиат шароитидан келиб чиқиби турлича конструктив ечимга эга бўлиши мумкин.

Энг оддийларидан – ўтларни экиш, ёғочлар, буталар, шох-шаббали ўсимликларни ўtkазиш, тош билан бутунлай тўлдириш. Тупроқ қатлами бўлмаган лойли ва қумли қирғоқларда ўтларни экишдан олдин, дерна тасмаси билан тортиб мустахкамланган, ўсимлик тупроқ қатламини ётиқизилади (5-10 см).

Чангсимон ва майда донали қумларда икки типли яхлит одернока қўлланилади: мустахкам, чидамли мослама бўлган кенг томони билан одерновка ва деворга одерновка. Бута ўсимлик одерновкага тўлдирувчи ёки ўз-ўзини ҳимояловчи тадбир сифатида ўtkазилади. Лойли ерга экилган бута, қияликни сузуб кетмаслигига қарши мустахкамлигини оширади.

Ховузларни, сувнинг аксини орқа сатҳдаги белгисини сақлашни таъминлайдиган, яна шунинигдек тошқин сувларини ўtkазиш имконини берадиган сув ташлайдиган иншоотлар билан жиҳозланади. Ёз вақтида сув алмашинув даражасини пасайтиришга, шунингдек ҳовуз косасасини бутунлай бўшатишда уларни насосдаги балчиқлардан ва ифлослардан тозалаш учун сув бўшатмалар яратилади.

Ҳовуз косасини бўшатишда сувни ёмғирга оид каналазиция тармоқларидан тушириш мумкин. Оқава ариқдан сув ташлайдиган иншоотларининг турлича схемалари мавжуд, тошқинли сувларни ўtkазишга ва ҳовузларда сув горизонтини бошқаришга мўлжалланган: сув ташлашнинг тўғри йўналтирилган оқаваси билан, ковшли оқаваси билан, тубдан чиқарадиган сув йигувчи камера билан.

Кичик шакллар ландшафт дизайнининг элементи сифатида. Ёритиши.

Кичик меъморий шакллар функционлар вазифасига ва фазовий тавсифига кўра жуда ҳам хилма хилдир, эргономик параметрларга эга ва инсонларнинг ҳар бир ёш гуруҳига қараб тўғри келиши керак ва уларнинг функционал вазифаси билан боғлиқ, спецификани ҳисобга олиш керак. Улар турли туман ландшафт ечимларини таъминлаб беради ва айниқса муҳитнинг архитектуравий-бадиий қиёфасини, унинг индивидуалигини таъкидлаб намоён қиласи. Кичик меъморий шакллар – бу иншоотнинг масшатаби бўйича унча катта бўлмаган ва мавсумий қурилманинг ва йил давомида фойдаланиш (стационар ёки кучайтириш), урбанизимлашда ва табиий муҳитда инсонларга хизмат қилишга мўлжалланган. Кичик меъморий шакллар, қоидага кўра, утилитар ва бадиий-декоратив вазифага эга, айримлари эса фақат декоратив. Утилитар харктеридаги иншоотларга қуйидагиларни киритиш мумкин: -савдо ва маълумот берадиган киосклар, турли турдаги автоматлар (телефон, газета), транспорт бекатидаги шийпонлар, павильонлар, соя қиласи диган конструкциялар (трельяжлар, перголлар, айвонлар) скамейкалар ва хокозо.

Архитектуравий-бадиий вазифасидаги иншоотларга қуйидагилар тегишли:

- осилиб ўсадиган ўсимликларга тирговучлар, гулдонлар, шпалерлар, трельяжлар, софитлар, сачратиб сепадиган фавворалар, деворлар ва бошқалар.

Турли кўринишдаги кичик меъморий шаклларни ва рекрацион ускуналарнинг анализи уларнинг умумий соҳасини қуидаги белгилиларда таклиф этишни ижозат беради:

- ёш контингенти бўйича (болалар ва катталар учун);
- руҳий соғлом инсонлар белгиланган вазифаси бўйича, жисмоний нуқсони ва ақлий қолоқ инсонлар учун;
- функционал белгиланган вазифаси бўйича – рекрацион фаолиятнинг барча турлари- ўйинли, озиқ-овқат, спорт, бадиий-маърифат, ўқишига оид, меҳнат, мортли; конструктив тизим характери бўйича – қобирғали, қобирғали-тўсиқли, қобирғали-чодирли, тўсиқли, қобирғали-блокли, йиғиладиган-блокли, фақат блокли, пневматикали.
- Кичик меъморий шаклларнинг номенклатураси ва рекрацион ускуналари ландшафт объектнинг функционал вазифасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Кичик меъморий шаклларни жойлаштириш бевосита функционал зоналаш билан ва участканинг архитектравий-режавий ечим билан боғлиқ бўлиши керак. Кичик меъморий шаклларни муҳитнинг турли типларига жойлаштиришда услубий бирлик шартларига риоя қилиш зарур. Кичик меъморий шаклларни уларнинг композицион фаоллигини даражасини мос келишида, композицион қонунларни ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш керак.

Ландшафт объектларини шакллантиришда дам олиш учун мебел, скамейкаларнинг турли типлари, перголлар, сояли айвонлар, шийпонлар, урналар кенг кўлланилади.

Скамейка – ҳар қандай худуднинг кичик меъморий шаклларида қўлланиладиган типи. Жойлаштириш жойига қарамасдан вазифаси, яна шунингдек шакли, ўлчови, бажариладиган материали ва скамейканинг ранги белгиланади. Ҳар қандай ҳолатда скамейка, авваламбор, фойдаланишда қулай бўлиши, шакли бўйича оддий, уларни ранги эса – узвий равишида худуднинг умумий ранг ечимини тўлдириш керак.

Вазифасига кўра скамейкалар:

- дам оловчилик ёши контингенти ҳисобга олган ҳолда – болалар ва катталар учун;
- фойдаланиш характерига қараб – узоқ вақт учун ва қисқа дам олиш учун;
- ўрнатиш характерига қараб – стационарли ва қўчириб юрадиганлигига қараб бўлинади.

Болалар учун скамейкалар унча катта бўлмаган ўлчамда ишлаб чиқарилади: баландилиги бўйичп 25 см.дан 35 см.гача, кенглиги бўйича 22 см.дан 30 см.гача.

Катталар учун скамейкалар баландлиги бўйича қуидагича бўлинади:

- пастлиги – 35, 40 см;

- ўртачаси – 40, 45 см;
- баланди – 45, 50 см.

Катталар учун скамейкаларнинг кенглиги 40 дан 80, 90 см.га қабул қилинади. Скамейкаларнинг узунлиги 0,3... 0,4 м бир бола ҳисобидан ва бир катта одамга 0,5... 0,6м ҳисобидан аниқланади.

Узоқ муддатли дам олиш учун суюнчиқли скамейкалар қулай, суюнчиқсиз скамейкалардан кисқа муддатли дам олишда фойдаланилади.

Тўғри скамейкалар кенг тарқалаган ҳисобаланади. Ташқи қўриниши синик-терик скамейкалар, тўғри чизиқли скамейкаларнинг турлича узунликдаги йиғилган ва бир-бирига турли бурчаклардан бириктирилган, дам олиш майдончасининг контурларини қайтаришга ва янада унинг чегарасини аниқ кўрсатишга, фазовийликни, участкани функционал ташкил этишда имкон беради.

Айланали, квадратли, олтиқиррали, саккизкиррали ва ёпиқ ёки эркин контурлар билан скамейкалар алоҳида дарахатлар ва уларнинг гурухлари атрофида, йирик декоратив тошлар атрофида ва дам олиш майдонида жойлашган, бошқа ҳажмли шакллар атрофида яратилиши мумкин.

Скамейкаларни тайёрлашда хом ашё сифатида дарахат, металл, тош, ғишт, бетон пластмассалар қўлланилади.

Ландшафт объектнинг функционал вазифасидан қатъий назар скамейкаларнинг турлича жойлаштириш мумкин: офисга киришда, тураг жойга, уй олдидаги йўлда, дам олиш майдончасида, болалар, спорт ва хўжалик майдончаларида, асосий ва иккинчи даражали ҳиёбонларда ва бошқалар. Жойлаштирилишининг қанайдилигига қарамасдан скамейкаларнинг шакли ечилади, хом ашё танланади, ўлчови ва архитектравий-бадиий ечими аниқланади.

Болалар майдончасида жойлаштирилган скамейкалар, бола учун кенг кўламли (масштабли) бўлиши ва болаларнинг ёш контингентини ҳисобга олган ҳолда ўлчамга эга бўлиши керак.

Скамейкаларни гуллар, фавворалар, ҳавзалар, декоратив бассейнлар олдида, шийпончаларда, дарахт соясида жойлаштириш керак. Скамейкаларни соя қилишда перголлар ёки трельяжлар, ерга мустахкамланган соябонлар, чодирлар ёки шийпонлар қўлланилади. Унча катта бўлмаган (локал)дам олиш майдончаларда скамейкаларни хусусан дам олиш жойини ажратиб яратиш учун декоратив деворлар билан уйғун ҳолда жойлаштирилади.

Скамейкаларни композицион ва конструктив ечим имконияти ва уларни ўрнатиш жойлари етарлича турли тумандир. Уларни тошдан консоляга ва бетонли девор тирговучга мустахкамлаш, паст ғиштли ёки тошли тирговуч деворга тахтали тўшама ёзиб ва уни скамейкага айлантириш мумкин.

Столлар - сокин дам олиш майдончалари, стол усти ўйини ва болалви ўйин майдончалари учун жиҳозлаш элементи. Кўпроқ бетон ёки метал асосда стационар столлари лойиҳаланади. Стол метал қобирғали скамейка билан бирга йиғилиши ҳам мумкин. Стол сифатида кенг скамейкалар, тумбаси ҳийла баланд ёки дарахтадан кесилган катта тўнкадан ҳам фойдаланиш мумкин. Столларнинг ўлчамларни уларнинг вазифасидан келиб чиқиб (катталар,

болалар учун ўйин столи, китоб ўқиши учун ва ҳокозо) ва одамларни сонига, столдан бир вактда фойдаланиш, бир одамга столнинг 0,5-0,6 узунлиги ҳисобидан аниқланади. Катталар учун стол баландлиги – 60 см ва болалар учун 40...60 см.

Урналар (қолдиқларни ташловчи идиш)- биринчи ўринда манфаат кўриш вазифасига эга. Асосан урна иккى қисмдан иборат – сиртқи кўриниш ва ахлат йигиб олиш. Урналарнинг ташқи кўринишини металдан, сополдан, бетонлан абестцемент трубалардан қилиш мумкин. Айрим metall урналарни тик турган ҳолда ёки ахлат тўкиш учун ва тозалаш учун шарниларни ағдармали қилинади, бунда чеълак керак бўлмайди.

Урналар асосан турли мақсадаги майдончаларда скамейкалар олдида, уй олди йўллида, асосий ва иккинчи даражали ҳиёбонларда жойлаштирилади. Урналар скамейкадан узоқроқ, аммо уларни мумкин бўлган масофада ўрнатилади.

Декоратив деворлардан фазовийликни ажратиш учун, пиёдаларнинг керакли йўналишда ҳаракаланиш ориентацияси учун, дам олиш жойини ажратиб қўйиш, хўжалик майдончаларини ниқоблаш учун фойдаланилади.

Декоратив деворлар яхлит ёки пнжарасимон бўлиши мумкин. Улар энг турли туман материаллар – тощдан, темирбетон элементлари йигимидан, панелдан, сополдан, ойнапластикадан, бу материаллар комбинациясидан бажарилади. Деворнинг баландлиги ва ўлчами уларнинг вазифасидан ва худудга жойлаштирилишга боғлиқ бўлади.



Трельяж - металл стерженли ёки тахтачали, темир бетон элементдан енгил решеткалы вертикаль девор. Трельяжнинг вазифаси – уни яшил парда қопладиган, осилиб ўсадиган ўсимликлар учун, қобирға бўлиб хизмат қиласди. Трельяжнинг яшил декоратив девори ҳайкалтарошлик ёки фаввора учун, тўсик ва дам олиш майдонини ажратиб кўйиш, хўжалик иншоотларини никоблаш ва майдончалар яратишида асосий, жуда яхши восита бўлиб хисобланади.

Трельяж бинолар деворини оғисга ёки турар жой уйлариға кирверишида безатишида, унча катта бўлмаган иншоотларни - шийпончалар, сояли айвонларни ва бошқаларни ажратиш учун фойдаланиш мумкин. Трельяжлар бир ёки бир неча зевенодан иборат, турли туман тасвирлардан яратилган, решетка горизонтал, вертикаль ёки эгилиб турадиган элементлардан ташкил этилади. Асосан трельяжлар тахтачалардан ёки юмолоқ пўлат арматуралардан бажарилади. Терльяжларнинг баландлиги 2,5 дан 4 м.гача ўзгариб туради.

Пергола декоратив иншоотларни устун ёки панжарасимон қопланган аркаларидан ўзида ифода этади. Улар осилиб ўсадиган ўсимликларнинг рангтасвирли соя айвончасини, коридор ёки соя қилинган майдон билан уйғун ҳолдалигини ташкил этади. Перголарнинг қайтарувчи элементларида соя ва куёш шулъаларининг алмашинишини яратади. Перголлар алоҳида тик турувчи, бинога туташган ёки бир бинони бошқа бино билан боғловчи бўлиши мумкин.

Перголларнинг декоратив сифатлари ва уларнинг шамоллатишни сақлаган ҳолда сояни яратиш хусусияти турли худудларда кенг қўлланилиши таъминлади.

Уларнинг ўрнатилишига осилиб ўсадиган яшил ўсимликлар, ёввойи узумлар, тамаки ўсимлиги, хмел, печак, ўрама атиргуллар ва бошқалар хамроҳ бўлади, қайсики уларнинг асоси жуда чуқур экиласди. Улар ёхуд қўтарилаётган конструкцияли маҳсус тортилган ингичка симга ёки нейлон ипга ўрилади. Образлийликни баланд дараҳтлар танаси, перголлар чегарасигача ёки унинг ё у ёки бир томонига униб ўсадиган қўшимчалик беради.

Перголлар устуни турлича бўлган материаллардан қилинади: ёғоч, ғишт, метал, темирбетон ва абестцемент трубалар. Перголларнинг ажратиладиган решетка балкаларини тахтадан, баъзан металдан, енгил темирбетон балкалар ва плиталардан қилинади.

Перголлар тартибида тўғричилики, ташқи кўриниши парчаланган, қийшиклики бўлиши мумкин, уларнинг баландлиги эса 2,5... 3 м. қабул қилинади.

Шийпончалар ва сояли айвонлар дам олиш жойи, қуёшдан ва ёмғирдан пана жой, ва яна ландшафтли фазовий композициянинг асосий ҳажмли элементи бўлиб хисобланади. Уларнинг ташқи шакллари оддий ва ихчам ечимли, бажариш материали и ранглар ечими атрофни ўраб турувчи муҳит – рельефлар, ўсимликлар, сувлар билан ва бошқа компонентлар билан боғланган бўлиши керак. Тайёрлаш учун турли туман материаллар қўлланилиши мумкин – метал, пластмасса, шиша, тош, темирбетон, ёғоч. Шийпончалар ва сояли айвонлар турли дам олиш майдонларида, болалар ўйин

майдончаларида ва бошқаларда лойиҳаланади. Оптимал ўлчамлар – 2,5x2,5 дан 5x5 м. гача баландлигига 2,5 3 м. Бундай ўлчамлар бир ёки бир неча скамейкаларни ва столларни қўйишга рухсат этилади. Катта ўлчамдаги айвончалар кўпроқ ҳовли-жойли участкаларда қўлланилади. Кичик боф худудларида, кичик меъморий шаклларни жойлаштиришда, шуни эсда тутиш керакки, яъни инсон истиқомат қиласиган гармоник муҳитни яратишида асосий рол яшилликлар массивига, дараҳтларнинг алоҳида декоратив гурухлари, сув қатламлари, рельефда геопластикага тегишли бўлиши керак.

Замонавий шароитларда инсон кўриш органлари орқали 80% ортиқроқ маълумотлар оқимини қабул қилиши, анчагина ўсди. XXасрнинг охири – XXI асрнинг бошида инсонга кўз билан хаос ёғдирилди, унга кўчада, паркда ва яна жамоат бинолари интерьерида ориентир олиш янада мураккаблашди. Бу камчиликларни бартараф этишида визуал коммуникация воситаларини бажариш аҳамиятлидир



5-мавзу. Ўсимликлар экология мустаҳкамлиги сифатида

Ўсимликлар – табий-архитектура муҳитининг асосий компоненти. Ўсимликлардан яратилган композиция турлари ва улар хусусиятлари. Ўсимликлардан яратилган композицияларнинг асосий таркибий қисмлари: манзарали ва ўтсимон ўсимликлар. Ўсимликларнинг биологик, экологик ва безаш тавсифларнинг хусусиятлари. Ландшафт дизайнда ҳудудларга ойид ўсимликлар компонентларини қўллаши.

Ўсимликлар – табий-архитектура муҳитининг асосий компоненти, экология мустаҳкамлиги сифатида.

Дендрология ботаниканинг мустақил бўлими. Бу ном грек сўзларидан келиб чиқкан, “дендрон”- дараҳт ва “логос”- таълим, фан. Уни дастлаб ўрмон ботаникаси деб атаганлар. Дендрологияни навлар эволюцияси, уларнинг тарқалиши, систематик ҳолати, морфологик ва биологик хусусиятлари ва фойдали жиҳатлари, қолипланган хилма-хиллиги, аҳамияти ва қўлланилиши ҳақидаги билимлар мажмуини берувчи дараҳтсимон ўсимликлар ҳақидаги фан сифатида таърифлайдилар.

Дараҳтсимон ўсимликлар планетанинг ўсимликлар оламининг алоҳида гуруҳини ташкил қиласди. Ўтсимон ўсимликлардан уларни ёғочлашган тана (шоҳ, новда) ажратиб туради. Дараҳтсимон ўсимликларга энг аввало кўп йиллик шоҳи яхши кўриниб турувчи дараҳтлар, бир қанча ёғочлашган ва ернинг ўзидан бошланувчи таналар билан ҳарактерланувчи буталар ва юқорига ўсуви новдаси таянчга бириккан ёки уни чулғаб олган лианалар (чирмовиқ ўсимликларнинг умумий номи) киради. Дараҳтсимон ўсимликларга буталардан ёки ёғочлашган новдаларнинг қисқа яшashi билан ёки кичик ўлчамлари билан фарқ қилувчи ярим буталар (пояси ёғочлашадиган ўтсимон ўсимлик) ва пастак буталар киради. Дараҳтсимон ўсимликларнинг асосий ажралиб турувчи белгиси, бу илдиз ва пояларида иккиламчи ксилема қатламини (ёғочни) қилувчи, фаол камбийнинг (ўсимлик пўстлоғи остидаги бўлинувчан ҳужайралардан иборат тўқима, камбий ўсимликни энига ўстиради) борлигидир.

Ер шарининг ёғочисмон флораси дараҳтсимон ўсимликларнинг 40 мингдан ортиқ турини ўз ичига олади, улардан кўпи тропик (иссиқ жойлар) ва субтропик (тропикка яқин жойлар) вилоятларда тарқалган. Ўсишнинг турли шароитлари таъсирида узоқ давом этган эволюцион ривожланиш жараёнида маълум табиий зоналар ўсимликлари таркибига кирган ўсимликлар ва буталарнинг маълум турлари шаклланди. Инсон фаолияти кўплаб қимматбаҳо навларнинг ўсиш районларини кенгайтириб,

ўсимликларнинг тур жиҳатдан таркибининг тарқалишига катта ўзгаришлар олиб кирди.

Ўсимликлар хилма-хиллигини англаб етиш осон бўлиши учун уларни системалаштириш ва тоифалаштириш зарур. Системалаштиришга биринчи уриниш эрамизгача 4 асргача Феофраст томонидан бошланган.

Ўсимликларнинг морфологик белгиларига асосланган анчагина тўлиқ система 1758 йилда “Ўсимликлар турлари” китобида баён этган Карл Линней томонидан ишлаб чиқилган. У ўсимликларнинг 1300дан ортиқ турларини тавсифлади ва уларни номлаб чиқди. Бу тоифалашнинг асосларидан бизнинг кунларда ҳам фойдаланилди.

Аммо замонавий тоифалаш фақат морфологияга таянмай, ўсимликлар анатомияси, экологияси, цитологияси бўйича илмий маълумотларга, шунингдек математик таҳлил услублари қўлланилган биологик, физиологик ва палеоботаник тадқиқотларга ҳам таянади. Шу асосда ҳамма ўсимликлар икки гурухга бўлинади: олий ва содда.

Соддалар- асосан бир хужайрали организмлар ёки орган ва тўқималарга табақаланишсиз кўп хужайрали колониялар (тўп-тўп бўлиб ўсуви), уларда кўпайиш жараёни жуда содда.

Олийлари- асосий органлар ва тўқималарга табақалашган ўсимликлар. Ўз навбатида олийлари 7 бўлимга ажралади, улардан очик уруғлилар ва ёпиқ уруғлилар ҳамма дарахтсimon ўсимликларни ўз ичига олувчи 240 минг турдан ортигини ташкил қиласиди.

Линней системасининг асосий бирлиги тур ҳисобланади. **Тур**- умумий ўсиш жойига эга, ўзаро эркин чатишувчи ва ўхшаш морфологик белгилар, шунингдек биологик ва экологик хусусиятларга эга организмларнинг эволюция жараёнида тарихий юзага келган мажмуудир. Турлар, ўз навбатида, янайм йирик систематик бўлинмаларга киради: **навлар, оилалар, синфлар, бўлимлар, гурухлар**.


Ботаник тавсифда ҳар бир ўсимлик икки ном остида **қўш номенклатура** бўйича берилади. **Биринчи бўлиб навли ном, иккинчи-** ушбу навдаги бошқа ўсимликлардан фарқли бу ўсимликтин алоҳида сифатларини белгиловчи тур номи. Масалан, дуб-эман қўш номенклатура бўйича пояли эман деб аталади- *Guercus robur* L. Агар тур номи лотинчада берилса, дархол иккинчи (тур номи) сўздан кейин уни биринчи тавсифлаган олим фамилиясини кўрсатадилар. У битта ёки бир неча ҳарфгача қисқариши мумкин (“L”-Линней).

У ёки бошқа турдаги ҳар бир алоҳида ўсимлик эволюция жараёнида ўша турдаги бошқа ўсимликлардан фарқловчи қатор белгиларга эга бўлади. Бу тафовутлар қанчалик ирсий характерга эга бўлса, шунчалик ноирсий характерга эга. Биринчи ҳолда бу **генотипик**, иккинчи ҳолда –**фенотипик ўзгарувчаник**. Масалан, кўпинча зич дарахтзорда энсиз шох-бутокларни кўриш мумкин, аммо сийрак дарахтлар орасида ўсуви уларнинг авлоди, насли ҳар доим ҳам энсиз шох-шаббани беравермайди.

Ташқи белгиларнинг наслий ўзариши баргларнинг шакли ва тус тафовутида, гуллаш ва ҳосил бериш муддатида, гуллар ва мевалар ўлчамларида муҳитнинг ноxуш омилларига чидамлилигида, касалликлар ва кўплаб бошқа белгилар бўйича намоён бўлиши мумкин. Бу тафовутлар бўйича турлар хил(var), шакл(f) ва сортларга бўлинади. Хил, шакл ёки сорт номи уларни тавсифлашда тур номидан кейин дархол келтирилади, масалан:

пояли эман, шакли пирамидасимон. Қисқартириш учун кўпинча ёзадилар: пояли эман, пирамидасимон.

Дарахтсимон ўсимликларнинг ушбу тур учун характерли бўлган қимматли сифатларга эга қўп шакллари ва сортлари уларни доим ҳам уруғланиб кўпайишида узата бера олмайди. Шу сабабли шакллар ва сортларни одатда вегетатив (жинссиз, қаламча йўли билан) йўл билан кўпайтирилади: тармоқлаш, қаламча, пайванд, тўқимага ишлов бериш. Бунда оналик ўсимлигининг ҳамма белгилари сақланади.



Ландшафт дизайнининг ўсимликлар элементлари

Яшил дарахтларга, кўчатларга яхши шароит яратилганлик туфайли мавжудлиги шаҳар муҳитига, жой хусусияти иқлимини яхшилашга, мунтазам намлик, ҳаво таркбига, шамол режимига ва бошқаларга ижобий таъсири этади. Ландшафт объектларнинг шакллантиришда ҳимоя ва яшил дарахталарнинг фазовий-ташкилий функциясидан фойдаланилади. Фазовий моделлашдаги асосий компонент ландшафт дизайнинг воситларидан фойдалиниб, ўсимликларни гурухларга бўлиш ҳисобланади.

Дендрология – дархт ва буталар ҳақидаги фан, ботаниканинг бир соҳаси; дарахтларнинг анатомияси, морфологияси, таксономик жойлашиши, тур ичидаги систематикаси ва филогенези, экологияси географик тарқалиши ва хўжалик аҳамиятини ўрганади.

Ўсимликлар уч турга бўлинади: дараҳтлар, буталар, ўтсимон ўсимликлар

Дараҳтлар шоҳ-шаббага, шоҳсиз пояга, илдизли системага эга. Буталар ва ўтсимон ўсимликлар ер усти ва ер ости қисмларга эга. Дараҳтлар баланд пастлигига қарамасдан уч гуруҳга бўлинади: биринчи, иккинчи ва учинчи ўлчам. Бундай градацияга буталар ва ўтсимонлар эга дараҳатлардан, буталардан ва ўтсимон ўсимликлардан турли туман гурухлар яратилади. Ўсимликлар гурухини ўсимликларнинг биологик хусусияти, уларнинг архитектуравий-бадиий тавсифини ҳисобга олиб танланади. Авваламбор ўсимликларни танлашда иқлимий жойлар, тупроқ шароити, намликнинг ҳавога тегишлилиги, инсолиция, ўсиш тезлиги эътиборга олинади.

Ўсимликларнинг биологик мос келишига ҳам эътиборни қаратиш керак.

Турли кўринишдаги аралаштиришнинг умумий тенденцияси биомустахкам ўсимликлар турқумига йўналтирилган бўлиши керак, қачонки ёнма-ён жойлашган ўсимликлар бир-бирига ҳалокатли таъсир ўтказмайдилар, яъни яқинида жойлашган ўсимликни ўсишига ва декоратив кўринишга ёрдам беради. Биофизик ўзаро таъсир кўрсатиш ўсимликни ёруғликга, иссиқликга, озуққага, намликга талаб этилишида акс этади.

Биокимёвий ўзаро таъсир этиш ўсимликларнинг органларидан ажралиб чиқадиган, алмашув моддаларнинг ҳаракати туфайли вужудга келади. Микротупроқ шароитларини ҳисобга олиш керак.

Туркумлашда ўсимликнинг ўсиш тезилигини ва қўпга чидашини эътиборга олиш лозим. Шу муносбат билан тез ўсадиган турларни секин ўсадиган билан ва ёруғликни севучи билан ёнма-ён ўтказиш мумкин эмас, ёруғликни севучи буталарни зич-томири бир дараҳатлар остига экиш мумкин эмас. Дараҳатлар ва буталарнинг ёш хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Ландшафт композицияларини шакллантиришда алоҳида эътиборни дараҳтисимон-буталарни ўтказиш инсолициясига муносабатни, яна уларнинг ўсиш тезлигига қаратиш лозим. Инсолиция картасининг анализ ҳисобига кўра ҳар қандай худуднинг жуда яхши ёртилган участкасини ёруғликни севучи навларига мослаб (эман, клен, шумтолбаргли, шумтол, терак, оддий қарағай, қора ольха ва бошқалар) лойиҳалаш керак. Соя қилиб турадиган участкаларда соябардош ўсимликларни жойлаштириш керак (татар ва сохта каштан, арча, жўка дараҳти, чинор, дўлана, шилви, калина ва бошқалар.).

Тез декоратив эффектга эришиш учун асосан қуйидаги тез ўсадиган ўсимликлардан лойиҳалаш керак: қайрағоч, шумтолбаргли ва татар заранг(клен), мажнунтол, яшил шумтол, тиканли арча, оддий қарағай, ок акас, бирючин, дўлана, бузина, боф ясмини, шилви, жийда ва бошқалар.

Рельефнинг геолпастикасини безатиш учун ўсимликнинг илдизлари системаси ривожланган, қўп миқдорда шоҳлар ҳосил қиласиган участкаларда лойиҳалаш лозим. Бундай ўсимликларга қаторига қуйидагилар киради: дала заранги, татар заранги, сарик акас, оддий ўрмон ёнғоғи, иргай, дўлана, ингичка баргли жийда, гледичий ва бошқалар.

Кўкаламзорлаштиришни ҳимоя қиласиган, дарахтлар ва буталарнинг кўйидаги навларини қўллаш тавсия қилинади:

шовқиндан сақлаш учун – найзабарг заранг, оддий қайрафоч, камбаргли жўка, оддий қорақарағай, татар шилвиси, сариқ акаси;

газдан сақлаш учун – учтиканли гледичий, кулранг ва қора терак, канада тераги, оқ акаси, оқ тут дарахти, казак арчаси, оддий бирючина ва бошқалар;

чангдан сақлаш учун – патсимон сершоҳ қайрафоч, оқ мажнунтол, отли каштан, кумушранг, татар, дала, найзабаргли заранг (клен), канада тераги, Болеे тераги, оқ тут дарахти, яшил ва оддий шумтол, сариқ акас, оддий бирючина, ингичка баргли жийда, Ванн-Гутта спирейси;

шамолдан сақлаш учун ўтказиладиган ва худудни соя қилиш учун зич шоҳ-шаббали ўсимликлар танланади – отли каштан, найзабаргли заранг (клен), оддий қорақарағай, бандли эман, кам баргли жўка ва бошқалар.

Ўсимликлар тукумини танлашда ўсимликнинг архитектуравий-бадиий хусусияти ҳисобга олинади: баландлиги, шоҳларнинг шакли ва барларнинг характеристи. Авваламбор, баландлик бўйича фарқни ва турли дарахтларнинг шоҳ-шаббалар шаклини эътиборга олиш керак.





Дарахтнинг баландилиги бўйича қўйидаги гурухларга бўлинади:

- бирламчи ўлчамдаги дарахтлар – баланд (25м дан баланд): оддий қорақағай, оддий қарағай, бандли эман, найзабаргли заранг (клен), йирикбаргли жўка (липа);

- иккинчи ўлчамдаги дарахтлар – ўртача (10 мдан 25 м.гача): дала заранги, отли каштан, қора ольха, америка шумтоли ва бошқалар;

- учинчи ўлчамдаги дарахтлар – паст (10 м.дан паст): канада багряниги, мажнунтол, оддий арча ва бошқалар

Декоратив-композицион идрок қилишда 5 м.дан паст дарахтларни буталар билан бир гурухга киритиш мумкин, яъни 0,5м.дан 5м.гача баландлика эга бўлган (оқ дерен, бересклет ва бошқалар).

Буталарнинг баландилиги бўйича ҳам уч гурухга бўлиш мумкин:

- биринчи ўлчамдаги буталар – баланд (3-5 м.): дўлана, Семенов заранги (клен), татар заранги, оддий калина, городовин ва бошқалар;

- иккинчи ўлчамдаги буталар – ўртача (1-3 м.): бирючин, сирень, бересклет, Ванн-Гутта сирейси ва бошқалар;

- учинчи ўлчамдаги буталар – паст (0,5-1 м.): Бумольда спирейси, япон спирейси, лаванда ва бошқалар.

Ландшафт композициялари фарқ қилиши (констраст) ёки нюанс тамойили бўйича шакланади. Ўсимликларни ландшафт композициясига биологик, функционал ва архитектуравий-бадиий талаб ҳисобидан қатъий танланади.

Ландшафт дизайнининг объектларини шакланишида кўпроқ қуидаги дараҳт-бутасимон гурухлар қўлланилади: массивлар, ландшафт гурухлари, якка, (солитерлар), ҳиёбонга оид экинлар, жонли деворлар, вертикал кўкаламзорлар, гулли безаклар.

Массивлар - сезиларли дараҳадаги майдонларда ўсадиган, бир навли ёки кўп навли дараҳталар ва буталарнинг қўшилиши. Массивлар, қоидага кўра, ажратадиган ва ҳимоя қиласиган функцияларни олиб боради, худудларни бўлишда, маскировкалашда, декоратив акцентлар фонини яратишида ва тез ўсуви навлардан танлаб қўлланилади (найзабаргли заранг, эманлар, шумтоллар, қорақарағайлар, қарағайлар). Массивларнинг икки тури ажаратилади – оддий ва қийин.

Оддий массивлар бир навли дараҳт баландлиги билан умумий декоратив белгиларидан иборат бўлади. Бундай массив оддий шумтол, бандли ва қизил эман, оддий қарағай, найзабаргли заранглардан (клен) ташкил топиши мумкин.

Қийин массив дараҳталар баландлигининг ҳар хиллиги декоратив сифатлари турлича бўлишидан иборат. Икки ярусли массив қуидаги туркумлашдан иборат бўлиши мумкин: биринчи ярусда қайнин и оддий қорақарағай иккинчи ярусда; биринчи ярусда оддий қарағай ва майдабаргли жўка иккинчидан; биринчи ярусда бандли эман ва иккинчи ярусда оддий граб етилмаган маржон дараҳти билан, бересклет. Массивда экинларни зич ўтказишни ҳисоблагандан, ҳар бир нусха эркин шаклланишига шароит яратиш, яъни дараҳталар бир-биридан 4-8 м оралиғида жойлаштиришдан келиб чиқиши керак.

Ландшафт гурухлари – дараҳталар ва буталардан эркин композиция. Дараҳтсимон, бутасимон ва аралаш гурухларга ажаратилади. Гурух таркибига 2-3 дан 10-12 гача бўлган ўсимликлар киради. Гурухлар констрасли ёки бир навли, қалин ёки сийрак бўлиши мумкин. Гурухларни тузишдаги кенг имкониятлар уларни ландшафт композициясидаги асосий элементлардан бири деб қабул қилинади. **Гурухлар** таркиби тупроқнинг характеристи, ўтлар қопламаси ва тоза бўлиши, яъни бир навдан ва аралаш – бир неча навдан тузилганлиги билан боғлиқ бўлади. Дараҳтларни тақсимлаш услуби бўйича ва навларини танлаш уларни зич ва сийракга (ажурсимон) бўлади. Сийрак гурухлар кўпроқ қайнинлардан, заранг (клен) дараҳтидан, тут дараҳтидан ва бошқалардан шаклланади. Зич гурухлар асосан эман, отли каштан ва тиканли қорақарағайлардан таркиб топади. Гурухларга тоқ сонли дараҳталарни киргизиш ва шахматли жуфт жойлаштиришдан қочиш тавсия этилади. Гурухларда дараҳталар орасидаги масофа майда материалларда 1,5-2 м (кейинчалик яшаси билан) ва катта ёшда 3-4 м ва 5-10 м. Гурухларда дараҳтларнинг оптимал сони – 3.

Рекрацион майдонларда **буқет гурухлари** жуда ҳам эффектлидир. Бундай гурухлар бир неча дараҳт таналари (шумтол, терак, қайнин, жўка, каштан, эман) чиройли, зич шоҳ-шаббаларни катта диаметрда ташкил этади ва қуёшдан сақланувчи табиий соябон бўлиб ҳисобланади. “Хоровод” гурухи унча катта бўлмаган фазовийликни жалб қилишда, унчалик катта бўлмаган

дам олиш зонасини ташкил этиш уни “ёпиқ”ликни ҳис қилишни яратиш мақсадида қўлланилади. Сохта гурухлар мўлжалланмаган обьектларни безатиш учун қўлланилиши мумкин (ахлат йифиш, автомобиллар тўхташ жойи ва бошқалар).

Солитер (французчадан – “хилват, ёлғизлик” маъносини билдиради) – бу массивдан ёки дараҳтлардан алоҳидан экилган ёлғиз дараҳт ёки бута. Ёлғизлик нусхалари (солитерлар) биологик тўлақон ва декоратив маънодор дараҳтлар, кўринишнинг максимал хусусиятини акс эттиришни ўзида ифода этиши керак. Декоратив сифатлар жуда кўп гуллашида (сирень), шоҳ-шабаларнинг юпқалигида (альбиция), баргларнинг мозаикасида (дала заранги), гуллар баргida (кумуш заранг), ёрқин меваларда (анор) сершоҳлик тизимида ва кора (пўстлок) гулида (грец ёнғоги) вужудга келиши мумкин. Гуллаш вактидаги, масалан жўканинг, оқ акаснинг, боғ ясмини, черемуха ва бошқа дараҳтларнинг барча турларини ёқимли ҳидини ҳисобга олиш керак.

Солитерларни гурухлар ёки дараҳтлар массиви, кичик меъморий шакллар, ўйин жиҳозлари яқинига бевосита жойлаштиришда, албатта ушбу нусха контраст уйғунликдан иборат бўлишига интилиш керак. Бу шоҳ-шаббаларнинг рангларидаги фарқ билан (масалан, игнабаргли дараҳталар фонидаги очиқ рангдаги қайин), шоҳ-шаббаларнинг шаклини фарқлаш билан (масалан, заранг дараҳтлар гурухи фонидаги терак) ва бошқалар билан эга бўлиши мумкин.

Солитерларни жойлаштириш усуслари жуда ҳам турлича бўлиши мумкин. Якка дараҳтлар унча катта бўлмаган ўтлоқ марказида жойлаштирилиши мумкин, бундай ҳолда у зич шоҳ-шаббалар билан биринчи ёки иккиласми чўлчамда бўлиши лозим. (булар қайин, каштан ва бошқалар бўлиши мумкин). Йўл бўйидаги якка дараҳт унинг бурилишини таъкидлайди. Шоҳлари ёйилган дараҳт сояси дам олиш майдончаси ёки ҳовузнинг соҳил йўлидаги жонлантиришни яратиш мумкин. Дараҳт яна кейин келадиган харакат тўсиқларига ёки йўлнинг айрилиш жойини намоён қилишга хизмат қилиш мумкин. Якка дараҳтларнинг жуда кўп миқдорда бўлиши уларнинг декоратив аҳамиятини заифлаштиради. Дараҳт томашабинга, кузатувчига қанча яқин бўлса, шунчалик унинг қидириб топилган деталлар бўлиши керак; томашабиндан дараҳт қанча узоқ жойлашса, уни танлашдаги эътибор унинг силуэт тасвирига қаратилган бўлиши керак. Томашабиндан якка дараҳтнинг оралиғи кам деганда унинг икки баландлиги бўлиши керак. Дараҳт шакли масофадан сезилмайдиган талқин қилиниши, унинг уч баландиликка баравар қабул қилинади. Бундай яккаликни аҳамиятга эга бўлган худудлардагина қўллаш мумкин. Унча катта бўлмаган участкаларда қидириб топилган деталларнинг мақсадли нусхалари: оддий рябина, сербуқоқ қайин, найзабаргли заранг, қорақарағай ва бошқалар. Солитер ўтказмалар учун буталар одатда **шоҳсиз поя** шаклида фойдаланилади (оддий сирень, шумурт (черемуха), қор меваси ва бошқалар). Якка ўсимликлар хар қандай майдоннинг сокин дам олиш силуэтини ёки ўйин майдончасидаги шоҳ-шаббаларининг оригинал шаклини бойитади (отли каштан, тикканли қорақарағай) ёки муайян кайфиятни яратишга имкон туғдиради (ўйин

майдончасига кираверишдаги кумуш заранг, дам олиш майдончасидаги декоратив бассейн олдидағи шохлари пастьга әгилган мажнунтот). Жуда күп ҳолларда якка дараҳтлар қоюшдан сақланиш функциясини бажаради (үйнайди). Бундай үсимликларни камроқ шикастланиши мақсадида уларни 25, 20 см ер даражаси баландлигіда жойлаштириш ва қурсилар периметри бүйича ёки унча катта бўлмаган тирговучли деворлар билан ҳимоя қилиш керак.

Хиёбонли кўчатлар ҳар қандай фазовийликни режалаш тизимини аниқлашда, пиёдалар учун йўлкалар ва хиёбонларни турли функционал зоналарни боғлаш учун лойиҳалашда қўлланилади.

Хиёбонларни қуидаги тартибда ажратиш керак: хусусан аҳамиятли режалаштириш элементларини боғловчи; асосийлари – турли белгиланган мақсадли майдонларни ўзаро бирлаштирувчи; иккинчи даражали – турли туман киришга олиб борувчи; декоратив – унча катта бўлмаган дам олиш участкаларида кичик бир ҳодиса характеристини ташкил этиш. Хиёбонларнинг кенглиги уларнинг функционал вазифасига қараб, пиёдалар оқимининг интенсивлигига ва 0,75 дан 3,5 м. гача ўзгариб туришига боғлиқ.

Асосий хиёбонларга яшил экинларни ўтказиш, қоидага кўра, мунтазамлийлик услубида лойиҳаланади. Асосий ва иккинчи даражали хиёбонларни кўкаламзорлаштиришда мунтазам, аралаш ва эркин услубда очиш мумкин.

Эпизодик (воқеа, ҳодиса) ҳаракат учун мўлжалланган, хиёбонлар, кўпроқ ландшафт услубида лойиҳаланади.

Хиёбонлар учун ўтказиладиган дараҳатларнинг танаси бир текис, тўғри ва ростланган шоҳ-шаббага эга бўлиши керак. Агар асосий хиёбоннинг чўзилиши 200 м бўлса, текис қатламда мақсадли, дараҳтлар икки томонлама ўтказилади (жўка, чинор, заранг, каштан, терак ва бошқа дараҳтлар). Агар хиёбоннинг узунлиги 300-600 м ва уни тез-тез иккинчи даражали йўллар кесиб ўтса, ҳар доим бир хил қаторлаб ўтказилган жойларнинг заифлашиб кетганини, таъкидлаб кўрсатиш керак. Дараҳтларни бурилиш ва кесиб ўтилган йўлларда, шоҳларининг шакли, баргларнинг ранги ва ҳажмини бир-биридан фарқ қиласиган асосий ўтказмалардан ўтказилади. Хиёбон бўйида бир хил қаторли ўтказмаларнинг – асосий хавф-хатари, уларни безатишдан келиб чиқади. Кенг бош хиёбонлар бўйига **сербарг шоҳ-шаббали** дараҳтларни ўтказиш керак (эман, жўка, найзабаргли заранг, отли каштан). Асосий ва иккинчи даражали хиёбонларни **ингича баргли шоҳ-шабба** дараҳтлар билан безатиш мумкин (пирамидасион терак, ғарб тую дараҳти).



Кўпинча, хиёбонларга бир хил навли дараҳталар ўтказилади, аммо айрим ҳолларда баландлиги ва шоҳ-шаббасининг шакли бўйича кескин фарқланадиган турлича навлар билан алмаштириш мумкин. Дараҳтлар орасидаги масофа 3 м.дан 6 м.гача, қайсики иқлмий хусусияти, нави ва ва ҳокозога қарамасадан тебраниб туради.

Хиёбондаги ўтказишга **кенкос усулини** тавсия этиш мумкин: бевосита йўлларни қоплаб (чукурча) кўпқаторлаб ўтказиладиган дараҳатларни квадрат ёки шахмат тартибида ўтказиш. Бу усул ўтиш майдонларини қисқартирмасдан хиёбон устида мутассил сояни яратишга имкон беради.

Жонли шоҳ деворлар 2,3 ва ундан кўпроқ буталар қаторидан, шунингдек кўплаб экилган дараҳтлардан яратилади. Улар паст, (0,5-0,8 м), ўрта (1-2 м) ва баланд бўйли (2 м.дан баланд) бўлиши мумкин, баландлиги 50 см гача бўлган **жонли деворлар бордюр** (ҳошия) деб аталади.

Ҳамма томонлари жонли шоҳ деворлар билан чегараланган, унча катта бўлмаган дараҳтлар массиви, боскет деб аталади. У турли туман ҳиёбонларни яратишда қўлланилиши мумкин. Боскет ичида ўзига яраша шамолдан ва қуёшдан сақлайдиган “яшил интеръер”ни яратиш мумкин.

Жонли шоҳ деворлар, майдонларни изоляциялашда ва худудларни белгиланган мақсадга мўлжалланган жойларда кенг қўлланилади. Қирқилган жонли шоҳ деворлар майдонларни ажратиш учун тавсия қилинади (унча баланд бўлмаган бутасимон эркин ўсадиган жонли шоҳ деворлар).

Энгиз ўйлкаларга туташган (1,5 м.гача), жонли шоҳ деворларни, яхшиси улардан 0,5-0,7 м. кенгликдаги тарам -тарам газонларни ажратиш керак.

Қирқиладиган жонли шоҳ деворлар, майдонларни чегаралайдиган, 1,4-1,5 м кенгликдаги уч қаторли буталардан, йўлкаларнинг бошқа томонлари эса ва газонларнинг ташқи томони – I м кенликдаги икки қаторли буталардан яратилади.

Турли геометрик фигура кўринишидаги, ҳайвонлар тасвирига ўхшатиб қирқилган буталарни рекрацион майдонлар учун тавсия қилиш мумкин ва лойиҳаланаётган муҳитга турли туман жисдий ўзгариши киритиши мумкин. Қирқилган жонли шоҳ деворлар ўйин қурилмаларини яратишда қўллаш мумкин.

Гулли композициялар

Гулли композициялар икки асосий турга бўлинади: **мунтазамли; ландшафтли.**

Мунтазамли композицияларга қўйидагилар киради: партер, гулларнинг туркумлари, гулзорлар, работка, бордюрлар, модулли боғчалар, вазалар, гулдонлар ва бошқалар.

Мунтазамли гулли композициялар аниқ геометрик ташқи кўринишларни таърифлайди. **Партер** ўзида фазовийликни очиқ қисмини, текис рельефда жойлашган, геометрик тўғри шаклга эга бўлганлигини ифода этади. Одатда партер тўғрибурчак шаклда томонларнинг 1/3 дан 1/7 гача ўзаро нисбатида бўлади.

Партерларга асосий талаб уни кўз билан бирламчи ва тўлиқ қамраб олишдадир. Яхиси жами партер бир неча баланд қўтарилиган ёки иншоотдан узунаси тўғри келган ўқ билан асосий қўриш нуктасининг кўздан кечирмоқдир. Партерларнинг уч типи мавжуд: газонли, гулли ва аралаш.

Партер, газон билан безатилган, газонли, гулзорли, гулли деб аталади. Аралаш типдаги партерларда газонларга 40-60% ни, гулзорларга эса – 15-20% гина эътибор қаратилади. Газонли партер ҳайкалтарошлиқ билан, вазалар, кўкламзорларнинг шаклга киритилгани билан бойтилиши мумкин. Унинг композициясига тўғири ёки нотўғри шаклли ҳавзаларни ҳам киритиш мумкин.

Гулли туркумлаш – бу, тўғри айланали, квадратларни, тўғриучбурчакларини, яна нотўғри геометрик шаклларни ҳосил қилдаиган бир навли декоратив ўсимликлардан таркиб топган композиция.

Работка - йўллар бўйидаги бульварларда ва кўчаларда партерга гуллардан энгиз тарам-тарам йўл. Узунаси бўйича қисқа (2-5 м) ва ўрта (7-9 м) работкаларга бўлинади. Унинг кенглиги ўсимликдан фойдаланишга боғлиқ ва ўзгарувчанлиги 0,5 дан 2,0 м.гача. Профили бўйича работкалар бир томонли ва икки томонли бўлади. Уларни бир йиллик ва икки йилликдан, паркларда – кўп йилликдан яратилади. Работкалар ҳамиша бир хил ва статик.

Катта кўламликка аниқланган интервал орқали паст ўсадиган буталар киритилади. Уларни чегараланиб ётқизилган тарам-тарам йўлнингкенлиги 0,5м .дан кам бўлмаган газон билан ажратилади. Йўлга яқин работкалар учун гулларнинг анчагина нозик бўлган навларидан фойдаланилади. Сезиларли масофадаги кўриниш учун мўлжалланган, работкалар учун, кўп йиллик жуда кўп гуллайдиган, қуюқ гуллар билан, яъни зич қилиб жойлаштирилган гуллар экилади.

Клумба (гулзор) - қайсики, шундай ва партердагидек ҳам, қатъий геометрик шаклларга, аммо сезиларли кам майдонли, йирик бўлинишдаги оддий тасвирга эга гулзордир. Уларни бир йиллик ва икки йиллик гулли ўсимликлардан яратилади. Кейинги вақтларда кўпроқ кўп йилликлардан фойдалимоқда. Паст ўсадиган, ихчам, зич тўйинган фактурали кўзга ташланадиган қилиб бўялган – ўсимликлар қўлланилади.

Клумбалар оддий ва мураккабга бўлинади. Одий клумбаларга бир кўринишдаги гулли ўсимликлар экиласи – астра (кўқонгул), шойигул, картошкагул, цини ва бошқалар; мураккабда эса – икки-уч кўринишдаги ёки навдаги ўсимликлар. Агар клумба кенг бўлса, клумбанинг бир томонига энг кўп кўринадиган, қарама-қарши томонга – бир қадар майда, олди планга эса – жуда кичина ўсимликларни ўтказиш тавсия этилади.

Ваза ва гулдон ўзиларида, қандай-ёки сифимдаги ўсимликлардан композицияни ифодалайди. Улар учун – ранг-баранг, йирик бўлакли гулли ўсимликлар қўлланилади. Йирик вазаларга ва гулдонларга декоратив-баргли, кўп йиллик, кичинагина буталар, кичикроқга – гуллар киритилади. Вазалар ҳар қандай турли туман архитектура-ландшафтли композицияларни ўз ичига олади.

Бордюр - кенглиги 10-30 см.ли бир ёки икки қаторли паст гулли ўсимликлар аниқ кўринишли ёки навдан ташкил топган энгиз ўйлар. Барюрдарлар билан клумбанинг четини ёки рабаткани, яъни уларнинг ташки кўринишини ажратиш учун безатилади. Ҳозирги кунда бордюрларни тошдан, ғиштдан, бетондан қилиш афзал кўрилмоқда.

Арабеска – геометрик шакллардан таркиб топган, партерларда ва клумбаларда фойдаланиладиган бир номли гуллар ёки таркибий қисм.

Модулли боғ – геометрик тўғри конфугурация элеменларидан ташкил топган гуллар композицияси. Унча катта бўлмаган модулли участкалар бетон плиталардан ётқизилиб, ора-сора жойланган бўлиши мумкин. Модулли участкаларда паст ўсадиган буталардан, декоратив-баргли ўтли ўсимликлардан, гуллардан композициялар яратилади. Айрим ҳолларда гулли фон яратиш учун майда тош, чиганоқ, шағал ва бошқалардан фойдаланилади. Яшил кўчатлар ҳажмли элементлар билан қўшилади: декоратив панеллар, сувга ботган дараҳталар, тўнкалар ва бошқалар. Плита ётқизилган гулзорлар ўртасида, грунтларни белгилашда плиталарнинг юзасидан паст бўлиши керак.

Моносад – бир кўринишдаги ўсимликлар боғи. Моносадга атиргуллар, лолалар, картошкагул, пўпанаклар боғи ва бошқалар киради. Майсазор фонида гулзорларга атиргуллар ва яна плитали ва шағали ётқизмалар ўртасига ҳам атиргуллар экиласи. Уларни майсазорларга эркин гурухли ёки геометрик конфигурацияда жойлаштириш мумкин. Йирик атиргул экиласидаган гулзорлар алоҳида участкали йўлкалар ва яна дам олиш майдончаларини ўз ичига олишлари мумкин. Уларнинг безатилишида ҳайкалчалар, фавворалар, декоратив ёритгичлар, гулли ҳошиялар, альпинарийлар, рокарийлар, гулли ялангликлар, ўтзорлар киритилади.

Ландшафтли гулли композицияларни табиат мұхитига ўхшатиш учун яратилади. Гулли гурухлар миксбордерлар, гулловчи майсазорлар, якка экинлар, гулли ҳошиялар тасвирилаш тартибидаги әрқин рангтасвириңи тавсифлайды. Улар буталар, дараҳтлар, сувли қурилмалар, геопластика элементлари билан құшилиб яратилиши мүмкін. Ҳозирги кунда миксбордерлар ва гуллардан тошлардан тузилған композициялар жуда кенг тарқалған.

Миксбордер – бу ранг-баранг ва ўзгача күринишдеги гуллардан ажralмаган ҳолдаги гулли безатиш. Унинг тузилишдеги асосий тамоийил – турли-туман ўстиришда (маданиятда) күп маротаба (эрта баҳордан то кеч күзгача) гуллайдиган, яғни бир йиллик, иккі йиллик ва күп йиллик ўсимликларнинг турларини ва навларини аник танлашда эришилади. Күпинча миксбордерларга 10-25 номдаги ўсимликларни хисобланади. Айрим ҳолларда миксбордер майда тош ва шағал билан қолланған тошли йўлкалар ёки участкалар билан тўхтатилади. Композиционли миксбордер текисликда ва поғаналик күринишида ечилиши мүмкін. Гуллар ва тошлардан тузилған ландшафтли композицияга қуйидагилар тегишли: минирокарий, миниальпинарий, клумбалар (нотўғри әрқин шакллар), тошли деворлар, рокарий, альпинарий, мореналар, альп ўтлоқлари, альп ва тошли боғлар.

Минирокарий – (Кичик ҳажмли) – декоратив контейнерларга ёки маҳсус яратилған сиғимга жойлаштириш мүмкін бўлган, модул гулдонлар типи. Бундай тошли композициянинг оргинали шундан иборатки, яғни у тўлиқлигича катта рокарийни асл қиёфасини, ўлчамининг мос равишида и фойдаланилаётган ўсимликлар ассортиментини қайтаради – булар пакана навлар и секин ўсувчи тупроқ қатламига оид турлари. Бундай ландшафт композициясининг мажбурий элементлари – туфли тошлар уларга экилған ўсимликлар.

Миниальпинарий композициясида факат баланд тоғли флорали ўсимликлардан фойдаланилади.

Клумба – тошлар гурухи билан унча катта бўлмаган ўсимликлар гурухи ёки якка нусҳалар билан алмашинадиган, ландшафтли композиция. У мураккаб ландшафт боғи ёки алоҳида ландшафт қисмининг элементи бўлиши мүмкін.

Рокарийларни ечишга мисоллар

Тошли боғ – асоси тош устунлик қилувчи, маҳсус ландшафтли фазовийлиқда ташкил этилган. Бу боғларнинг эстетикаси сунъийликни ва симметрикликни рад қиласи.

Шартлилик билан тегишлича стилистик тошли боғларни:

- ландшафтли, қайсиdir тоғли ёки бошқа табиий пайдо бўлган ва унга ўсимликлар туркимиға мос келувчилик қўринишини моделлаш;

- бадиий (фантазияли, манзарали), аслидай қилиб ўйлаб топилған ёки тоғ жойлар образини идеаллаштирилган;

- коллекцияланған, факат ўсимларни ўстириш учун қурилған аник мұхитда – жуда катта профессионализм талаб қиласидиган, хусусан мураккаб варианларга бўлиш мүмкін.

Рокарий- эркин шаклда қандай ечилса, шундай мунтазамликда ечиладиган, текис ёки тепалиқдаги тошли боғ. Рокарийлар учун бир турдаги тошдан, имкониятга қараб дағал ишланган (оқактош, құмтош, порфит, гранит, чиғаноқтош), бир неча йирик тошли бўлак ва катта микдордаги майда тошлардан композиция ташкил этилади. Рокарийлар учун ўсимликлар ранглар уйғуналиги билан бирлашган ва ландшафтнинг бошқа элементлари билан ўзаро мослашган ҳолда танланади.

Альпинарий – табиий ёки сунъий рельефда тирговучли девор билан қўшилиб қуриладиган, унча катта бўлмаган сув иншоотлари тоғ ландшафтлар ўсимликлари билан танланган, ландшафт композицияси. Альпинарийларнинг шарқий ёки шимолий-шарқий қияликларда жойлаштириш жуда яхшидир. Унинг яратилишида табиий тош, майда тош, құмдан фойдаланилади, гулларни эса пўпанак билан, буталар, пакана дараҳталар билан тўлдирилади. Альпинарийларни иложи борича, чиройли фон ва табиий ўраб олинган муҳитга эга бўлиш учун, бўшроқ жойлаштириш мақсадга мувофиқ. У учун - майсазор жуда чиройли фондир.

Морена (тоғ жинслар уюми) - йирик силлиқланган ва майда валунлардан тупроқли қоришка ва шағалар асосида вужудга келган, сунъий тошли қурилма. Морена альп ва тошли боғлар элементи бўлиши мумкин, ҳажмга қарамасдан ўзида унча катта бўлмаган харсанг тошларни тассавурини берадиган ёнбағирларда, хусусан қимматли ва инжиқ ўсимликлар ўстирилади. Морена ҳеч қачон сернам бўлмайди ва ҳеч қачон қуриб қолмайди.

Альп ўтлоқзори – баланд тоғ ўсимликлари туркумини имитация (тақлид) қиласи. Мустақил композиция сифатида амалда қўллаш мумкин эмас, аммо элемент сифатида альп боғи композициясига кириши мумкин. Фойдаланилаётган турларнинг ассортименти жуда спецификдир ва факат баланд тоғ минтақасининг ёввойи ўсимликларини ўз ичига олади.

Альп боғи – баланд тоғли альп ўсимликларини, табиийликка яқинлаштириш шароитини қўрсатиш учун маҳсус ташкил этилган ландшафтли макон. Альп боғларини табиий тоғли участкаларда қуриш ва паст бўйли жуда кўп, ранг-баранг гулловчи ўсимликлардан яратиш маъқулдир. Ўзининг режавий тузилишида у альп флораларидан турли-туман композицияларни (миниальпинарий, альпинарий, альп тепаликлари, альп ўтлоқзори ва бошқалар), яна шунингдек пиёдалар ва декоратив йўлкалар тизимини киритиши мумкин. Кўплаб альп ўсимликлари плиталар ёки йўлкалар тошлари орасидаги ковақда ўсиши мумкин.

Тошли девор - тошлар ва гуллардан иборат ландшафт композицияси. Кўпинча у қияликларни ёки пешайвонларни безатишда хизмат қиласи. Унинг ландшафт безагида асосан ампель ўсимликларидан фойдаланилади.

Газон ўтлари

Газонлар яратиш учун бошоқли ва баъзида дуккакли ўтлар қўлланилади. Текис, зич майса ҳосил қилувчи, қирққандан ва босиб ташлангандан кейин яхши ўсадиганлари танланади, шунингдек иқлим-тупроқ шароитларига яхши мослашадиганлари танлаб олинади.

Газон ўтлари баландлиги, ривожланиш даврига қараб ажратилади.

Баландлиги бўйича ажратилади:

А) новдаларининг катта баландлиги билан (100 см ва ундан баланд) характерланадиган ўтлар, катта баргли, нисбатан кичик тўпли (нозич, тўп бўлиб ўсадиган, -қилтиқсиз тароқбош (ёввойи ўт), ер бағирлаб ўсадиган буғдойик (фалласимон ўсимлик), беда.

Б) паст ўтлар калта новдали (60-75 см) ингичка баргли, зич тўп бўлиб ўсадиган (ўтзорда ўсадиган қўноқ ўт, қизил бетага (фалласимон ўсимлик), яйловда ўсадиган райграс)

в) яrim баландкли ўтлар новдалар баландлиги бўйича ва тўплиги бўйича баланд ва паст ўтлар орасидаги ҳолатни эгаллайди (ўтзорда ўсадиган бетага (фалласимон ўсимлик), ўтзор ажриқбоши).

Ривожланиш даври бўйича бир йиллик , икки йиллик ва кўп йиллик газон ўтлари ажратилади.

Вегетатив қайта ўсиш тури бўйича (шох-шаббаланиш ва илдиз системасининг ривожланиши) ўтлар илдизпояли, ғовакли тўпга эга, зич тўпга эга ва таёқчасимон илдизлиларга бўлинади. Илдизпоялиларда шох-шабба берадиган тугун ер тагига чуқур киритилмайди ва дастлаб янги новдалар горизонтал пайдо бўлади, шох-шаббалашнинг янги тугунлари ривожланади ва текис зич ўт-ўлан ҳосил қилиб, юқорига ёриб чиқади (қизил бетага, ўтзор қўнғирбошиси, оддий полевица).

Ғоваксимон шох-шаббалиларда шох-шабба тугуни тупроққа чуқур кирмайди. Даста шох-шабба тугунига яқин бўлиб, юзага чиқади, тупроқда у янги тугун ҳосил қиласди, унда янгитдан куртак ҳосил бўлади. Куртакдан эскиларига яқин жойдан янги новда ривожланади. Улар қуюқ чим ҳосил қилмайди, аммо улардаги ўт етарлича зич.

Зич тўп-тўп ўсимликлар шу билан характерланадики, шох-шаббалаш тугуни ер юзаси устида жойлашган, янги новда эскисига тақалиб ривожланади, бир вақтда янги илдизлар ҳам ривожланади, зич туп ҳосил бўлади.

Ўзакли илдизлиларда янги новда илдиз бўйинчасида ҳосил бўлиб, куртаклардан ривожланади. Ҳар бир янги новда илдизлар ҳосил қилмайди, уларнинг барги газон ўтларининг асосий ассортиментини Ўзбекистон учун яйлов райграси, қизил бетага, ўтзор қўнғирбошиси, оқ полевица, баъзида сарик беда, ўтзор тароги, ажриқбош, бир йиллик қўнғирбоши ташкил қиласди.

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

Амалий машғулотларни “Кичик гурӯҳларда ишлаш”, “Давра сұхбати”, “Кейс стади” ва бошқа таълим технологияларидан фойдаланилған ҳолда ташкил этиш күзде тутилған. Бунда ўқув жараёнида фойдаланиладиган замонавий методларининг, педагогик ва ахборот технологияларининг күлланилиши, маъruzалар бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлаш, амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-комуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш назарда тутилади.

1-амалий машгулот: Ландшафт мухитларида образ-мавзулий концепцияларни режавий услубларни яратиш. Ландшафт семантикаси

(Эскизлаштириш формат A-3).


Чорбоғнинг режалаштиришдаги қоида “Иршад аз- Зра’ а” трактида ифодаланған, Ҳиротда тузилған ва хирот қурилишига бош ҳомий Алишер Навоийга бағишлиған. Унинг раҳбарлигидаги тавсия этилған **чорбоғ** тўғрибурчакли, ёруғлик томонга тўғри ориентир олиш. Уни девор ва қатор тераклар ўраб олган. Асосий ўқариқ кенг йўлкалар ва ирмоқлар билан ажратилған. Ҳиёбонинг ичкарисида тантановор бино “иморат” қад кўтариб турибди, унинг рўпарасида тош ётқизилған майдон “пешгоҳ” ҳовузлар билан ва саллагулли клумблар жойлашган. Иморатнинг ўзи соя берувчи дарахталар – чинорлар, тут дарахтлари, қайрағочлар билан ўралған, боғнинг асосий худуди майдонларга “чорчманларга” бўлинган.

Боғнинг майдончаси геометрик шаклларга – учбурчакли, квадрат, олтибурчакларга ажратилиб, уларда гулзорлар ташкил этилған, ҳиёбонлар бўлиниб декоратив ва мевали дарахталар экилған. Дарахталар, буталар, гулларни ўтказишида - чуқур ўйланаган тизим қўлланилған. Гулларни танлашда гуллаш вақтининг эътиборга лойиқлигидир - чунки боғларда доимо гуллар очилиб турган.

Темурийлар боғининг ўзига хос томони (оврупа паркларидан фарқли ўлароқ) – декоратив и мевали дарахатларнинг бирга қўшилиши, улар на фақат утилитар талабни кондира олишида ва эстетик жиҳатдан аниқ таърифини топган. Баҳордаги рангларнинг тузи ва куздаги япроқлар ранги боғларга ниҳоят такрорланмас тароватни берганлар. Боғлар баланд деворлар билан айлантириб чиқилған, айrim ҳолда бу довол пахсадан бўлған, аммо кўпинча тўсиқлар архитектуравий безатилған. Бурчакларда минорачалар ўрнатилған, улар қўзатиш пункти вазифасини бажариб, кўпинча изразца билан қопланган. Асосий марказда баланд ҳашамат билан безатилған пештовоқли кириш йўли жойлаштирилған.

Чорбоғдан ташқари, режалашда бир мунча сокин рельефни талаб этадиган, қиялиқда ташкил этилған, баъзида жуда тикка, пешайвонли боғлар мавжуд бўлған. Масалан, Улугбек боғчаси – “Боғча”. Пешайвон қиялиқ билан бараварланған ва ғишт билан терилған, ўртада думалоқ ҳовуз билан ўн икки

йўлбарсли майдонча жойлаштирилган. Ёнма-ён юқори квадратли, оникс плита билан ўралган тагкурси **тхатагоҳ** – тахт жойи устидан гулдор қимматбаҳо чодир ўрнатилган. Бир қаторда яна бир қанча пешайвонлар турли бинолар билан жойлаштирилган.



2-амалий машгулот: Ландшафт компонентларининг дизайнни

Кўкаламзорларни жойлаштириш режаларнинг услублари
(Клаузура. Формат Ф-3) – 2 соат

Ландшафт композицияларини шакллантиришда алоҳида эътиборни дарахтисимон-буталарни ўтказиш инсолияциясига муносабатни, яна уларнинг ўсиш тезлигига қаратиш лозим. Инсолация картасининг анализ ҳисобига кўра ҳар қандай худуднинг жуда яхши ёртилган участкасини ёруғликни севучи навларига мослаб (эман, клен, шумтолбаргли, шумтол, терак, оддий қарағай, қора ольха ва бошқалар) лойиҳалаш керак. Соя қилиб турадиган участкаларда соябардош ўсимликларни жойлаштириш керак (татар ва сохта каштан, арча, жўка дарахти, чинор, дўлана, шилви, калина ва бошқалар.).

Тез декоратив эфектга эришиш учун асосан қуйидаги тез ўсадиган ўсимликлардан лойиҳалаш керак: қайрағоч, шумтолбаргли ва татар заранг(клен), мажнунтол, яшил шумтол, тиканли арча, оддий қарағай, оқ акас, бирючин, дўлана, бузина, боф ясмини, шилви, жийда ва бошқалар.

Рельефнинг геолпастикасини безатиш учун ўсимликнинг илдизлари системаси ривожланган, кўп микдорда шоҳлар ҳосил қиласидиган участкаларда лойиҳалаш лозим. Бундай ўсимликларга қаторига қўйидагилар киради: дала заранг, татар заранг, сариқ акас, оддий ўрмон ёнгоғи, иргай, дўлана, ингичка баргли жийда, гледичий ва бошқалар.

Кўкаламзорлаштиришни ҳимоя қиласидиган, дарахтлар ва буталарнинг қўйидаги навларини қўллаш тавсия қилинади:

шовқиндан сақлаш учун – найзабарг заранг, оддий қайрағоч, камбаргли жўка, оддий қорақарағай, татар шилвиси, сариқ акаси;

газдан сақлаш учун – учтиканли гледичий, кулранг ва қора терак, канада тераги, оқ акаси, оқ тут дарахти, казак арчаси, оддий бирючина ва бошқалар;

чангдан сақлаш учун – патсимон сершоҳ қайрағоч, оқ мажнунтол, отли каштан, кумушранг, татар, дала, найзабаргли заранг (клен), канада тераги, Боле тераги, оқ тут дарахти, яшил ва оддий шумтол, сариқ акас, оддий бирючина, ингичка баргли жийда, Ванн-Гутта спирейси;

шамолдан сақлаш учун ўтказиладиган ва худудни соя қилиш учун зич шоҳ-шаббали ўсимликлар танланади – отли каштан, найзабаргли заранг (клен), оддий қорақарағай, бандли эман, кам баргли жўка ва бошқалар.

Ўсимликлар тукумини танлашда ўсимликнинг архитектуравий-бадиий хусусияти ҳисобга олинади: баландлиги, шоҳларнинг шакли ва баргарнинг характеристи. Авваламбор, баландлик бўйича фарқни ва турли дарахтларнинг шоҳ-шаббалар шаклини эътиборга олиш керак.

Дарахтнинг баландилиги бўйича қўйидаги гуруҳларга бўлинади:

- **бирламчи ўлчамдаги дарахтлар** – баланд (25м дан баланд): оддий қорақарағай, оддий қарағай, бандли эман, найзабаргли заранг (клен), иирикбаргли жўка (липа);

- **иккинчи ўлчамдаги дарахтлар** – ўртача (10 мдан 25 м.гача): дала зарangi, отли каштан, қора ольха, америка шумтоли ва бошқалар;

- **учинчи ўлчамдаги дарахтлар** – паст (10 м.дан паст): канада багряниги, мажнунтол, оддий арча ва бошқалар

Декоратив-композицион идрок қилишда 5 м.дан паст дарахтларни буталар билан бир гурухга киритиш мумкин, яъни 0,5м.дан 5м.гача баландлика эга бўлган (оқ дерен, бересклет ва бошқалар).

Буталарнинг баландилиги бўйича ҳам уч гурухга бўлиш мумкин:

- **биринчи ўлчамдаги буталар** – баланд (3-5 м.): дўлана, Семенов заранг (клен), татар заранг, оддий калина, городовин ва бошқалар;


- **иккинчи ўлчамдаги буталар** – ўртача (1-3 м.): бирючин, сирень, бересклет, Ванн-Гутта спирейси ва бошқалар;

- **учинчи ўлчамдаги буталар** – паст (0,5-1 м.): Бумольда спирейси, япон спирейси, лаванда ва бошқалар.

Ландшафт композициялари фарқ қилиш (констраст) ёки нюанс тамойили бўйича шаклланади. Ўсимликларни ландшафт композициясига биологик, функционал ва архитектуравий-бадиий талаб ҳисобидан қатъий танланади.

Ландшафт дизайнининг обьектларини шаклланишида кўпроқ қўйидаги дарахт-бутасимон гурухлар қўлланилади: массивлар, ландшафт гурухлари,

якка, (солитерлар), ҳиёбонга оид экинлар, жонли деворлар, вертикал кўкаламзорлар, гулли безаклар.



Биологик белгиларни назарда тутган ҳолда ўсимликларнинг классификацияси

Ландшафтдаги сўв компонентларининг дизайни (Клаузура. Формат А-3)

Сувларнинг статистик эфект таркибидан ҳовуз ва кўлларни ташкил этишда ҳам фойдаланилади. Ҳовузлар ҳам табиий ва сунъий ташкил этилиши

мумкин. Ҳовузларни шакллантиришда санатар-гигиеник, гидрологик ва эстетик томондан кўрсатилиши талаб этилади.


Жилғалар – кичик сув иншоотлари шаклларига тегишлидир. Бу шакли бўйича табиий намунага яқин бўлган, унча кенг бўлмаган очик сув оқимларини эгри-бугри ўзани билан чўзилган. Сунъий жилғаларни ташкил этишда табиий жилғаларнинг кўриниши турли туман шаклли, жойнинг характер-рельефи ва турларининг қўшилишидан вужудга келиши билан боғлик. Жилғалар соҳилининг ташқи кўриниши оқаётган сув ости ерида акс этиши керак. Текис рельефда ва туроқнинг осон ювилиб кетилиши жойида уларни соҳилга нисбатан паралел эгри-бугри қилиш керакдир. Ўзанларнинг кенглиги ер юзасининг турли қияликларида алмашинади: қанча кам қиялик бўлса, жилға шунча кенг бўлади ёки аксинча. Турли қияликлардан тез оқимларда ва сокин сув қўлтиқларининг алмашинишида фойдаланиш лозим. Жилғалара орасида узунасига чўзилган оролчалар ёки қумлоқ саёзлар учраши мумкин. Қайсики сув кам жойларда, тошлардан ўтиш жуда эффектлидир, қуриш тавсия этилади. Тошдан ташқари, жилға соҳили бўйлаб чим босиш ва мос келувчи буталар, ўтлар, гуллар билан безатилади.

Шаршара сув оқимининг йўлида турли даражадаги сезиларли ўйик жойларида бўлган, тоғли жойларда тикка қияликда оқувчи, жилғанинг ўзанида пайдо бўлади. Шаршаранинг эфекти унча катта бўлмаган поғонали сув туширгичлар билан таққосланганда баландлиги, кенглиги ва шиддат билан пастга оқишида якунланади (шаршара бўйи узунлигига 1,5-2 м дан кам эмас). Схеманинг жойлашиши ва шарашибаранинг тизиллаб оқиши тасвири бўйича ўзгача декоратив эфект хусусиятига эга бўлган, бир неча типларга ажратиш мумкин. Шаршаранинг шарилаб оқадиган шаклини сув ташлайдиган тош йўналиши орқали аниқланади.

Каскад (поғонали шаршара) - сув оқимини унча катта бўлмаган, бир неча даражадаги, вертикал бўйлаб оқадиган ёки енгил эгилган текисликда декоратив деворлар учун маҳсус яратилган сув туширгичлардан ташкил этилади. Худуднинг ҳатто аҳамиятсиз бўлган қияликдаги бир бутун тизимнинг турли манзаравий кўринишидаги каскадларнинг ўзгартирилган йўлидаги катта-кичик шаклли тошнинг ва уларни турли ётқизилишида фойдаланишда тавсия этилади.

Фаввора – катта декоратив эфектга эга бўлган шиддат билан юқорига кўтарилиб отилаётган сувнинг, жилваланишига ва ҳаракатланувчи кўпикга ва эгилиб турадиган сув натижасидаги, сунъий сувли қурилма. Фаввораларнинг тузилиши жуда ҳам эфектлидир ва функционал нуқтаи назардан ўзини оқлайди. Улар салқинлатади ва ҳавони тозалайди, манзарага турли кўриниши киргизади. Фаввораларнинг ташқи безаги архитектуравий услугда ҳам ва фаввораларнинг тиззилаб оқиши тасвирида ҳам турлича бўлиши мумкин, оддий тизиллаб оқиб кўтарилишидан бошлаб сувнинг юза фонидаги, ҳайкалтарошлик билан бирга бой декоратив кўрилмасигача. Фонтаннинг архитектуравий-бадиий ечими архитектура муҳитига жойлаштириш характеристери билан боғлик бўлади.


Фонтаннинг характерли элементлари тизилиб оқаётган кўринишида бўлиши: уларнинг баландилиги ва қиялиги, турлича ўзаро жойлашганлиги, сачратиб туриш услуби. Тизилиб оқиши, сувнинг устуни ва сачратиб туриши, алоҳида томчилар, поғоналар, товланишлар ёки сувнинг пастга окувчи оқими жуда катта турли кўринишни яратиш мумкин.



ФАВВОРАЛАР ОТИЛИШИНГ ТИПЛАРИ:

А - АРХИТЕКТУРАВИЙ ЕЧИМ УСУЛЛАРИ; Б - ФАВВОРАЛАР ОТИЛИШИНГ ДИНАМИК УСУБЛАРИ

1. ЁЙЛИБ КЕТАДИГАН;
2. МАЪЛУМ ШАКЛГА КИРИТИЛДИГАН;
3. ТЎЛИҚ ЗИЧЛАНДИГАН;
4. САЧРАТИБ СЕПИЛАДИГАН



Архитектура мухитининг кичик шакллари дизайнни (Клаузура. Формат А-3)

Кичик меъморий шакллар функционлар вазифасига ва фазовий тавсифига кўра жуда ҳам хилма хилдир, эргономик параметрларга эга ва инсонларнинг ҳар бир ёш гуруҳига қараб тўғри келиши керак ва уларнинг

функционал вазифаси билан боғлиқ, спецификани ҳисобга олиш керак. Улар турли туман ландшафт ечимларини таъминлаб беради ва айникса муҳитнинг архитектуравий-бадиий қиёфасини, унинг индивидуалигини таъкидлаб намоён қилади. Кичик меъморий шакллар – бу иншоотнинг масшатаби бўйича унча катта бўлмаган ва мавсумий қурилманинг ва йил давомида фойдаланиш (стационар ёки кучайтириш), урбанизмлашда ва табиий муҳитда инсонларга хизмат қилишга мўлжалланган. Кичик меъморий шакллар, қоидага қўра, утилитар ва бадиий-декоратив вазифага эга, айримлари эса фақат декоратив.

Утилитар харктеридаги иншоотларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- савдо ва маълумот берадиган киосклар, турли турдаги автоматлар (телефон, газета), транспорт бекатидаги шийпонлар, павильонлар, соя қиладиган конструкциялар (трельяжлар, перголлар, айвонлар) скамейкалар ва ҳокозо.

Архитектуравий-бадиий вазифасидаги иншоотларга қуйидагилар тегишли:

- осилиб ўсадиган ўсимликларга тирговучлар, гулдонлар, шпалерлар, трельяжлар, софитлар, сачратиб сепадиган фавворалар, деворлар ва бошқалар.

- Турли кўринишдаги кичик меъморий шаклларни ва рекрацион ускуналарнинг анализи уларнинг умумий соҳасини қуйидаги белгилиларда таклиф этишни ижозат беради:

- ёш контингенти бўйича (болалар ва катталар учун);

- руҳий соғлом инсонлар белгиланган вазифаси бўйича, жисмоний нуқсони ва ақлий қолоқ инсонлар учун;

- функционал белгиланган вазифаси бўйича – рекрацион фаолиятнинг барча турлари- ўйинли, озиқ-овқат, спорт, бадиий-маърифат, ўқишига оид, меҳнат, мортли;

- конструктив тизим характеристи бўйича – қобирғали, қобирғали-тўсиқли, қобирғали-чодирли, тўсиқли, қобирғали-блокли, йиғиладиган-блокли, фақат блокли, пневматикали;

Кичик меъморий шаклларнинг номенклатураси ва рекрацион ускуналари ландшафт объектнинг функционал вазифасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Кичик меъморий шаклларни жойлаштириш бевосита функционал зоналаш билан ва участканинг архитектравий-режавий ечим билан боғлиқ бўлиши керак. Кичик меъморий шаклларни муҳитнинг турли типларига жойлаштиришда услубий бирлик шартларига риоя қилиш зарур. Кичик меъморий шаклларни уларнинг композицион фаоллигини даражасини мос келишида, композицион қонунларни ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш керак.

Ландшафт объектларини шакллантиришда дам олиш учун мебел, скамейкаларнинг турли типлари, перголлар, сояли айвонлар, шийпонлар, урналар кенг қўлланилади.

З-амалий машгулот: Ландшафтни лойиҳалаштиришда бадиий-образ моделларининг услубиёти

Сценарий моделлаштириш. Лойиҳа – ҳаёт сценарийси.
(Лойиҳалаштириши сценарий дастури сифатида) – 2 соат

Дараҳтсимон ўсимликларни идрок қилиш психологияси

Баландлиги, шох-шабба шакли, шохланиш характеристи, колорити бўйича турли хл бўлган дараҳтлар инсонга нисбатан турли психологик таъсирга эга, унга қўзғатувчи ёки тинчлантирувчи таъсир кўрсатади.

Баланд, йўғон, қалин тана ва бақувват шохларга эга дараҳтлар куч ва мустаҳкамликни ифодаловчи сифатида идрок қилинади. Ингичка тана ва шохлар, осилиб тушган, нозик шох-шаббалар ташвиш, нимжонлик, мўртлик билан ўхшатилади. Дараҳтларнинг баъзи шакллари одамлар фаолиятини кучайтиради, бошқалари эса, аксинча, статик, суст хулқ-атворга сабаб бўлади.

Пластик санъат назариясида горизонтал чизик тинчлантирувчи ҳисобланади, вертикал чизик эса кучайиб борувчи, юксалувчи динамика баҳш этади. Оғиб турган таассуротни берувчи, энг нотинч қия чизик – энг динамик ҳисобланади.

Шох-шаббанинг шакли биринчи навбатда эмоционал таъсир беради. Шох-шабба шаклининг ҳамма хилма-хилликларини бир қанча одатий турларга тақаш мумкин.

Шох-шаббанинг **конуссимон шакли** инсонга ҳаракатлантирувчи таъсир кўрсатади. У бу билан инсон тонусини, унинг қайфиятини кўтариб, мустаҳкам мувозанат образини, юқорига интилевчи образ яратади (қорақарағай, түядарахт).

Шох-шаббанинг **устунсимон шакли** вертикал силуэт бўйлаб нигоҳни юқорига жалб қилувчи сиртқи кўринишга эга. Бундай шакл билан ҳосил қилинган ўсиб борувчи динамика ён чизиқлари тўғри, вертикал, деярли параллел бўлишига қарамай, конуссимон шакл динамикасига нисбатан анчагина тинчлантирувчи. Қатор ва гуруҳларда жойлашган устунсимон дараҳтлар, одатда тантанали (дабдабали, баландпарвоз) таассурот беради. Ҳиссиёт ва ироданинг гармоник бирлигига ёрдам беради (қора арча ва терак).

Шох-шаббанинг **шарсимон шакли** дараҳтларга статик характеристи баҳш этади ва сусткаш таъсир кўрсатади. Бу дараҳтларнинг ташқи кўриниши ва шакли тўлиқ қониқиши ҳолати таассуротини яратади. Бу тўпланган куч-кувватни сақловчи омил. Аниқ ифодаланган ташқи кўриниш ва тугалланган шакл яхши руҳий мувозанатни тутиб туради, кучларни сақлашга ёрдам беради. (виргинский) қора арчаси ва қайрағоч (эльма-қайрағочнинг бир тури))

Горизонтал шох-шаббага эга чўзиқ ва статик дараҳтларнинг **соябонсимон шакли** тинчлантирувчи ҳисобланади. У ҳимоя ҳиссиётини, дараҳт тагидаги инсон устидан ҳомийлик қилиш ҳиссини яратади (қарағай, эман).

Шох-шаббанинг **пастга эгилиб ўсадиган шакли** тўлиқ сусткашлик таассуротини, ғамгинлик ва қайғуга мойил статик ҳолатни яратади. Бу ирода

ва интилиш истакларини тўхтатувчи, тинчлантирувчи омил (тол, четан(рябина), қайнининг эгилган шакллари ва бошқалар).

Битта танали ва буке-гулдаста кўринишидаги ёйик (тарқоқ) шоҳшаббали дараҳтлар ҳам бор. Уларнинг кўриниши ҳаяжонлантирувчи омиллардан бири ҳисобланади, ўзига аҳамиятни жалб қиласди, инсон тасаввурига таъсир кўрсатади.

Мунтазам планировкали боғларда ўсимликларни кўпинча ягона ҳажмни ҳосил қилувчи гурӯхларга йифадилар ва кублар ёки параллепипедлар кўринишида қирқадилар. Бундай “тирик” ҳажмлар қатъий планлаштирилган боғларнинг иродали ва мустаҳкам қирраларини кучайтиради ва ташриф буюрувчиларни уларнинг қиёфасига нигоҳларини жалб этишга мажбур қилган ҳолда доимо эътиборни тортади.


Психологлар томонидан шу нарса аниқланганки, кубсимон шакллар статиклик, ўзгармаслик, ҳаққонийлик, ақидани рамзийлаштириб, бир жойга тўпланганикни ёқлайдилар ва методик, пухта ишга ёрдам берадилар. Кубсимон шакллар квадратнинг фазовий ҳосиласи ҳисобланади. Ранг назариясидан маълумки, унга қизил ранг мувофиқ келади, чунки унинг “оғирлиги ва ношаффофлиги” берилган фигуранинг статик шакли билан мос келади. Квадрат шаклдаги газонлар, майдончалар, работкалар ва шу кабиларнинг ҳамда қизил баргли, гулли, мевали ўсимликларнинг биргаликда қўлланилиши шу билан боғлиқ. Бундан келиб чиқсан ҳолда заранг, зирқ, олма дараҳтларининг қизил баргли навлари квадрат, тўғри тўртбурчак планировкали боғларга, жонли деворлар параллепипедлари ва буталардан иборат кублар билан уйғунликда мос тушади.

Қатъий планировкада аниқ пирамидасимон ва устунсимон шоҳ-шаббали ўсимликлар таъсирчан бўлади. Ғарб тудаҳраҳтлари, оддий қорақарағайлар, тиканакли қорақарағайлар, оддий дўланалар ва бошқалар ўзининг бенуқсон шакли билан боғнинг тўғри бурчакли тузилишини кучайтирадилар.

Психометрик тестлар шуни кўрсатди, иш кабинетининг фазоси у хоҳ хона ичida бўлсин, хоҳ боғда, фикрларни ифодалаш осон бўлиши ва ҷалғиб кетмаслик учун “қатъий ҳошия” ғоясига эга бўлмоғи, шакли бўйича эса квадрат ёки тўғри бурчакли бўлиши керак.

Тўғри бурчакли шакллардан фойдаланишда боғ қиёфасида иродали, мардона бошланиш юзага келади. Бу қадимдан моддий дунё, оддийлик, тўғрилик, ўхшашлик ва тартиб тимсоли бўлган квадратнинг рамзий ифодаси билан боғлиқ. Квадрат яна тифиз чегаралар билан боғланган мувозанатни, қўзғалмас материя, қандайдир “оғирлик”ни рамзийлаштиради.

Квадратлар, тўғри тўртбурчаклар, тўғри бурчак ва чизиқлардан фойдаланишга асосланган дизайн жиддий инсонлар, жасур ва иродали, қатъий мулоҳазали, муросасиз, шунингдек ҳамма нарсада, ишда, қоғозларда, интеръерда, боғда тартибни севувчи инсонлар учун тўғри келади.



Амалий машгулот 4.

Шахсий участкаларининг ландшафт дизайни

(Амалий машгулот . Формат Ф-3 2 листа) – 4 соат

- Бош режаси, ёйилмаси, кесими.
- Дендрорежа, экинлар чизмаси, бўлимлар чизмаси, ўсимликларни спецификацияси, турлар.

Кичик боғ - шаршараларнинг меъморий қурилмалари ва кичик формалар, рельофлар, ўсимликлар билан ташкилашибилган, инсон билан табиат мухитига чегаравий-фазовий алоқаси.

Кичик боғлар типологияси

- **Режавий белгилар бўйича** – доимий, ландшафт (манзаралий) ёки аралаш боғлари.
- **География белгилари** – альпий, ўрта денгиз, инглиз, французча ва б.
- **Ландшафт белгиси бўйича** – тошли, сувли, текис, тепалик, тоғлик ва б.
- **Ўсимликлар таркиби бўйича** – дендра боғ, арча боғлари, мохли боғ, гулзор боғи, гул турлари бўйича ва б.
- **Ранг туслари бўйича** – бир хил ва ҳар хил ранглардаги боғлар.
- **Семантик (маъноси)** – кинетик (харакатда бўлгани) боғлар, “боғ ўйинда”, артефакт (сунний) боғлар, инсталляция боғлар, сунний элементлар ёрдамида тузилган.
- **Имарат қурилмаларида жайлашиш бўйича** – том айвон, лоджия, балкон ва б., ичкари ховлисида, курданер, қиш боғи ва б.





V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1-кейс

Ландшафт дизайнни – фаолиятнинг алоҳида қўриниши бўлиб, табиий компонентлардан – рельеф, сув, ўсимликлар ва ҳокозолардан фойдаланиб инсониятнинг ҳаёт фаолиятига сунъий муҳит яратишдир.

Ландшафт дизайнининг асосий мақсади – инсонга очиқ муҳитни ёқимли қилиб, дилга хушнудлик, функционал, эстетик ва экологик хусусиятга эга қилиб яратиш, бунда эстетик фактор асосий ўринни эгаллади.

Ландшафт дизайнни асарлари композициясида рельеф (геопластик элемент сифатида), ўсимлик, сув, ҳаво (фазовий ва ер ости перспективаси сифатида) асосийдир. Ландшафт дизайнининг асосий композицион элементлари очиқ муҳит, ўсимлик, қурилишлар, шаршаралар, рангларнинг турличалиги, ёруғлик, соя, ҳаво ва чизиқли перспективанинг пайдо бўлишидадир. Кузатиш орқали келиб чиқадиган ҳис-хаяжонланиш, ландшафт дизайнининг асарларида ишлаш- бош бўлиши, масштаб, уйғунлик, контраст композион факторлардир.

Ландшафт дизайн бошқа санъат турларидан асосий фарқи:

- ландшафт дизайн асарларинининг асоси табиатdir (ўсимлик, рельеф, ер, сув, ҳаво, тош ва ҳокозо.);
- қурилиш ашёларининг асоси – жонли ўсимлик, доимо организмдаги ўзгарувчанлик;

Ландшафт дизайнинг бошқа турли композицияси динамик структурага, яъни вакт ўтиши билан узликсиз ўзгариб туриши билан боғлиқдир. Ландшафт обьекти яратилиш жараёнида ландшафтда табиий элементларнинг синтези ва сунъий шакллар, яъни ландшафтнинг янги қўринишда пайдо бўлишидир.

Саволлар

Ландшафт дизайнининг асосий композицион асари нима?

Фазовийлик, ўсимлик, қурилиши, шаршаралар, ранглар тури, ёруғлик, соя, тўғри чизиқларнинг пайдо бўлиши ва ҳавои перспектива – бу:

Табиий-худудий комплекс, табиий чегараланган ва ташқи қўринишни характерини ажратувчи қандай номланади?

Фауна ва флора, сув, ҳаво ер тепаси- ҳақиқатдан ҳам беиста ландшафт компонентларига кирадими?

Табиий муҳитга асосланиб ривожланган ландшафтлар ва ўзи билан инсонни эргаштирмаган жараён қандай номланади?

Табиий ва сунъий компонентлардан ташкил топган ва инсон таъсири остида шаклланган ландшафтлар қандай номланади?

2-кейс

1370 йил Тимур Мавуннахрнинг ягонохукмдори бўлади ва империяни ташкил этиб, ўлимига қадар (1405 й.) Ўрта ер денгизидан Индагача бўлган худудларда хукмдорлик қиласди. Бу давр, улуғ ютуқлар ва қарама-қаршиликлар даври бўлган. Сиёсий ҳаётда - мамлакатларни ва халқларни империя доирасида бирлаштиришга интилиш ва шу билан бирга қарам ўлкани мустақил бўлиши. Иқтисодиётда – кенг халқаро тижорат алоқалари, хунармандчилик ва савдо-сотиқни ўсиши, катта шаҳарларни ва вилоятларни қашшоқлашувилининг ўсиши. Маънавий маданият, илм-фаннынг гуллашида юқори қўтарилиш ва фанатизмни ортиқ даражада бўлиши. Бу фонда – санъатнинг ҳайрон қоларли даражада парвози, ижоднинг турли қўринишидаги баркамоллика интилиш ва бу баркамоликка эришиш.

Бу даврда боғ-парк санъатининг гуллаш даври бўлди. Боғларни режалаштириш пухталик билан ўйланган режа асосида ишлаб чиқилган қоидаларга мос ҳолда амалга оширилади. Боғ-парк ишларида бир қатор усталар ажратилиди, тарих бу номларни бизгача етказган, улар қуйидагилар:

- Шахабуддин-Ахмад Зардакаши – Тимурнинг самарқанд боғларини яратишдаги асосчилардан биридир;

- Мирек-Сайд Фиёс Султан-Махмуд номи билан – буюк хирот шоири, сунъий сув чиқариш ва боғларни режалашда уста;

Бу даврга архитектуравий ташкил этилган боғ чорбоғ- “тўртқисмга бўлинган боғ” муҳим характерга эга, бош режавий тамойил – боғ худудини квадртга ёки тўғри ўқариқлар билан тўрт қисмга бўлиш.

Чорбоғнинг режалаштиришдаги қоида “Иршад аз- Зра’ а” трактида ифодаланган, Ҳиротда тузилган ва хирот қурилишига бош ҳомий Алишер Навоийга бағишлиланган. Унинг раҳбарлигидаги тавсия этилган чорбоғ тўғрибурчакли, ёруғлик томонга тўғри ориентир олиш. Уни девор ва қатор тераклар ўраб олган. Асосий ўқариқ кенг йўлкалар ва ирмоқлар билан ажратилган. Ҳиёбонинг ичкарисида тантановор бино “иморат” қад қўтариб турибди, унинг рўпарасида тош ётқизилган майдон “пешгоҳ” ҳовузлар билан ва саллагулли клумблар жойлашган. Иморатнинг ўзи соя берувчи дарахталар – чинорлар, тут дарахтлари, қайрағочлар билан ўралган, боғнинг асосий худуди майдонларга “чорчманларга” бўлинган.

Боғнинг майдончаси геометрик шаклларга – учбурчакли, квадрат, олтибурчакларга ажратилиб, уларда гулзорлар ташкил этилган, ҳиёбонлар бўлиниб декоратив ва мевали дарахталар экилган. Дарахталар, буталар, гулларни ўтказишида - чукур ўйланаган тизим қўлланилган. Гулларни танлашда гуллаш вақтининг эътиборга лойиқлигидир - чунки боғларда доимо гуллар очилиб турган.

Темурийлар боғининг ўзига хос томони (оврупа паркларидан фарқли ўлароқ) – декоратив и мевали дарахатларнинг бирга қўшилиши, улар на факат утилитар талабни қондира олишда ва эстетик жиҳатдан аниқ таърифини топган. Баҳордаги рангларнинг туси ва куздаги япроқлар ранги боғларга ниҳоят такрорланмас тароватни берганлар. Боғлар баланд деворлар билан

айлантириб чиқилган, айрим ҳолда бу довол пахсадан бўлган, аммо кўпинча тўсиқлар архитектуравий безатилган. Бурчакларда минорачалар ўрнатилган, улар қўзатиш пункти вазифасини бажариб, кўпинча изразца билан қопланган. Асосий марказда баланд ҳашамат билан безатилган пештовоқли кириш йўли жойлаширилган.

Саволлар

Марказий Осиёда Темурийлар давридаги боғ-сайлгоҳ санъатининг қайси услуби характерли?

Қайси боғ-парклар услуби геометрик тўғри йўлаклар ва майдончаларда симметрик-ўқ характерида жойлашуви?

Марказий Осиёда Темурийлар давридаги қайси боғ турлари кенг тарқалган?

Темурийлар даврида шаҳар ташқарисидаги катта магистрал шаҳарликларнинг сайр қиласиган, диний байрамларни ўтказиш, қўнгил очадиган жойлар нима деб аталган?

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил иш жараёнида тингловчилар модулга доир адабиётлар, услугбий қўлланмалар билан танишадилар. Ўқитувчи томонидан берилган мавзу бўйича топшириқни мустақил бажарадилар. Уларни мустақил иш сифатида расмийлаштириб тармоқ марказига топширадилар. Бундан ташқари, маъруза машғулотлари материаллари хамда қўшимча адабиётлар бўйича тайёрланиб рейтинг балларини тўплайдилар.

1. Замонавий шаҳарда ландшафт дизайнини объектларини лойиҳалаштиришнинг асосий йўналишлари.
2. Ландшафт дизайнини рангшунослик асослари.
3. Муҳитда табиат элементларини идрок этиш психологияси.
4. Интерьерда фитодизайн.
5. Интерьерда флорадизайн.
6. Ландшафтдаги сўв компонентларининг дизайнни
7. Кўкаламзорларни жойлаштириш режаларнинг услублари
8. Архитектура муҳитининг кичик шакллари дизайнни
9. Ландшафт дизайнда ҳудудларга ойид ўсимликлар компонентларини қўллаш.
- 10.Ландшафт семантикаси.
- 11.Ландшафтнинг геопластика концепциялари.
- 12.Кичик боғ – ландшафт дизайнининг асосий обьекти.
- 13.Кишки боғ – ландшафт дизайнининг асосий обьекти.
- 14.Ландшафт дизайнининг тарихи.
- 15.Қадимги Мисрнинг ландшафт дизайнни
- 16.Қадимги Гретсиянинг ландшафт дизайнни
- 17.Қадимги Римнинг ландшафт дизайнни
- 18.Қадимги Ҳиндистоннинг ландшафт дизайнни
- 19.Қадимги Хитойнинг ландшафт дизайнни
- 20.Қадимги Япониянинг ландшафт дизайнни
- 21.Ўрта аср Европасининг ландшафт дизайнни
- 22.Темурийлар асрининг ландшафт дизайнни
- 23.Ўзбекистон мустакилликигининг ландшафт дизайнни
- 24.Қайта туғилиш асрининг ландшафт дизайнни
- 25.Англиянинг ландшафт дизайнни
- 26.Франциянинг ландшафт дизайнни

VII. ГЛОССАРИЙ

Акведук	Узоқ сув манбаларидан оқизиб сув келтиришга мүлжалланган иншоот, осма қувур, равоқли сув күприги. XVIII асрнинг иккинчи ярмида романтик боғларга боғпарк мұхитини безашда декоратив элемент сифатида киристилген.	water pipe to deliver water from distant sources. As element decorative design landscape space introduced in the romantic gardens of the second half of the XVIII century.
Альтанка	лианалар экилгандар, ажурсумон конструкцияли, енгил қурилма. Ёмғирдан, қуёшдан сақланиш учун ва дам олишга мүлжаланган. Илк бор паркларда баркокко даврида күлланилген.	construction of a light, openwork design lined with vines. Designed for relaxation and protection from the sun or rain. Start the application goes back to baroque parks.
Антрапоген ландшафтлар	ландшафтлар ўзаро ҳаракатланувчи табиий ва сунъий компонентлар ташкил топиб ва инсон фаолияти остида шаклланади.	landscapes that consist of interacting natural and artificial components and are formed under the influence of human activities.
Бонсай	мўъжаз дараҳатларнинг (карлик) ўстириш санъати, илк бор Японияда вужудга келиб, мўжаз боғлар яратишда кенг кўлланилген.	the art of growing miniature trees, of which the Japanese have created miniature gardens
Бон-сэки	патнисда тошлардан композиция (VI асрда вужудга келган) Символизм билан фарқланади. Яшил ранглар баҳорнинг яшил рангга бурканганини билдиради., қизил ранг тус- ажабланиш, кора ранг – тўқ соянинг ёзги қуёшининг кўзи кўрилиги, оқ ранг қишида қирнинг қор билан бурканганинина тасаввурини беради. Тошлардаги оқ жилғаларнинг товушини. Қора лок билан қопланган патнис устида жойлашганлиги.	composition of stones on a tray (time of occurrence - VI of c.). Different symbolism. Green symbolizes the color of exquisite greens of spring, reddish hue - wilting, black - thick shadow of the dazzling summer sun, white - space snowy winter hills. Stones with white veins - a jet of water. Arrange on a tray covered with black lacquer.
Бювет	минерал сув манбалари устидаги иншоот, инсонлар бу ердан ичиш учун маъданли сув оладилар.	construction of a source of mineral water, sometimes the structure itself, equipped with a waterfall from a mineral spring, where people take water directly for drinking.
Вертугаден	худудни пластик безатиш усули, майдонинг устки қисмини текисилиги билан характерланади.	reception area plastic design, characterized by an increase in the flat areas of surfaces.
Виадук	йўлни нотекис, чукӯр, нобоп жойлардан ўтказиш учун қурилган иншоот. Йўл баланд устунлар устига ишланиб, устунларнинг оралиги эстакадан фарқли ўлароқ	a device for the transfer of the road through the gorge, a deep ravine, dry land, on the cross-road. It rests on high poles.

	ҳар хил ва энг кенг оралиқ виадукнинг энг баланд қисмига тўғри келади.	
Виридарий	монастир ёки турар жой ичидаги жойлашган кўкарамзор очик ҳовли, мўъжаз боғ. У одатда тўғри бурчакли хандасавий режали клумба гулларига эга, марказида фаввора ёки ҳовуз жойлашган.	landscaped courtyard, a small garden in the peristyle courtyard of the monastery, or a house. Usually have a geometric layout with a small fountain or pool in the middle and beds of flowers. The walls of the house, surrounded garden, covered with frescoes, where the prospects of fantastic gardens were depicted.
Геопластика	ландшафт лойиҳаси ёки кўкарамзорлаштиришга мўлжалланган ер майдонини меъморий ва бадиий қайта ишиш максадида текислаш ва тартиблаштириш. Геопластиканинг воситалари – табиий ва сунъий рельефли формалар (шакллар): тепалик, баландлик, тупроқдан ўйиб ясалган тепалик ва девор, қиялик ва тиргакли девор, зинапоя, нишаб йўлак, кратерлар ва канонлар ва бошқалар.	plastic processing the earth's surface using vertical layout techniques to achieve solutions utilitarian and architectural and artistic problems. Means geoplastiki - natural and man-made landforms: hills and hills, earth mounds and trees, slopes and retaining walls, stairs ramps, craters and canyons and others.
Дендрарий	очик жойда аниқ режа бўйича турли хил дараҳт ва буталардан иборат яшил массивдан тузилган маҳсус боғ ёки ботаник боғнинг бир қисми.	Green array of different species of trees and shrubs. Usually it used to carry out scientific work on acclimatization and introduction of woody plants.
Икебана	япон тилидан таржима қилинганда “иккинчи хаётга гулларни сақлаш” маъносини беради ва Японияда гуллар аранжировкасининг қадимги оригинал санъатидир	in Japanese language means "the conservation of colors in the second life" is an ancient and original art of flower arrangement in Japan.
Кактусарий	кактуслар коллекцияси, бу ўсимликликнинг ватанини эслатувчи, табиий шароитда жойлаштирилган - Жанубий Америкада, сувсиз сахро ландшафтни аниқловчи.	cactus collection, housed in conditions that resemble natural conditions these plants motherland - South America where they determine the landscape of arid desert.
Кенконс	тўғрибурчакли ўтказмалар (кўчатлар), квадрат бўйича экилган баланд дараҳтлар шундай экилганки, унинг ҳар томони очик. Шоҳлари кесилган.	rectangular landing, lined by high trees squares so that the form is open in all directions. Kroon cut.
Курдонер	сарой, кўшқ, қасрларнинг боғ кўринишидаги ҳашаматли ҳовлиси, кўча томонидан сийрак	front yard of the palace, villa, castle in a garden, fenced from the street through a fence, and on the other

	түсиқ, қолган томонларидан П-симон тархли биноларнинг қисмлари ёки корпушлари орқали тўсилган.	four sides - or parts of buildings in a U-shaped floor plan.
Лабиринт	ўрта аср боғларида баланд яшил тўсиқлар тарзида қайин ёки жўка дарахти ва буталардан ишланган адаштирувчи чалкаш йўлаклар.	in ancient Greece, the name of the intricate passages of the Cretan palace. In the Middle Ages maze of high hedges of hornbeam or linden staged in the gardens.
Ландшафт	очиқ ҳавода ишлаш ва дам олиш учун яратилган, таркиби табиий ўсимликлар, рельеф, тупроқ, сув, хайвонот дунёси ва сунъий (меморий мухандислик иншоотлари) ишланмалар билан бадиий ва экологик қонуниятлар асосида шакллантирилган ҳудуд.	natural and territorial complex, bounded by natural boundaries and characterized by a certain external appearance. The five main components of the landscape are the earth's crust (relief), air, water, flora and fauna.
Кичик боф	Ландшафт дизайн воситаларидан фойдаланиб шаклланган саноат бинолари ёки тураг жой бинолари, умумий бинолар олдида жойлашган чегараланган муҳит. У худудни ўртacha 0,2 дан 5,6 гектаргача эгаллаши мумкин (айрим ҳолларда 10 гектаргача).	this limited space, located near the public, residential or industrial building, and formed with the use of landscape design. It may take territory from an average of 0.2 to 6.5 hectares (sometimes up to 10 hectares).
Миксбордер	эрта баҳордан то кеч кузгача гуллаб турувчи турли ўсимликлардан тузилган, одатда йўлаклар, деворлар, яшил тўсиқлар ёки поғоналар бўйлаб экилган чиройли ва ўзига хос гулзор. Одатда миксбордерлар 10-25 ўсимлик турларидан тузилади.	kind of Flower continuous flowering. The basic principle of its construction - multiple (from early spring to late fall) blooms with cultural diversity, which is achieved by a specific selection of species and varieties of annual, biennial and perennial plants. Usually there are 10-25 names mixborders plants. Sometimes mixborders stops rocky path or areas covered with pebbles, gravel. Compositonally mixborders can be resolved in the plane and a stepped form.
Минирокарий	(Кичик ҳажмли) – декоратив контейнерларга ёки маҳсус яратилган сифимга жойлашириш мумкин бўлган, модул гулдонлар типи.	type modular flower bed, which can be placed in decorative containers or in specially designed containers.
Моносад	бир қўринишдаги ўсимликлар боғи. Моносадга розарии, тюльпанар, георгинар ва бошқалар киради	a garden of one type of plant. Monogarden include rosaries, tyulpanarii, geiginarii and others.
Морена (тоғ жинслар ўюми)	сунъий тошли қурилма, майда ва йирик силлиқланган юмолоқ тош бирон ҳодиса асосида вужудга	artificial rocky device created from the run-of large and small boulders on a substrate of soil and gravel

	<p>келган тупроқли қоришма ва шағал. Морена альп ва тошли боғлар элементи бўлиши мумкин, ҳажмга қарамасдан ўзида унча катта бўлмаган харсанг тошларни тассавурини берадиган ёнбағирларда, хусусан қимматли ва инжик ўсимликлар ўстирилади.</p> <p>Морена ҳеч қачон сернам бўлмайди ва ҳеч қачон қуриб қолмайди.</p>	<p>mixture. Morena can be a member of the Alpine and rocky gardens, where, regardless of the size of the latter is a small scree on a gentle slope on which grow the most valuable and the whimsical plants. Morena is never too moist and never dries up.</p>
Оранжерея	<p>Паркларда цитрус ва бошқа экзотик ўсимликларни ўстиришга қурилган бир ва бир неча заллик инишоот. Қиши боғ ролини бажаради. XVIII асрда Оврупа паркларида оранжереялар саройлар ёнида қурилиб, сайдомоша мақсадларида ҳам фойдаланилган.</p>	<p>park facilities with one or more rooms intended for the cultivation of citrus and other exotic plants. It acts as a winter garden. In the XVIII century. greenhouses were built in the park near the palace and used for entertainment.</p>
Полюдарий	<p>нам субтропик ва тропик ўсимликлардан композиция, пўпанак билан тўнка билан қўшилган, дарёга оид валунлар тропик ўрмонларнинг табиий фрагментларини юзага келтиради.</p>	<p>the composition of the plant humid subtropics and tropics, which in combination with moss, driftwood, river boulders create a natural fragment of rainforest.</p>
Страфаж	<p>Ландшафт парклар композициясига жонланиш киритиш учун унча катта бўлмаган саҳна жанрларидан ҳайвонлар, инсонлар фигуralари. 18-19 асарларда паркларда кенг тарқалган.</p>	<p>figures of animals, people, small genre scenes introduced in the landscape park composition for recovery. They were distributed in the park of the 18-19 century.</p>
Сюи-сэки	<p>Сув ва тош. Тошнинг вақт ва намлик ёрдамида харакатланиши. Оқ ёки крем ранглардаги чинни ёки фаянли поднослар танланган.</p> <p>Тошлардаги патина, гулловчи ўсимликлар дунёнинг кенглигини ва осойишталикни акс эттирган.</p>	<p>stone and water. Renewal of stone with the help of time and moisture. Selected porcelain or earthenware trays white or cream color. Patina on the stones, vegetable colors symbolized the majesty and tranquility of the world.</p>
Топиар санъати	<p>даражат ва буталарни чиллаб шакл бериш санъати.</p>	<p>the art of topiary trees and shrubs.</p>
Хиёбон	<p>Марказий Осиёда Темурийлар даврида кенг тарқалган шаҳар ташқарисидаги катта магистрал йўл, боғ қисмларини ўзаро улайдиган бош йўл, икки ёнига қатор дараҳтлар, гуллар экилган, ариклари ёки фавворалари бўлган сайргоҳ йўл. Хиёбон усти очиқ ёки ёпиқ бўлиши мумкин.</p>	<p>large suburban highway, have proliferated in the era Timurids in Central Asia; cased in one - two rows of trees (usually poplar), which is located between the tea house, stalls, places - luxurious mausoleums. It was a place of country walks citizens, secular and religious festivals, ceremonies and fees.</p>

Чойли боғ	чой маросимлари ўтказиладиган (тя-но-ю), чойли павильон боғ. Бу маросим вақтида саби тамойили (оддий) қўлланилган бўлиб – бу маросимнинг қийин ва кўп томонламали мақсадларини оддий шаклда тушунтириш. Чой маросимнинг очик мазмуни – табиатнинг табиий чиройини ва санъат асарининг нозик, хис-хаяжонли таъсир этиш даражасида ривожлантириш.	garden, who had a tea pavilion, which held the tea ceremony (cha-no-yu) During the ceremony, guided by the principle sabi (simple) - the ability to express in simple forms of complex and multi-faceted content. The implication of the tea ceremony - the development of the finest emotional response to the natural beauty of nature and art. The main purpose of the tea garden was to promote concentration and introspection.
Чорбоғ	тўрт томони девор билан айлантирилган дарвозали тархи квадрат ёки тўғри тўрт бурчакли мунтазам хандасавий ечимга эга, марказида сарой-кўшк, унинг олдида ёки атрофида сарховуз, ундан тўрт тарафга кетган ариклар, дарвозадан саройгача хиёбонлар, тўрт тарафда эса чорчаманлар, чаманлар ва деворлар узра йўллар, манзарали ва мевали дарахтлар, гулзорлар ва фавворалар билан ишланган мъеморий сайргоҳ боғ.	Charbagh Garden - type architectural organized garden - "four-membered Garden", the main planning principles which - the dismemberment of a square or rectangular area into four parts.
Чинампас боғи	Мексиканинг сузуви чиғни, устки катлами тупроқ билан тўлдирилган ва турли хил ўсимликлар ўстирилган, дарахат шоҳлари ва қамишли кичик оролча.	Garden chinampas - the floating Mexican garden, a small island of twigs and reeds, which are poured on the surface of the earth and cultivated various plants.
Шпалер	калин, зич эклган дарахтлар қатори, чимланганда яшил экранни намоён этади, дарахтсимон панжара (трельяж). Чирмашиб ўсуви ўсимликларнинг вертикаль кўриниши.	a number of densely planted trees, forming a green screen with a haircut; wooden lattice (trellis) with vertical vegetation entertainment and ceremonial processions.
Экзот	маҳаллий ўсимликлар таркибида учрамайдиган, аммо қимматбаҳо декоратив хусусиятга эга, дарахтсимон ёки бутасимон ўсимлик.	woody or shrub does not occur as part of natural local green space, but having valuable decorative features.

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Махсус адабиётлар:

1. Указ президента Республики Узбекистан “О мерах по дальнейшему совершенствованию архитектуры и градостроительства в Республике Узбекистан”, Правда Востока 27 апреля 2007 г.
2. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2013
3. Каримов И.А. Высокая духовность – непобедимая сила. – Т., 2008.
4. Illustrated history of landscape design / by Elizabeth Boultz and Chip Sullivan. Published simultaneously in Canada, 2010 ISBN 978-0-470-28933-4 –стр. 275.
5. The fundamentals of landscape architecture /by Tim Waterman. An AVA Book Published by AVA Publishing SA, 2009 ISBN 978-2-940373-91-8 – 202 b/.
6. Residential landscape architecture : design process for the private residence / Norman K. Booth, FASLA, James E. Hiss, FASLA.—Sixth Edition, 2012 ISBN-13: 978-0-13-237619-8 - 581 b.
7. Sharq mamlakatlarining bog-park san'ati/ K.D.Raximov, A.S.Uralov. O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi/ T.: "Tafakkur-Bostoni", 2013.-272 b/ SBN 978-9943-4237-6-3.
8. Пути архитектурного возрождения Узбекистана за XX – начало XXI вв. /Кадырова Т. Ф. – Т.: ТАСИ, 2007.
9. Ландшафт архитектураси ва дизайни/ С. С. Ожегов, А. С. Ўролов, К. Ж. Раҳимов. – Самарканд, 2003.
10. Landscape Architecture an introduction / by Robert Holden and Jamie Liversedge. 361–373 City RoadLondon EC1V 1LR United Kingdom, 2014. ISBN: 978 1 78067 270 0 – 209 b.

Интернет ресурслари:

http://www.asla.org/uploadedFiles/CMS/Government_Affairs/.

<http://www.landscapeinstitute.org/careers/index.php>.

<http://www.iwanttobeandscapearchitect.com/>.